



МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖДА ТАЙЁРЛАШ
ВА ВАТАНДОШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ
ҚИЛИШ БЎЙИЧА
"ЭЛ-ЮРТ УМИДИ" ЖАМҒАРМАСИ

UZBRIDGE ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИ



**2024 ЙИЛ
I СОН**



Ўзбекистон, Тошкент ш.,
Амир Темур - 13 уй



uzbridge@eyuf.uz



www.uzbridge.eyuf.uz

МУНДАРИЖА

Т/р	Муаллиф	Мақола номи	Саҳифа
1	Бозоров Р.	Кредитлаш жараёнида аҳоли даромадларининг илмий-назарий асослари ҳамда амалий ҳолати таҳлили	3
2	Боймуродова Ф.	What are the Benefits and the challenges of inclusion for disability children in Uzbekistan?	13
3	Жалилов Х.	Важность баланса между работой и личной жизнью	23
4	Зайлобидинова М.	O'zbekistonda soyadagi ta'limning rivojlanishi	30
5	Маматов А., Насиров А.	Moslashuvchan va shaxsiylashtirilgan ta'limni tatbiq etishda sun'iy intellekt texnologiyalari	35
6	Махмудова Г.	Значение научных исследований в подготовке кадров высшего образования	49
7	Муминова С.	What is the impact of cultural diversity on teaching English in public primary schools in Uzbekistan?	54
8	Мусоева А.	The significance of written feedback in enhancing students' research writing	60
9	Набиев Ф.	Prioritization of barriers to the adoption of Renewable Energy Sources in Uzbekistan	64
10	Нематова Н.	Oliy ta'lim muassasalarida rus tili fanining o'qitish holati va zaruriyati	94
11	Мишонов М.	The Right to Life: Ethical Considerations in Abortion and the Human	97
12	Раҳимова М.	Хорижий мамлакатларда яшил иқтисодиётга ўтишнинг такомиллаштириш тажрибалари	107
13	Саидова М.	O'zbekiston yalpi ichki mahsulotida biznes rivojlanishini statistik baholash	112
14	Ташматова Г.	Developing learners' communicative competence through content and language integrated learning	121
15	Тураев Б.	Tibbiyot xodimlari faoliyatida ilmiy materiallar bilan ishlashni rag'batlantirish	129
16	Хамидов В., Мухамаджанов Ш., Абдуллоев А.	Педагогик дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда таълим сифатини ошириш имкониятлари (виртуал лабораториялар таҳлили мисолида)	133
17	Якубов Б.	Blockchain Technology: Paving the Way for a New Digital Economy	140
18	Карабев Н.	Тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолаш механизми	145
19	Карабев Н.	Тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашнинг хориж тажрибаси	158

Кредитлаш жараёнида аҳоли даромадларининг илмий-назарий асослари ҳамда амалий ҳолати таҳлили**Бозоров Руслан Хамдамович**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси докторанти
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
E-mail: ruslanhamdamovich@mail.ru

Аннотация. Мақолада иқтисодиётда самарали кредитлаш механизмларини қўллашда аҳоли даромадлари тушунчаси ва уни ҳисобга олишнинг ўрни ва аҳамияти ҳамда ушбу тушунчанинг назарий асослари ёритиб берилган. Шунингдек, аҳоли даромадлари барқарорлигига тижорат банкларининг кредит портфели, истеъмол нархлари индекси, доимий аҳоли сони, кам таъминланган аҳоли улуши каби кўрсаткичлар ҳамда аҳоли даромадларини табақалашув даражасини пасайтириш бўйича чораларнинг таъсири ҳамда ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинган. Ва тегишли хулосалар келтирилган.

Таянч сўзлар: кредит портфели, аҳоли даромадлари, нарх индекси, аҳоли даромадларини табақалашуви, камбағаллик чегараси ва кам таъминланган аҳоли.

Аннотация. В статье раскрыто понятие доходов населения и роль и значение его учета в применении эффективных механизмов кредитования в экономике, а также теоретические основы этого понятия. Также проанализировано влияние и взаимосвязь таких показателей, как кредитный портфель коммерческих банков, индекс потребительских цен, постоянное население, доля бедного населения и меры по снижению уровня доходного расслоения на стабильность доходов населения. И представлены соответствующие выводы.

Ключевые слова: кредитный портфель, доходы населения, индекс цен, уровень стратификации населения по доходам, черта бедности и малообеспеченное население.

Abstract: The article reveals the concept of incomes of the population and the role and significance of its accounting in the application of effective lending mechanisms in the economy, as well as the theoretical foundations of this concept. The influence and relationship of such indicators as the loan portfolio of commercial banks, the consumer price index, the resident population, the share of the poor population and measures to reduce the level of income stratification on the stability of incomes of the population are also analyzed. And the corresponding conclusions are presented.

Key words: loan portfolio, population income, price index, level of population stratification by income, poverty line and low-income population.

Кириш

Бизга маълумки, банк ресурсларидан фойдаланишда иқтисодиётда аҳоли даромадларини барқарорлигини таъминлаган ҳолда кредитлашни амалга ошириш муҳим масала ҳисобланади. Бу борада, тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган кредитлаш механизмининг таркибий элементларидан бири бўлган миқдорларнинг тўловга лаёқатлилигини баҳолаш ва бу жараёнда унинг даромадлари ҳамда уларнинг кўламини иноватга олиш орқали кредитлаш бўйича қарор қабул қилиш амалиёти мавжуддир. Аммо, бугунги кунда банклар томонидан ажратилаётган кредитлар портфелида муаммоли кредитларнинг улуши юқори даражада сақланиб қолаётгани (1-жадвал) бевосита бу борада назарий-услубий тадқиқотларни талаб қилади.

**Тижорат банкларининг кредит портфели ва уларда муаммоли кредитлар (NPL)
улуши тўғрисида маълумот¹**

млрд. сўм

Кўрсаткичлар		2021 йил 1 январь	2022 йил 1 январь	2023 йил 1 январь	2023 йил 1 июль	2023 йил 1 ноябрь
Жами:	кредит портфели	276 975	326 386	390 049	423 773	460 491
		100 %	100 %	100 %	100 %	100 %
	NPL	5 785	16 974	13 992	14 303	16 777
		2,1 %	5,2 %	3,6 %	3,4 %	3,6 %
Давлат улуши мавжуд банклар	кредит портфели	244 484	280 074	324 681	307 887	329 529
		88,3 %	85,8 %	83,2 %	72,7 %	71,6 %
	NPL	5 168	15 069	12 643	11 855	13 069
		89,3 %	88,8 %	90,4 %	82,9 %	77,9 %
Бошқа банклар	кредит портфели	32491	46 312	65 368	115 886	130 962
		11,7 %	14,2 %	16,8 %	27,4 %	28,4 %
	NPL	617	1 905	1 349	2 448	3 708
		10,7 %	11,2 %	9,6 %	17,1 %	22,1 %

Шу мақсадда тадқиқотимиз давомида “аҳоли даромадлари” тушунчаси ва уларнинг ҳажми ва сифатига таъсир этувчи омилларнинг назарий ва услубий жиҳатларни ўрганган ҳолда таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Навбатда, аҳоли даромадлари тушунчасига доир турли ёндашувларни кўриб чиқамиз. Шунинг алоҳида таъкидлаш мумкинки, даромадлар тенгсизлиги муаммоси узоқ вақтдан буён мавжуд бўлишига қарамай, 1870 йилга келибгина бу муаммони ўрганишда даромад тушунчасининг ўзидан фойдалана бошланган. Й. Шумпетер таъкидлаганидек, илгари асосан “бойлик” каби иқтисодий категориядан фойдаланилган (Шумпетер Й., 2001).

Аҳоли даромадлари моҳияти, уларнинг шаклланиши ва тартибга солиниш масалаларини турли мактаб ва йўналишдаги иқтисодчилар тадқиқотларида кўриб чиққан. Мисол учун, меркантилистлардан Ж.Б.Кольбер, Т.Ман, А.Монкретьен, Дж.Стюарт ва бошқалар: аҳоли даромадларининг шаклланиши фақат муомала соҳаси билан боғлиқ деган хулоса берганлар. Физиократлар А.Тюрго, Ф.Кенэлар аҳолининг бойлик ва даромадларини кўпайтириш асосини маҳсулот ҳажми ортишига йўналтирилган қишлоқ хўжалиги фаолиятига деб билган. Классик мактаб вакиллари А.Смит ва Д.Рикардолар эса, даромад шаклланиши ва уни тартибга солиш масалаларини бозор механизмларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилиш имконини тадқиқ қилган. К.Маркс меҳнатнинг қиймат назариясини асослаган ҳолда даромад назариясига ўз ҳиссасини қўшган. В.Парето, М.Фридман, Ф.Хайек ва бошқалар аҳоли даромадларини тақсимлашда давлатнинг аралашмаслиги назариясини ишлаб чиққан.

Классик иқтисодчилардан У.Петти 1676 йилда ёзган “Сиёсий арифметика” китобида аҳолининг жон бошига даромади ва озиқ-овқат харажатлари ҳақида маълумотлар келтирган (Петти У., 1676). Иқтисодчи аҳолининг даромадига ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан қараган. Унинг “меҳнат – барча бойликнинг отаси, ер – унинг онаси” деган ибораси машҳурдир. Бу билан, иқтисодчи асосий ишлаб чиқариш омилларига эътибор қаратган ҳолда, аҳоли тирикчилиги учун иш ҳақи масаласига урғу берган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

А.Смит аҳоли даромадларини ўсишини мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажмининг ўсиши билан боғлиқ деб ҳисоблайди (Смит А., 1802). Унинг фикрича, бозор механизмнинг амал қилиш табиати шундайки, бозор муносабатларидаги ҳар бир иштирокчи ўз манфаати(фойдаси)га интилиб иқтисодий қизиқишларини мустақил равишда амалга оширади. Натижада, шахс индивидуал мақсадларни амалга ошириш орқали маҳсулотнинг ижтимоийлашувига ва жамият даромадининг ўсишига ҳисса қўшади. А.Смит бозорнинг иқтисодий механизмида рақобатнинг ички манбаи сифатида шахсий манфаати ва аҳамиятини кўрсатиб берган. Демак, одамлар фаолиятининг асосий иқтисодий мотиви – бу инсонларнинг ўз бойлигини оширишдан шахсий манфаати деган хулоса келиб чиқади. Айнан шу мотив инсонларни ҳаракатга келтиради ва уларни бир-бирлари билан муносабатга киришишига мажбур этади. Олимнинг фикрича, юқори маош билан ҳар доим паст маошга қараганда фаолроқ, ақлли ва меҳнатсевар ишчиларни топиш мумкин.

Шундай қилиб, А.Смит даромад олишнинг асосий манбаларини, шаклланиш тартиби ва тақсимланиш шакллари хамда уларнинг ҳажмини аниқлади. Даромадларни тартибга солиш усуллари келсак, у буни бозор механизмнинг ўзи амалга оширади деб ҳисоблади. Шунинг билан бирга, давлат фаолиятининг учта функция билан, яъни, давлат ҳокимиятининг самарали тузилмасини тузиш ва сақлаш, мамлакатни муҳофаа қилиш хамда одил судлов бўлишлиги таъминлаш билан чекланишига эътибор қаратди.

Даромадларни шаклланиши ва тақсимлаш қонуниятларини асословчилардан яна бири Давид Рикардодир. У иқтисод фанининг асосий муаммосини даромадларни тақсимлашни тартибга солувчи қонуниятни топишда деб билди (Рикардо, Д., 1822). Унинг таҳлиллари даромадлар тақсимланиш муаммосига қаратилган эди. Яъни жамиятдаги турли гуруҳларнинг умумий (ижтимоий) маҳсулотдаги улушлар нисбатини тушунтиришга йўналтирилган. У фойда, рента ва иш ҳақи шаклида ҳар бир аҳоли синфига борадиган маҳсулотнинг улушини ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида турлича эканлигини асослаб берган. Шу аснода, иқтисодчи тадқиқотларида даромадларнинг нотекис тақсими ва ижтимоий тенгсизлик муаммоси асосий масала ҳисобланган.

Умуман олганда, классик мактаб вакиллари аҳоли даромадлари табақалашуви ва ундаги муаммоларни таҳлил қилган ҳолда иқтисодиётдаги мувозанат ва динамика ҳолатини бозор механизмлари билан асослашга интилган. Қолаверса, уларнинг фикрига кўра, даромад тақсими тартибга солинмайди ва давлатнинг ҳар қандай аралашуви самарасиздир. Шунингдек, улар томонидан тан олиндики, даромад бир томондан иқтисодий фаолиятнинг натижа кўрсаткичи бўлса, иккинчи томондан шахснинг ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришдаги роли ҳисобланади.

К.Маркс даромадларни тартибга солиш зарурлиги ҳақидаги фикрларни шаклланишига катта ҳисса қўшган. Унинг учун бошланғич нуқта – ишлаб чиқаришдир (Маркс К., 1957, 1983). Даромаддан фойдаланган ҳолда истеъмолчи ишлаб чиқариш жараёнининг доимий такрорланишини рағбатлантиради. Чунки ишлаб чиқарилган маҳсулотни даромад ҳисобига истеъмол қилинадиган маҳсулотларга айланиши уларни узлуксиз ишлаб чиқариш имконияти ва заруриятини беради. Бундан ташқари, даромад асосидаги истеъмол нафақат ишлаб чиқаришнинг такрорланишини рағбатлантиради, балки унинг кенгайиши ва такомиллашишига туртки бўлиб хизмат қилиш билан бирга, янги товарлар ва хизматлар хамда тармоқларнинг пайдо бўлишини рағбатлантиради. Ижтимоий нуқтаи назардан, даромад аҳолининг меҳнат кучини такрор ишлаб чиқариш мақсадида товарлардан фойдаланишга оид муносабатларини ифодалайди. Бу эса, шахсий ишлаб чиқариш омили ҳисобланади.

Маржиналистлар жамият даромадларини барча шахслар учун фойдалиликнинг массаси сифатида кўришган. Шунинг учун даромадларни тақсимлаш миқдорий ифодаланиши ва фаравонлиكنинг максимал ҳажмига тенг бўлиши шарт деб ҳисоблаган. Маржинал фойдалилик назарияси даромадларни аҳолининг юқори даромадли қатламларидан кам таъминланган қатламларга қайта тақсимлаш зарурати асосида ётади. Бу йўналишда рақобатбардош бозор мувозанати шароитида даромадни кўриб чиққан В.Парето ғояси муҳим аҳамиятга эга. Унинг ижтимоий фойдалилик ҳақидаги тушунчаси “Парето оптимали” деб номланган (Парето В., 1906, 2011). Парето самарадорлиги ресурсларни исроф қилиш ёмон, аммо самарали фойдаланиш яхши эканлигини англатади. Шу билан бирга, баъзиларнинг фаровонлигини бошқалар ҳисобидан яхшилаш билан бирга келадиган бундай харажатларни йўқ қилиш кераклиги тушунтирилган.

Аҳоли даромадларини тартибга солишнинг яна бир ёндашуви даромад ва талаб ўртасидаги боғлиқликни ўрганган Ж.М.Кейнс томонидан таклиф қилинган. Унинг фикрича

(Кейнс Д. М., 1936, 2018), ялпи талаб истеъмол ва инвестиция талабининг умумий пулдаги ифодасидир. Бу ерда, истеъмол талаби аҳолининг пул даромадлари миқдори ва қандай сарфланишига боғлиқлигига урғу берилган. Даромад ошгани сайин талаб ҳам ошади, истеъмол харажатлари ошади, лекин бу харажатлар даромад ошганидек ошмайди. Даромадларни дифференция қилиш (фарқлаш) муаммосини тадқиқ қилишда реал даромадлар ва реал харажатлар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатадиган Кейнснинг макроқитисодий истеъмол функцияси муҳим роль ўйнайди.

Ж.М.Кейнс иқтисодиётдаги инқироз ҳодисаларнинг асосий сабабини самарали талабнинг йўқлигида кўрди, шунинг учун давлатнинг саъй-ҳаракатлари “самарали талаб” ни мавжудлигини таъминлашга ҳам қаратилган бўлиши зарур. Бундан ташқари, олимнинг фикрича давлатнинг “тунги кўриқчи” сифатидаги анъанавий функцияларини кенгайтириш керак, сабаби “иқтисодий кучларнинг эркин ўйинини чеклаш ва назорат қилиш зарур” ҳолда иқтисодий сиёсат талаб ва истеъмолни рағбатлантиришни ўз ичига олиши керак. Чунки жамият бойлигининг ўсиши маҳсулотларни сотиш орқали таъминланади. Демак, давлат истеъмолга мойиликка ҳам таъсир кўрсатиши лозим.

Монетаризмчилар аҳоли даромадлари давлат томонидан тартибга солинишини қўллаб-қувватламайдилар. Монетаризм асосчиларидан Милтон Фридман иқтисодиётда давлатнинг ролини соғлом рақобатни тартиб-қоидаларини ўрнатиш ва хусусий мулкчиликка устуворликни беришда деб билган (Фридман М., 1998, 2006). Унинг фикрича, давлатнинг асосий функцияси пулга бўлган барқарор талабни шакллантириш ва таъминлашдир. Барқарор ва адолатли тартиб-қоидалар асосида пул массасининг ортиши мамлакатда иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи омилга айланиши мумкин. Монетаризм назарияси вакилларига кўра, мамлакатдаги пул-кредит сиёсати иқтисодиётда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва даромадлари ўсишини белгилайди. Сабаби аҳоли даромадлари ошигани сайин пул ва қийматли активларга талаб ўзгаради. Шу сабабли, аҳоли даромадларига давлат томонидан пул муомаласини тартибга солиш билан таъсир кўрсатилади. Бунинг эвазига жорий даромадлар камайган вазиятда даврларда ҳам турмуш даражасини имкон қадар барқарор сақлаш мумкин бўлади.

Аҳоли даромадлари барқарорлигини таъмилашдаги муаммолар ҳал қилишда институционализм йўналиши иқтисодчи олимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшган бўлиб, улар талқинида аҳоли даромадларига маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий, психологик ва тарихий омиллар ҳам моддий омиллар каби ҳаракатлантирувчи куч сифатида таъсир қилади. Яъни, уларнинг эътибор марказида аҳоли иқтисодий ҳаётининг барча шарт-шароитлари ҳамда таъсир этувчи омиллар ҳолатига асосан уларнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш тенденциялари, шу жумладан даромадлари барқарорлиги кузатилиши мумкиндир. Уларга кўра, аҳоли даромадларини давлат томонидан тартибга солиниш механизми самараси бозор механизмидан кам ҳисобланмайди.

Нидерландиялик иқтисодчи олим Я.Тинберген иқтисодиётда даромадларни тақсимлаш борасидаги таҳлилда тенгсизлик муаммосини ҳал этиш энг муҳим масала деб ҳисоблайди (Tinbergen J., 1975). У ўз тадқиқотларида адолатли ва оптимал тақсимлаш тушунчаларини ажратишга интиланган. Унинг фикрича, адолатли тақсимотга эришиш учун маълум ижтимоий чоралар зарурдир. Шу боисдан, Ян аҳоли даромадларини ўсишини таъминлашнинг асосий омили деб, таълимни ҳисоблаган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг асосий мақсади кредитлаш жараёнида аҳоли даромадларининг назарий асосларига доир иқтисодчи олимларнинг фикр ва қарашларини ўрганиш орқали тадқиқотнинг кейинги босқичларида самарали кредитлаш механизмлари орқали аҳоли даромадлари барқарорлигини таъминлашга доир илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун илмий хулосалар шакллантиришдан иборат. Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг аҳоли даромадларининг шаклланиши ва қайта тақсимланиши, шунингдек табақалашув даражасининг назарий ҳамда амалий моҳияти ҳақидаги ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзунинг ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда назарий маълумотларни тизимлаш бўйича махсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар

Аҳоли даромадларини англаш, уларни тақсимланиши бўйича турли хил илмий ёндашувларга доир таҳлилни юқорида кўриб чиқдик, бу аҳоли даромадлари ва уларни тартибга солишнинг концепциясига доир асосларни шакллантиришга имкон беради.

Яъни, бизнинг фикримизча аҳоли даромадларининг барқарорлик даражаси ва уларнинг табақаланишининг иқтисодий жиҳатдан самарали ва ижтимоий жиҳатдан мақбул ҳолати ҳар бир миллий ёки ҳудудий иқтисод учун мавжуд бўлиб, бу мақбул ҳолат ҳар бир иқтисодиёт учун турлича ҳисобланади. Чунки турли иқтисодиётларда мавжуд табиий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муҳит турличадир. Бундан ташқари бозор механизмларининг ишлаши ва иқтисодиётга давлат аралашуви даражаси ҳам ҳар бир иқтисодиётда ўзига хосдир, бу эса ўз-ўзидан мавжуд жамиятлардаги аҳоли даромадлари ва уларни табақалашуви ҳолатига таъсир кўрсатади.

Бу эса, услубий асос сифатида аҳоли даромадаларига тизимли ёндашиш шарт бўлиб, бу нафақат ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, табиий ва институционал хусусиятдаги масалаларни ўрганишни балки, жамиятда аҳолининг турли гуруҳлари ўртасидаги даромадларнинг миқдорий ва сифат жиҳатидан боғлиқлиги ҳамда улардаги истеъмол харажатларининг улушини янада кенгроқ таҳлил асосида тадқиқ қилишни талаб этади.

Шундай қилиб, аҳоли даромадлари тушунчасининг асосий жиҳатлари қуйидагилар билан ўзаро боғлиқ:


- концепцияга доир фундаментал биринчи ҳолат: жамиятда аҳоли даромадалари ўсиши жарёнидаги вужудга келадиган табақалашув икки томонлама роль ўйнайди. Бир томондан, аҳоли ўртасида даромадларнинг фарқланиши улар ўртасида маълум бир шароитда рақобат муҳитини шакллантирган ҳолда ўз-ўзини ривожлантиришнинг ички импульси бўлса, шунга мос равишда умумий миллий иқтисодиёт учун ҳаракатлантирувчи куч бўлади. Иккинчи томондан, аҳоли даромадларининг табақалашув даражасининг ортиб бориши, ушбу жамиятда ижтимоий зидиятлар шаклланишига ёки мавжудларининг кучайишига олиб келади. Бу ҳолатда аҳоли даромадалари табақалашуви даражасини пасайтириш мақсадидаги давлатнинг ижтимоий сиёсат воситасида (пул ёки натура шаклида) аралашувини кузатиш мумкин. Аммо бу аралашув воситасининг иқтисодиётдаги салбий таъсири сифатида инфляциянинг ортиши ҳолати келиб чиқиши мумкин.

- концепцияга доир фундаментал иккинчи ҳолат: биринчи ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, аҳоли даромадалари табақалашувини миллий иқтисодиёт учун мос оптимал даражада таъминлаш учун аҳоли даромадларини доимий равишда тартибга солиш керак бўлади, бунда тартибга солиш амалга ошириш механизмларининг биринчи ҳолатдагидан фарқли жиҳати аҳоли даромадлари табақалашувини ошиб кетган қисмини пасайтиришга эмас, табақалашувни ўсишини олдини олишга қаратилади.

Шундан келиб чиқиб, бизнингча, жамиятда кенг масштабда аҳоли даромадаларини барқарорлигини таъминлашда улар даромадларининг табақалашув даражасининг бирор аниқ белгиланган меъёр ёки максимал кўрсаткичдан ошмасликка эришиш орқали эмас, балким "Парето оптимали" (Парето самарадорлиги)га асосланган йўналишда аҳоли даромадларини тартибга солиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.


Бундан ташқари, таҳлиллар асосида иқтисодий жиҳатдан самарали ва ижтимоий жиҳатдан мақбул аҳоли даромадлари ва уларнинг табақалашув даражалари бўйича мезонларни ишлаб чиқишда миллий иқтисодиётдаги бутун жамият учун мос келадиган умумий ечим топиш жуда мураккаб ва қийин жараён ҳамда масала деган хулосага келиш мумкин.

Бозор иқтисодиётида аҳоли даромадларининг пул шаклидаги манбалари билан бирга, натура кўринишидаги даромад манбалари ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Уларга аҳолининг томорқа хўжалигидан фойдаланган ҳолда олган маҳсулотларидан даромади ҳамда ёрдамга муҳтож аҳоли қатламига бепул кўрсатиладиган хизматлар ва бериладиган маҳсулотлар мисол бўлади.



1-расм. Пул шаклидаги аҳоли даромадлари манбаларининг турлари²

Яна бир жиҳат борки, аҳолининг даромадлари реал ва номинал даромад турларига ажратилади. Аҳолининг номинал даромади бу маълум миқдордаги пул суммаси шаклидаги даромади бўлса, реал даромади бу мазкур миқдордаги пул суммаси шаклидаги даромадга ҳақиқатда қанча миқдорда товар ва хизматлар ёки ишлар харид қилиш мумкинлигини англатади. Шу тўғайли аҳолининг реал даромадлари миқдори аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлар тизимининг умумий характердаги яхлит кўрсаткичи сифатида қаралади.



2-расм. Мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси кўрсаткичлари тизими³

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Аҳоли даромадаларини тартибга солиш самарадорлигини макроиқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, турмуш даражаси ва сифати, фаровонлик, аҳоли жон бошига ЯИМ ёки аҳоли жон бошига даромад даражаси каби кўрсаткичлар орқали баҳолаш мумкин.

² Тадқиқот манбалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

³ Тадқиқот манбалари асосида муаллиф томонидан тузилди.

2-жадвал

Ўзбекистонда 2018-2022 йилларда аҳоли даромадлари тўғрисида маълумот⁴

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022
Аҳоли умумий даромадалари, трлн. сўм	300,8	365,7	415,0	519,2	634,8
ўтган йилга нисбатан, % да	127,0	121,6	113,5	125,1	122,3
Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, млн. сўм	9,1	10,9	12,1	14,9	17,8
ўтган йилга нисбатан, % да	124,8	119,3	111,3	122,7	119,8
Аҳоли реал умумий даромадлари, трлн. сўм	256,0	319,3	367,5	468,5	569,6
ўтган йилга нисбатан, % да	108,1	106,1	100,5	112,9	109,7
Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, млн. сўм	7,8	9,5	10,7	13,4	16,0
ўтган йилга нисбатан, % да	106,2	104,2	98,6	110,7	107,5

3-жадвал

Ўзбекистонда 2018-2022 йиллардаги истеъмол нархлари индекси тўғрисида маълумот⁵

Номи	2018	2019	2020	2021	2022
Товарлар	118,8	114,3	113,6	111,6	112,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари	120,1	116,9	117,2	114,3	115,1
Нооziқ-овқат маҳсулотлари	117,1	111,1	109,1	108,3	109,9
Хизматлар	112,1	115,5	110,6	108,2	107,0
Йиғма индекс	117,5	114,5	112,9	110,8	111,4

4-жадвал

Ўзбекистонда 2018-2022 йилларда доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (минг киши, йил бошига)⁶

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Аҳоли сони,	32656,7	33255,5	33905,2	34558,9	35271,3	36024,9
ўсиш, % да	101,7	101,8	101,9	101,9	102,1	102,1

2-жадвал маълумотларига кўринадики аҳолининг умумий даромадлари 2022 йилда 2018 йилга нисбатан 2,11 (634,8/300,8) баробарга ошган бўлса, реал умумий даромадлари 2,23 (569,6/256) баробарга ошган. Бундан кўринадики, ушбу даврда аҳолининг умумий даромадларининг ўсиш динамикаси мамлакатдаги истеъмол нархлари индекси кўрсаткичларидан баланд бўлган. Бу натижа миллий иқтисодиёт учун ижобий ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистонда 2022 йилда 2018 йилга нисбатан аҳоли жон бошига умумий даромадлар 1,96 баробарга (17,8/9,1) ошган, аҳоли жон бошига реал умумий даромадлари эса 2,05 баробарга (16,0/7,8) ўсган. Бу ҳолатда шундай ҳулосага келиш мумкинки, аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг ўсиш динамикаси кўрсаткичи мамлакатдаги истеъмол нархлари индекси ва аҳоли сонинг ўсиш даражасининг йиғма кўрсаткичларидан ҳам баланд

⁴ Статистика агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

⁵ Статистика агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

⁶ Статистика агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

бўлган. Албатта бу каби ижобий натижалар, мамлакатдаги аҳоли даромадларини барқарорлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар натижасидир.

Бугунги кунда аҳоли даромадлари ва уларнинг табақалашув даражаси аҳолининг турли фоизли гуруҳларга доир даромадлари улушларини таққослаш орқали таҳлил қилган ҳолда ўрганилмоқда. Мисол учун, децил ёки квинтил фоизли гуруҳлар бўйича дифференциация коэффициенти, Джини индекси ёки Лоренц эгри чизиги кабилар.

5-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли даромадларининг аҳолининг 10 фоизли гуруҳлари бўйича тақсимланиш ҳолати⁷

Дециль гуруҳлари	2007	2010	2013	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
I дециль	2,1	2,9	3,2	3,8	3,9	3,9	3,7	3,4	3,3	3,5
II дециль	3,7	4,8	5,0	5,4	5,5	5,4	5,3	5,1	5,1	5,1
III дециль	5,2	6,0	6,0	6,4	6,4	6,4	6,4	6,2	6,2	6,1
IV дециль	6,1	6,9	7,0	7,3	7,2	7,3	7,3	7,1	7,2	7,0
V дециль	8,1	7,9	7,9	8,1	8,1	8,1	8,2	8,1	8,2	7,9
VI дециль	9,2	9,1	9,0	9,1	9,1	9,1	9,2	9,1	9,3	8,9
VII дециль	10,2	10,5	10,3	10,2	10,2	10,3	10,5	10,5	10,6	10,2
VIII дециль	12,3	12,2	11,9	11,5	11,6	11,7	12,1	12,1	12,5	11,9
IX дециль	15,1	14,9	14,4	13,8	13,9	14,1	14,7	14,8	15,2	14,7
X дециль	28,7	24,8	25,3	24,4	24,1	23,7	22,6	23,5	22,5	24,8
Дифференциация коэффициенти	13,7	8,5	7,9	6,4	6,2	6,1	6,0	6,9	6,8	7,0

5-жадвал маълумотларида, мамлакатимиз аҳолисининг 10 фоизли гуруҳлар бўйича даромадаларининг аҳолининг умумий даромадларидаги улуши келтирилган бўлиб, биринчи 10 фоизли аҳоли гуруҳининг улуши таҳлил даврида 1,4 пунктга (3,5-2,1) ошганини, охириги 10 фоизли гуруҳнинг улуши 3,9 пунктга (28,7-24,4) пасайганини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат аҳоли даромадаларини табақалашуви бўйича ҳолат салбий тенденцияда эмаслигини англатади. Баъзи иқтисодчиларнинг фикрича, аҳолининг юқори даромадли 10 фоизли гуруҳи даромадларининг аҳолининг энг кам даромадли 10 фоизли гуруҳи даромадларига нисбати 6-8 баробар бўлишлиги меъёр ёки адолатли ҳолат бўлиши мумкин⁸. Агар ушбу мулоҳазага таянсақ, бизнинг мамлакатимизда таҳлил даври бошида бу кўрсаткич 13,7 (салбий) бўлган бўлса, давр охирида 7,0 коэффициентни қайд этиб, ижобий тенденцияни қайд этган.

Аммо, таҳлилни бизнингча бошқа усулда ҳам ўтказиш мумкин. Яъни, 2022 йилда мамлакатнинг ўртача аҳолиси 35648,1 ((35271,3+36024,9)/2) минг киши эканлигини инобатга олсак, 10 фоизли гуруҳ аъзолари 3564,8 минг киши ташкил қилади. Ва уларнинг даромади мос равишда 22,218 (634,8 трлн сўмнинг 3,5 фоизи) трлн. сўмни ҳамда бу шу гуруҳдагилар учун жон бошига умумий даромад 6,232 млн сўмни, истеъмол нарх индексини ҳисобга олгандаги реал даромад эса 5,594 (6,232/1,114) минг сўмни ташкил этаётганини кўриш мумкин. Демак, аҳолининг 10-фоизли 1-гуруҳи таркибидагиларнинг жон бошига ойлик даромади аъзолари 466 (5,594/12) минг сўмдан тўғри келган. Жаҳон тажрибасига асосан, камбағаллик чегараси сифатида белгиланган минимал истеъмол харажатларининг Ўзбекистонда 2022 йил учун ушбу йил бошида эълон қилинган миқдори 498 минг сўм

⁷ Статистика агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

⁸ Шевяков А.Ю. 2010. Социальное неравенство: тормоз экономического и демографического роста. Уровень жизни населения регионов России. № 5. – С. 38-52.

бўлган. Бундан келиб чиқадики, аҳолининг 10-фоизли 1-гуруҳи вакиллари тўлиқ ҳамда қисман 2-гуруҳ вакиллари мамлакатдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган камбағал оилалар аъзолари ҳисобланишган.

6-жадвал

Ўзбекистонда кам таъминланган аҳоли улуши⁹

Кўрсаткич-лар	2007	2010	2013	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Кам таъминланган аҳоли улуши	23,6	17,7	14,1	12,3	11,9	11,4	11,0	11,5	-	-
Камбағаллик даражаси	-	-	-	-	-	-	-	-	17,0	14,1

Хулоса ва таклифлар

➤ Ўзбекистонда аҳоли даромадлари, уларнинг аҳоли 10 фоизли гуруҳлари бўйича тақсимланиши ҳамда мамлакатдаги камбағаллик чегараси сифатида қабул қилинган минимал истеъмол харажатлари миқдори билан боғлиқ кўрсаткичларни ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилган ҳолда, шундай хулоса шакллантириш мумкин:

1) аҳоли даромадларини 10 фоизли гуруҳлар бўйича тақсимланишида дифференциация коэффиценти охири йилларда 6-7 коэффицентни ташкил қилган ҳолда, ижобий ҳолатда бўлсада, охири уч йилда нисбатан ўсиш ҳолати кузатилган;

2) дифференциация коэффиценти нормал ҳолатда бўлишига қарамай, 10 фоизли гуруҳнинг жон бошига реал даромадлари мамлакатда қабул қилинган камбағаллик даражасида қолиб кетмоқда.

➤ Бугунги кунда аҳоли даромадларини барқарорлигини таъминлаш, аҳоли даромадалари ўртасидаги табақалашув коэффицентини меъёрлаштириш ва камбағаллик даражасида қолиб кетаётган аҳолини доимий даромад манбаи билан таъминлаш мақсадида мамлакатимизда иқтисодий фаолиятни амалга оширишда турли хил молиялаштириш шаклларида фойдаланилмоқда.

➤ Шулардан асосийси бу, тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган кредитлаш амалиётидир. Бу борада, банклар томонидан кредитлаш механизмларини амалга оширишдаги муҳим жараёнлардан бири бу миқдорнинг тўловга лаёқатлигини баҳолаш жараёнидир. Бу кредитни бериш ва қайтаришни ташкил этишда жуда муҳим роль ўйнайди.

➤ Иқтисодиётда бозор механизмлари самарали ишласа, ушбу иқтисодиётда хусусий мулк устунлигини кузатиш мумкин бўлади, шунинг билан бирга иқтисодиётда аҳоли даромадлари: меҳнатдан, мулкдан, тадбиркорликдан ҳамда бюджетдан ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга бериладиган маблағлар (трансферт) кўринишидаги каби даромадлардан ташкил топади.

➤ Аҳоли даромадлари – бу маълум бир ҳудуд ёки иқтисодиётдаги жамият аъзоларига тегишли бўлган пул ва натура кўринишидаги уларнинг тушумлари ҳамда улар томонидан истеъмол қилинган бепул хизматларнинг маълум бир даврдаги йиғиндисидир¹⁰. Агар ушбу давр календарь йилидан иборат бўлса, унда миллий иқтисодиётдаги аҳоли даромадларини ялпи ички маҳсулотдаги аҳолини улуши сифатида қараш мумкин. Ўз-ўзидан англаш мумкинки, аҳоли даромадлари барқарорлиги бевосита ялпи ички маҳсулотнинг барқарор динамикасини ҳам таъминлашга хизмат қилади.

➤ Юқоридаги назарий ва баъзи амалий кўрсаткичлар билан боғлиқ таҳлилларимиз ва бугунги кунда банкларимизнинг кредит портфелида муаммоли кредитлар улушининг юқорилиги бу борада ҳам назарий ва услубий тадқиқотлар амалга оширишни ва тизимни самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шумпетер Й. (2001) История экономического анализа: В 3-х т. Пер. с англ. /Под ред. В.С. Автономова. СПб.: Экономическая школа, Т.2. С.824.

⁹ Статистика агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

¹⁰ Тадқиқот манбалари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

2. Jean-Baptiste Colbert. (2017) *Mémoires sur les finances*. PALEO. French. 202 pages.
3. Т. Ман. Меркантилизм. (2007) *Богатство Англии во внешней торговле* / Т. Ман. – Москва : Директ-Медиа, 2007. – 30 с.
4. Антуан де Монкретьен. (1889) «Трактат о политической экономии» (*Traite d'economie politique*). – Париж.
5. Mill, J. St. (1844) *Essays on some unsettled questions of political economy*. London, 1844 (Милль, Дж. Ст. Опыты о некоторых нерешённых вопросах политической экономии. Лондон). – 613.
6. Mill, J. St. (1848) *Principles of political economy with some of their applications to social philosophy*. In two volumes. London, 1848 (Милль, Дж. Ст. Основания политической экономии с некоторыми из их ирименений к общественной философии. В двух томах. Лондон). – 624.
7. Жак Тюрго. (1905) *Размышления о создании и распределении богатств: Ценности и деньги* / Александр Н. Миклашевский (пер. и доп.). — Юрьев. – XVIII, 80 с.
8. Кенэ Ф. (1758) *Экономическая таблица. Замечания об изменениях в распределении годовых доходов нации*. Версаль). – 604.
9. Смит А. (1802) «Исследование о природе и причинах богатства народов». Новый перевод Ж. Гарнье, с комментарием и замечаниями переводчика. Том V. Париж). – 375.
10. Рикардо, Д. (1822) *О покровительстве земледелию*. Издание четвёртое. Лондон. – 86.
11. Маркс, К. (1957) *Наёмный труд и капитал* // Собр. соч. / К. Маркс, Ф. Энгельс. – 2-е изд. – М.: Политиздат. – Т. 6. – 577 с.
12. Маркс К. (1983) *Заработная плата, цена и прибыль (доклад)*. Маркс. – М.: Политиздат.
13. Парето В. (2011) *Трансформация демократии*, М.: Издательский дом «Территория будущего». – 207 с.
14. Парето В. (1906) «Учебник политической экономии» [*Manuale di economia politica*].
15. Фридман М. (2006) *Капитализм и свобода* / Пер. с англ. М.: Новое издательство. – 240 с. (Библиотека Фонда «Либеральная миссия»).
16. Фридман М. (1998) *Если бы деньги заговорили...* / Пер. С англ. – М.: Дело. – 160 с.
17. Фридмен М. и Хайек Ф. (2003) *О свободе*. В серии «Философия свободы», вып. II. М.: Социум, Три квадрата. – 182 с.
18. Петти У. (1940) *Экономические и статистические работы*. Т. I–II. Перевод под ред. Смит М. Н. – Москва: Государственное социально-экономическое издательство. – 323с.
19. Петти У. (1676) «Политическая арифметика» (*Essays in Political Arithmetick*).
20. Кейнс Д. М. (2018) *The General Theory of Employment, Interest & Money*. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное / Д. М. Кейнс – М. : Издательство Юрайт. – 342 с.
21. Кейнс Д. М. (1936) *Общая теория занятости, процента и денег*. Избранное / Д. М. Кейнс – «Эксмо» – (Великие экономисты и менеджеры). Оформление. ООО «Издательство «Эксмо», 2022.
22. Tinbergen J. (1975) *Income distribution: analysis and policies* / Jan Tinbergen North-Holland Pub. Co.; American Elsevier Amsterdam: New York. – 180 p.

What are the Benefits and the challenges of inclusion for disability children in Uzbekistan?

Boymurodova Feruza Ziyot kizi – Teacher,
ENGLISH PHILOLOGY FACULTY,
UZBEKISTAN STATE WORLD LANGUAGES UNIVERSITY,
TASHKENT, REPUBLIC OF UZBEKISTAN
boymurodovaferuza555@gmail.com,
+998946732355

Abstract

This research provides a critical prospective of current literature surrounding inclusive education in mainstream schools. The paper is divided into three basic themes. That is to say, “What is inclusion?”, “Key challenges of inclusive education”, “Benefits of inclusive education”. Literally, the whole children in Uzbekistan –with or without disability, upper-class or middle-class in accordance with social mobility, regardless of ethnicity, gender, religious, cultural origins –are enabled to attend regular schools which fully nurture every child’s great potential (UNICEF, 2013). Therefore, how the authority supplies this education is of great essence, or even how policy is implemented in an equitable manner. For this crucial reason, we should comprehend how inclusive education is defined, before one can progress a deeper comprehension of mainstream schools as well as their associated outcomes. Furthermore, this paper will involve a review of the problems faced in the system of inclusive education, which feeds into an understanding of what inclusion is, who they are for as well as what they suggest. This review of literature will further explore the effects of children attending mainstream schools, touching on both the merits and the demerits of these placements. These kinds of effects come in a great number of forms, such as surrounding friendly relationships with both staff and peers, a huge success, the curriculum, besides, the influence on mainstream children. Finally, this literature review will end by founding the best and the highest productive approach to education in Uzbekistan, based on the comparison and the critical analysis of British and Uzbek, also other current researches; What are the benefits and the challenges of inclusion for disability children in Uzbekistan?

Key words: inclusion, different levels of policy in inclusive education, discursive/critical analysis of inclusive education, key benefits and challenges of inclusive education, Special Education Needs (SEN)

Introduction**What is inclusion?**

Inclusion has multiple definitions in different contexts. In particular, Terzi (2014) pinpoints that the concept of inclusive education has been widely defined in terms of education, namely all children in regular schools which had previously excluded the interventions of qualification. In spite of their current origin, this kind of idea has been adopted in academic research, besides, in economic as well as social policy. Moreover, sociological and pedagogical significance of inclusive education for all seems paradoxically during the process of policy

making due to various policy levels and distinctive realisations of culture and social actions (Felder, 2018). However, Barclay (2013) argues that according to the aim of democratic society, both individuals and groups are forever pivotal to act politically. On the other hand, children with disability sometimes do not fit for democracy. This is mainly because they are not deemed to own the skills thought essential for participation in the process of policy, such as reason or rationality, or since the disabilities do not subscribe to the principal values of democracy, for example, liberties and civil rights. It should be admitted that one of the prominent challenging sample for inclusion into making a decision democracy is disability (Barclay, 2013).

For the purpose of this essay, I will take 'inclusion' to me which means 'creating accessible tools for all in the whole spheres of education essentially, political, economic in an equal manner and it is portrayed as a continuous process, so it should not be an ambitious goal as something to be achieved' (Lees, 2014). Owing to the fact that despite the disabilities have some difficulties physically, they are forever capable in every field of social life by comparison of non-disabled people. Even it should be admitted that the power of mind is forever eternal to lead people further development in a maximal manner (Messiou, 2017).

What policies are there?

In spite of international commitments to the education of inclusion, segregation still prevails in the education system of Uzbekistan (World Bank, 2018). According to the Report of World Bank Group's (2018) argument that in 2009, the Government of Uzbekistan adopted the 'National Concept of Inclusive Education' pinpoints the need to provide quality education to all children irrespective of their physical, social, as well as capacities, intellectual conditions. Additionally, Education Sector Plan of Uzbekistan for 2013-2017 involved a strategic direction to assist the inclusion of children with special needs in mainstream education, besides, key measures, for example:

- ❖ Improving infrastructure of education
- ❖ Enhancing educators, pedagogies' abilities and school administrators
- ❖ Developing a dedicated monitoring and assessment
- ❖ Consciousness raising on the advantages of inclusive education

Source: World Bank, (2018, p. 47)

School cultures of inclusion are important for implementing sustainable inclusive education systems. Nevertheless, it is undoubtedly true that adequate tools as well as powerful leadership are vital to build such a culture. That is to say, Ainscow and Booth (2011) highlight that cultural factors come in handy with promoting inclusion strongly in schools. For this crucial reason, building inclusive schools is complicated and it needs adequate tools along with mechanisms in a maximal manner. As an example of them is the 'Index for Inclusion' enhanced by two British scientists who are named Mel Ainscow and Tony Booth, over three years with the help from the staff of governors, teachers team, parents, researchers and representatives of people with disability organizations. The 'Index for Inclusion' provides schools within a self-evaluation tool for all aspects of school, for instance, different useful activities in playgrounds, staff rooms, colourful classrooms, communities as well as the atmosphere around the school, involving review of beliefs, values, and educating practices. It is being utilized in approximately 45 countries around the world, and has been translated into 21 languages (ibid. p.44).

From another angle, the adoption which is very prompt and the perceptible influence of distinctive points of view belonging to inclusion or inclusive education attest to their importance of theory as well as their positive, immediate appeal. Especially, the 1994 UNESCO Salamanca Statement acknowledged the notion of inclusive education in terms of a right to education in regular schools for children with special needs and as a means of to the establishment of inclusive society (UNESCO, 1994). Therefore, according to the perspective of Norwich (2013) the system of inclusive education is comprehended widely in the branch as regarded to the

specific values or beliefs of a democratic society, besides, as generally promoting educational provision for the disabilities and struggles.

Discursive/critical analysis of inclusion based on a variety of researches

Key challenges of inclusive education

Due to the fact that tensions between inclusive and exclusive education are highly discursive and sometimes extremely argumentative to the process of getting new or accomplishing equalities. So, thinking critically about the dimensions of inclusion or inclusive education face is forever valuable for grabbing the core features of them thoroughly. For this main reason, I analyse my literature review in a critical way. In terms of theme, resources based on inclusive education, attitude towards children with special education needs, parents' treatment for children with disability.

Liasidou (2012) puts forward that the whole children ought to be taught in mainstream schools, which are flexible and enable to respond to variations without any special provision if we consider inclusive education as a fundamental process. Alternatively, Terzi's (2008) argument that if we reckon inclusive education as an optimal education, it entails special help so as to meet children's individual requirements. It is the fact that policy levels are complicated in a wide range of contexts, for instance, education system is characterised by inclusive as well as special schools, which outcome in broader inequalities in provision.

Comprehension of special educational needs and disability issues in children's education is portrayed a bit lack due to its inaccessibility to a relative newcomer to the field. The author's depth of knowledge is much more theoretical and abstracted in the process of explanation about the dilemmas of inclusion. Moreover, the vast majority of words or phrases are technical and philosophical in terms of terminology (Lees, 2014). A myriad of case studies which are helpful to perspect human 'stories' in their social life, especially, they make sense of the strength, power, vulnerability whereas the survey of inclusion is shown with historical approaches (qualitative method, mixed) and the term used in "schooling work; curricula issues, pedagogical issues, schooling, child and parent dynamics as well as philosophical matters of relevance", besides, it is some type of 'who's who' of problems, actors, considerations, which in spite of some silenced voices has much to suggest new viewpoints (Lees, 2014, p. 258-259).

An overwhelming majority of scholars, professionals and educators, who carry out several researches related to the identification of the barriers to inclusive education, particularly, inadequacies in policy and legal support, opportunities and resources, specialised staff, teacher training, pedagogical techniques, flexible curricula, cultural attitudes, supportive leadership as well (Eleweke & Rodda, 2002; Mittler, 2000; Messiou, 2017; Phasha, Mahlo & Dei, 2017; Schuelke & Johnstone, 2012).

It can be considered that psychological and sociological importance of inclusive education for all children, actually, the disabilities who really need special behavioural as well as environmentally-friendly atmosphere, or accessible enough facilities to study equally (Cullen et al., 2020). Particularly, in accordance with this evidence review, systematic reviews (quantitative synthesis) are relevant to the questions of review. This carried out "the highest quality proof within the constraints of the time and budget available" (Cullen et al., 2020, p.26). Positivists' altitude towards improving mainstream schools' opportunities for all children without any barriers.

From Norwich's perspective, inclusive education is its rejection of specialization during the usage of categories related to the difficulties or disorder, in curricula, a wide range of teaching approaches as well as the settings of education provision. This leads some questions about when specialized or distinguished aspects of the system are humiliating and excluding and when they are not; when they serve the interests. That is one of the central problems along with tensions declared in this paper, namely which has been named dilemmas of distinction (Minow, 1990; Norwich, 2008). Some inclusive theorists draw attention to the policy adoption of

inclusive education by national and international organizations. As a proof of that, Allan and Slee (2008) demonstrate inclusive education like 'troubled and troubling': 'troubled since it has identified respectability in practice as well as policy, when troubling because which means to be an intentionally bothersome ethical project' (p. 99). From another angle, inclusion is considered as a theoretical weakness due to the 'pragmatic watering down of the underlying idealism of inclusion' (Armstrong et al., 2011, p.37) associated with the 'escapism' of postmodern reckoning about inclusion.

In other words, some of pupils have visual problems. These kinds of pupils or children need other sighted people's help in some cases. Owing to the fact that some of teachers lacked abilities as well as competence of working with such children or pupils (Norwich, 2008). In addition, the sizes of class, shortage of trained or professional educators in the field of special education needs as well as lack of specialized equipment (Igune, 2009).

Lack of skills as well as competence

The vast majority of regular teachers lacked abilities and competence to include children or pupils who are blind indoor and outdoor activities. The main dilemma here was on how to be ready for the lessons, besides, how to make modifications on the learning materials that suit the special needs of blind pupils or children (ibid., p.89). For this crucial reason, some teachers trained in special education needs. Moreover, some teachers had not enough skills in some specialistic fields, for instance, sports for people with visual problem, orientation as well as mobility. Having such limited skills in these fields interfered with the inclusion of children who are blind in outdoor activities (Lees, 2014).

Class size

The explanation of teachers on having enormous children or pupils in the classroom was made it challenge for them to adequately educate in inclusive classrooms. In accordance with Igune` (2009) s findings, the enrolment in the classes ranged from 70 or more pupils. Even though this huge numbers of pupils in the classes, teachers had to spend more time for working in the syllabus (Cullen et al., 2020). Additionally, they had to evaluate the pupils or children`s exercise books, also prepare teaching and learning materials and at the same time teachers had to pay attention to all pupils with special education needs. In fact, having lots of pupils in the class made it struggle for the teachers to pay individual attention to pupils or children who are blind (Igune, 2009).

Shortage of teachers trained in Special Education Needs

According to the study of Igune (2009), some specialist teachers are not enough in mainstream schools. As a consequence, it has posted a big dilemma of heavy workload among teachers. However, Cullen et al. (2020) emphasize that psychological and sociological factors can be a big trouble to work with children or pupils who are blind. Igune (2009) implies that most of teachers who are non-specialst, they do not know how to conduct lessons with the inclusion of children who are blind in classroom as well as outdoor activities, also the provision of quality education. Furthermore, it should be stated that teachers have other functions to carry out (Lees, 2014). This kind of scenario becomes a difficulty. This is mainly because a small number of specialist teachers that are available in the schools cannot run all the subjects in all the classes as well (ibid., p. 67).

Shortage of resources

It is undoubtedly true that shortage of resources has been broken into educating as well as learning processes and infrastructure. Therefore, an overwhelming majority of researchers, Cullen et al. (2020), Norwich (2008), Phasha, Mahlo and Dei (2017), Schuelke and Johnstone

(2012), Igune (2009) argue that specialized equipments are lacking or inadequate in lower primary classes. Besides, some furniture in the classes is lacking in lower primary classes.

Key benefits of inclusive education

It can be thought that a little thing is a big difference, namely efficacious educating strategies are specifically necessary in order to achieve ambitious goals of children with special educational needs. That is to say, if a right approach is used in a lesson perceptibly or "many different types of activities and interactions with various types of objects or symbols" in which individuals are actively dived into (Rosa & Tudge, 2013, p.255). Additionally, the synthesis of Hattie (2009) over 800 meta-analysis as well as Mitchell`s (2014) meta-analysis of research specifically concentrate on effective teaching for pupils with special educational needs argue 27 strategies are applicable to all pupils. As a consequence of above viewpoints, quantitative methods are available for justifying how importance of inclusive education for all children (ibid., p.2). Overall, the system of successful inclusive education requires school transformation as well as system alteration.

Social benefits

O'zbekistonda soyadagi ta'lim jarayonini o'rganishdan oldin, mamlakatning geografik joylashuvi va tarixiy kelib chiqishiga to'xtalib o'tish maqsadga muvofiqdir. O'zbekiston Markaziy Osiyodagi ikkita davlat tomonlama dengizga chiqa olmaydigan yagona davlat bo'lib, shimoldan Qozog'iston, shimoli-sharqdan Qirg'iziston, janubi-sharqdan Tojikiston, janubi-g'arbdan Afg'oniston va Turkmaniston bilan chegaradoshdir. O'zbekiston Sotsialistik Respublikasi 1924-yilda sobiq Ittifoq tomonidan tuzilgan. 1991 yilda Sovet Ittifoqining parchalanishi O'zbekistonga, boshqa O'rta Osiyodagi mamlakatlar singari, mustaqillik olib keldi. O'zbekiston mineral resurslarga boy, asosiy iqtisodiyoti paxta yetishtirish, dehqonchilik, chorvachilikdan iborat. O'zbekiston jahonda paxta yetishtiruvchi yetakchi davlatlardan biri sanaladi. Mamlakat aholisi 33 milliondan ortiq kishidan iborat bo'lib, o'zbeklar, ruslar, tojiklar, qozoqlar, qirg'izlar va ozroq qismini koreyslar tashkil etadi.

Mustaqillikdan so'ng O'zbekiston ta'lim tizimi deyarli Sovet Ittifoqi tizimiga o'xshab ketardi. Postsovet davrida O'zbekiston ta'lim tizimi maktabgacha ta'lim (2-7 yosh), boshlang'ich ta'lim (1-4-sinf) va o'rta maktab (5-11-sinf) ta'limidan iborat bo'lgan. O'rta maktabni tugatgandan o'quvchilarda ikkita tanlov bor edi ya'ni 5 yillik yoki 7 yillik ta'limni tanlash kerak edi. 5 yillik ta'limni tamomlagan talabalar "Профессиональное-техническое училище" (PTU) nomi bilan mashhur bo'lgan o'rta ta'lim muassasalariga o'qishga kirardilar. O'quvchilar o'rta maktabni (11 yillik ta'limni) tugatgan so'ng oliy o'quv yurtlarida o'qishni davom ettirishi mumkin bo'lgan.

Birlashgan Millatlar Tashkiloti (2007-2008) ta'kidlanganidek, 1997-2001 yillar O'zbekistonda milliy ta'lim siyosatini shakllantirish davri bo'lgan. 1997 yilda ta'lim vazirligi tomonidan milliy dastur qabul qilindi va u milliy qonunchilik darajasigacha shakllantirildi. O'zbek milliy dasturi Sovet Ittifoqidan keyingi dastlabki vaqtinchalik islohotlarni to'xtatdi va ta'lim islohotlarini amalga oshirish uchun izchil harakat boshladi. 1998-yilda O'zbekistonning Birinchi Prezidenti tashabbusi bilan sohada jiddiy islohot amalga oshirildi. Ushbu islohot tufayli barcha o'rta maktablar bitiruvchilari majburiy ta'lim sifatida professional va kasb-hunar ta'lim muassasalari belgilandi. Bunday islohot o'rta maktabda o'qish muddatini 11 yildan 9 yilga qisqartirdi. Bundan tashqari, islohotda umumta'lim maktablarini bitiruvchilar uchun qo'shimcha 3 yillik majburiy ta'lim belgilandi. Professional va kasb-hunar kollejlarning joriy etishning maqsadi o'qitish sifatini oshirish, yoshlarning kasbiy mahoratini oshirish va mehnat bozoriga kirish uchun ko'proq imkoniyatlar yaratish edi (UNDP, 2007). Kollejlardan farqli o'laroq, litseylar o'quvchilarni davlat dasturi orqali oliy o'quv yurtlariga tayyorlashga yo'naltirilgan (Zaylobidinova, 2021).

O'zbekistonda 1998-yildan boshlab kollejlarda tahsil olish majburiy ta'lim sifatida joriy etilgan, biroq majburiy ta'lim o'z maqsadlarini oqlay olmadi. O'quvchilarning kollejlarda davomati pastligi va litseylarda repetitorstvaga bo'lgan talabning yuqoriligi hukumat vakillarini tizimga o'zgartirish kerakligi haqida o'ylantirdi. Qolaversa, aksariyat ota-onalar kollejlarda ta'lim sifati qoniqarli emasligidan shikoyat qilar edilar. Shuning uchun aholining fikrini aniqlash maqsadida, umumta'lim maktablarida majburiy ta'lim islohotini saqlab qolish yoki o'zgartirish haqida so'rovnoma o'tkazildi va ta'lim sohasida o'zgarishlarga sabab bo'ldi. Shu munosabat bilan litseylar ikki yillik o'quv dargohiga aylandi. O'quvchi litseyni tugatgandan so'ng o'rta maktabni tamomlaganlik to'g'risidagi guvohnoma oladi. Kollejlarda esa to'lov-kontrakt asosida o'qitish joriy etildi va 11 yillik majburiy o'rta ta'limni tugatgan talabalarni qabul qilishni boshladi. Kollejlarda o'qish muddati talabalar tanlagan fakultet va mutaxassislikka bog'liq (odatda 1,5-2 yil). Hozirgi kunda O'zbekistonda aksariyat yoshlar majburiy ta'limni tugatgandan so'ng, oliy o'quv dargohida o'qishga kirishga harakat qilishadi. Odatda oliy o'quv yurtlariga kirish imtihonidan muvaffaqiyatli o'ta olmagan yoshlar kollejlarga boradi.

Mustaqillikka erishgandan so'ng, O'zbekiston iqtisodiy tanazzulga yuz tutdi, bu esa ta'limga sarflanadigan mablag' va xarajatlarni sezilarli darajada qisqartirdi. O'zbekistonga ierarxik markaziy

rejalashtirish va resurslarni samarasiz taqsimlash Sovet Ittifoqi siyosatidan meros bo'lib qoldi, bu nafaqat ta'lim, balki boshqa sohalarni moliyalashtirishda ham ko'plab muammolarni keltirib chiqardi. Birlashgan Millatlar Ta'lim, Fan va madaniyat Tashkilotining (2001) (UNESCO) ma'lumotlariga ko'ra, davlatning ta'limga sarflangan xarajatlari 6,8% gacha qisqartirilgan, ammo ota-onalarning ixtiyoriy hisssasi 55% gacha oshgan. O'zbekiston hukumati ta'lim sohasiga katta sarmoya kirita olmadi va moliyaviy yukni mahalliy hokimiyat o'rganlar, maktablar va ota-onalar zimmasiga yuklab, ta'limni markazlashtirishga harakat qildi (Ochiq Jamiyat Instituti, 2002). Maktablar bolalarni tekin kitoblar bilan, o'quv xonalarni esa jihoz va texnologiya bilan ta'minlay olmadi. O'qituvchilarning maoshi 3-4 oyga kechiktirildi va shu sababli ko'plab malakali o'qituvchilarning ish tashlash jarayoni kuzatildi. Odamlar maktablardagi sifatli ta'limga bo'lgan ishonchini yo'qotib, o'zlari farzandlari uchun xususiy repetitorlar yollashni boshlashdi. Shunday omillar va ayniqsa, ish haqining kechikishi, o'qituvchilar oilasini boqish uchun boshqa daromad manbaini izlashga majbur qildi (Zaylobidinova, 2021). Bunga o'xshash omillar Sovet Ittifoqi parchalanganidan keyin gruziyalik o'qituvchilarni ham ish tashlab repetitorlik bilan shug'ullanish jarayoni jaddalashdi. (Kobaxidze, 2018).

O'zbekistonda soyadagi ta'limning rivojlanishining yana bir sababi, markazlashtirilgan test tizimining joriy etilishidir. Abiturientlar o'rtasida raqobatni kuchayishi, xususiy repetitorlikni rivojlanishiga asos bo'ldi. 2013 yil manba'siga asosan O'zbekistonda 100 o'rin uchun 633 nafar abituriyent kurash olib bordi. Imtixon topshiruvchilar eng yuqori ball olishga va grant asosida o'qishga harakat qiladilar, chunki pul to'lab o'qishga ko'p odamlarning moliyaviy ahvoli to'g'ri kelmasdi. Shuning uchun ota-onalar farzandlarini pullik repetitor bilan shug'ullanishlari uchun sharoit yaratib berishga kirishdilar.

O'zbekistonda o'quv markazlari nafaqat maktab fanlarini, balki bolalar bog'chasi, pazandachilik va hunarmandchilikni o'rgatish ham o'z ichiga oladi. O'quv markaz egalari odatda xususiy tadbirkorlardir. Ularning maqsadi qo'shimcha daromad topish shuning uchun binoni ijaraga oladilar, repetitorlik qiluvchi o'qituvchilarni yollaydilar va davlatga daromad solig'ini to'laydilar. Bunday markazlarni ochish uchun markazlashgan yagona darcha-elektron tizimidan litsenziya oladilar. O'zbekistonda kengayib borayotgan o'quv markazlardan yana biri bu IELTS (ingliz tilini bilish darajasi) repetitorlik markazlaridir. IELTS markazlarini har bir xohshi bor xususiy tadbirkor yoki xususiy repetitor ochishi mumkin. Odatda repetitorlik kurslarini o'tkazish uchun bo'sh bino ijaraga olinadi va hukumat ro'yxatidan o'tkaziladi. Statistik ma'lumotlarga ko'ra, bugungi kunga kelib Farg'ona viloyatida 220 repetitorlik markazlari faoliyat ko'rsatmoqda.

Yana bir qiziq hodisa shundaki, repetitorlik Farg'onaning ayrim tumanlarida oilaviy biznesga aylangan, ya'ni oila a'zolari bilan repetitorlik qilishadi. Hindistonlik Puballi Ghoshning (2019) ta'kidlashicha Hindistonning ayrim shaharlarida oilaviy repetitorlik faoliyati kuzatish mumkin. Biroq, soyadagi ta'limning ushbu shakli chuqur o'rganilmaganligi tufayli bu haqda ma'lumotlar kam uchraydi. Farg'ona shahrida oilaviy repetitorlik rivojlanganlik jarayonini esa quyida tasvirlashga harakat qildim.

O'zbekistonda abituriyentlarning bilimi oliy ta'lim muassasasining muayyan fakultetiga kirish imtihonida 1994-2021 yillar oralig'ida uchta majburiy fanlardan iborat bo'lgan. Asosiy fanlar "blok" nomini olgan. "Blok" so'zi ruschadan olingan bo'lib "bo'lim" ma'nosiga egadir. Barcha fanlar bo'yicha 36 ta test savollar tuzilib faqatgina uchta yo'nalish bo'yicha davlat test imtihonlarida abituriyentlarga tarqatilar edi. Ana shunday fanlar triangulyatsiyasi mavjudligi sababli, ayrim xususiy repetitorlar oila a'zolari, qarindoshlari yoki do'stlarini repetitorlik qilish jarayoniga jalb qilar edilar va shu tufayli oilaviy biznes yaratar edilar. Masalan, tarix fanidan ota, ona-tilidan o'g'il va ingliz tilidan qiz farzand repetitorlik bilan shug'ullanar edi. Bunday sharoitda abituriyentlar nafaqat o'qishardi, balki repetitorning uyida ham yashashardi. Taxminan 40 nafar abituriyent xonadonning bitta katta xonasiga joylanar edi va mana shu xona ularning bir yil davomida uxlash va ovqatlanish xonasiga aylanardi. Biroq, agar qizlar va o'g'il bollar birga o'qisa, xonalar ajratilar edi. Oilaviy repetitorlarning hozirda ham mavjud bo'lib intensiv kurslari odatda sentyabr oyida boshlanadi va iyun oyining oxirida tugaydi. Bunday sharoitda abituriyentlarga smartfonlardan foydalanish, televizor ko'rish taqiqlanadi, abiturientlar faqatgina o'qish bilan ovvora bo'ladilar. Talabalar har ikki haftada repetitorlik to'lovi va yashash uchun yetarli oziq-ovqat olib kelish uchun uylariga borishadi. Oilaviy repetitorlar abiturientlarni kirish imtihonlarida 90% muvaffaqiyat va'da qilishar, kirolmagan abiturientni esa aybi o'zida ekanligini ta'kidlashadi. Ularning uyqu soatlari, repetitorlik mashg'ulotlari, ovqatlanish va

mustaqil o'rganish vaqti rejalashtirilgan va bu qoidalarga barcha ta'lim olayotgan yoshlar rioya qiladilar. Bilimlarni o'zlashtira olmagan yoki qoidalarga rioya qilmagan o'quvchi repetitorlik kurslaridan chetlanadi. Bunday oilaviy repetitorlik Farg'onaning Vodil, Qo'qon va Rishton viloyatlarida keng tarqalgan.

Hozirda repetitorlik qilish faolligi O'zbekistonda ancha pasaygan. Bunga sabab oliy o'quv yurtlariga kirish imtihonlari talablari o'zgarganligi, xususiyl universitetlar, maktablar va bog'chalar paydo bo'lganligidandir. Oliy o'quv yurtiga kirish imtihonlarining talabini o'zgarganligi, masalan, uchta asosiy fanlar qisqartirilib ikkita bo'lib qolgan ammo uchta majburiy fanlar qo'shilgan. Boshqa tomondan qaraganda imtihonlarda fanlar soni ko'payib abituriyentlarni yanada ko'proq repetitor kurslariga qatnashga majbur qilib qo'ydi. Chunki O'zbekistonda aksariyat xususiyl repetitorlarning asosiy maqsadi talabalarni har yili bo'ladigan oliy o'quv yurtiga kirish imtihoniga tayyorlashdir. Ammo yildan yilga imtihon shartlari o'zgarib boryapti. Chet tiliga bo'lgan e'tibor kuchaygani tufayli magistratura va doktorantura bosqichida o'qimoqchi bo'lgan talabgorlarga til bilish xalqaro sertifikatini hal qiluvchi vazifani bajaryapti. Shuning uchun hozirgi kunda chet tilidan repetitorlik kurslari yanada rivojlanib eng qimmat pul to'lab o'qiladigan kursga aylangan.

Repetitorlik markazlarida talabalarining soni odatda 30-40 abituriyentni tashkil qiladi. Repetitor kurslariga oylik to'lov repetitorning maqomi va fanga ko'ra bir oz farq qiladi. Agar repetitor, "mashhur" bo'lsa, uning xizmati boshqalarga qaraganda qimmatroqdir. Ingliz tili hozirda elita va talabgorlar soni yuqori fan hisoblanadi, shuning uchun ingliz tilidan repetitorlik narxi qimmatroqdir. Xususan, IELTS repetitorlari eng qimmat hisoblanadi. Uzoq vaqt davomida IELTS dan saboq berib, shu yillar davomida shuhrat qozonayotgan usta-repetitorlar biznesi ancha rivojlangandir. Aksariyat hollarda IELTS xalqaro imtihondan yuqori bal olgan o'quvchilar o'zlari tahsil olgan repetitorlik markazlarida ishlagani qoladilar.

Xulosa qilib aytganda, O'zbekistonda ingliz tili bo'yicha xususiyl repetitorlik ancha kengaygan. Bunga asosiy sabab hozirgi kunda yoshlarning chet elda o'qish tendensiyasi kundan kunga o'sib bormoqda va bu fenomen ota-onalar tomonidan qo'llab-quvvatlanmoqda. Vestminster (Buyuk Britaniya), Inha (Koreya), Turin politexnika universiteti, Singapur menejmentni rivojlantirish instituti kabi jahon universitetlarining Toshkentdagi filiallari IELTS bali bilan talabalarni o'qishga qabul qilinadi. Shu sababli, odamlarning talabini qondirish uchun IELTS o'qitish markazlari soni ortib bormoqda. Boshqa fanlardan masalan: tarix, o'zbek, biologiya, kimyo fanlari ham yetakchi o'rinda turadi, chunki O'zbekistondagi nufuzli universitetlarga (masalan: Toshkent jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti, Toshkent davlat yuridik universiteti, Toshkent tibbiyot akademiyasi) kirish uchun talabgorlar tarix, ingliz va o'zbek tili fanlaridan imtihon topshirishlari kerak. Ammo, xususiyl repetitorlik davlat tomonidan tartibga solinishi kerak, chunki ayrim markazlarda repetitorlarning bilimi va dars berish metodikasi davlat ta'lim standartlariga to'g'ri kelmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Bray, M. (2009). Confronting the shadow education system: What government policies for what private tutoring? (Soyadagi ta'lim bilan kurashish: Repetitorlikka qarshi kurashishga davlat siyosati qanday?), Paris: UNESCOning xalqaro ta'limni rivojlantirish instituti.

2. Baker, D. P., Akiba, M., Le Tendre, G. K., & Wiseman, A. W. (2001). Worldwide Shadow Education: Outside-School Learning, Institutional Quality of Schooling, and Cross-National Mathematics Achievement (Jahon soyali ta'lim: maktabdan tashqari ta'lim, maktab ta'limining institutsional sifati va milliy matematika yutuqlari) Educational Evaluation and Policy Analysis

3. Kobakhidze, M. N. (2018). Teachers as Tutors: Shadow Education Market Dynamics in Georgia. (O'qituvchilar repetitor sifatida: soyali ta'lim bozori Gruziyadagi dinamika). Qiyosiy ta'lim tadqiqot markazi universiteti Gonkong, CERC, Springer.

4. Munira, Z. (2022). THE BACKWASH OF SHADOW EDUCATION. (Soyadagi ta'limning oqibatlar). Conferencea, 110-111.
5. Munira, Z. (2022). GLOBALIZATION EDUCATION IN UZBEKISTAN: REFORMING THE EDUCATION SYSTEM IN UZBEKISTAN WITH THE PARTNERSHIP OF INTERNATIONAL ORGANIZATION. (O'zbekistonda ta'limni globalashtirish: O'zbekistondagi ta'limni xalqaro tashkilotlar hamkorligida islohatlash) American Journal of Interdisciplinary Research and Development, 10, 310-319.
6. Gulomova, Z. M. (2022). Commodification of education in the form of shadow education. (Soyadagi ta'lim orqali ta'limni pullik tovarga aylantirish) (ACADEMICIA: An Intrnational Multidiciplinary Research Journal, 12(1), 200-206.
7. Silova, I., & Bray, M. (2006a). Education in a Hidden Marketplace: Monitoring of Private Tutoring Overview and Country Reports. Budapest: Education Support Program (ESP) of the Open Society Institute.
8. Zaylobidinova, M. G. (2022). ASSESSMENT SYSTEM IN HIGHER EDUCATION IN UZBEKISTAN. (O'zbekistonda oliy ta'limda baholash tizimi) BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(11), 330-334.

MOSLASHUVCHAN VA SHAXSIYLASHTIRILGAN TA'LIMNI TATBIQ ETISHDA SUN'IY INTELEKT TEXNOLOGIYALARI**Alisher MAMATOV,**

O'zbekiston Respublikasi Ta'limni rivojlantirish respublika ilmiy-metodik markazida bo'lim boshlig'i, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Davlat boshqaruvi akademiyasi dotsenti v.b.
Email: a.mamatov1991@gmail.com

Akramjan NASIROV,

O'zbekiston Respublikasi Ta'limni rivojlantirish respublika ilmiy-metodik markazida bosh mutaxxassis
Email: akromnasirov@gmail.com

ABSTRACT. In this article, we delve into the experiences of developed foreign countries in the application of artificial intelligence technologies within their educational systems. The analysis extends to several intelligent educational platforms. Furthermore, the article presents scientifically grounded proposals and recommendations concerning the integration of these innovative technologies into educational frameworks. Additionally, the article introduces a model and operational technology designed for the development of an intelligent educational platform, with a specific focus on tailoring the educational journey to the individual trajectory of each student.

KEYWORDS: *Education, artificial intelligence, personalized learning, intelligent learning platforms, digital content, virtual assistant.*

АННОТАЦИЯ. В данной статье мы углубляемся в опыт развитых зарубежных стран по применению технологий искусственного интеллекта в своих образовательных системах. Анализ распространяется на несколько интеллектуальных образовательных платформ. Кроме того, в статье представлены научно обоснованные предложения и рекомендации по интеграции этих инновационных технологий в образовательную среду. Кроме того, в статье представлены модель и операционная технология, предназначенные для разработки интеллектуальной образовательной платформы с особым упором на адаптацию образовательного пути к индивидуальной траектории каждого студента.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: *Образование, искусственный интеллект, персонализированное обучение, интеллектуальные обучающие платформы, цифровой контент, виртуальный помощник.*

АННОТАЦИЯ. Mazkur maqolada sun'iy intellekt texnologiyalarini ta'lim tizimiga tatbiq etish bo'yicha xorijiy rivojlangan davlatlar tajribasi o'rganilib, bir qancha aqlli ta'lim platformalari tahlil qilingan. Shuningdek, ushbu innovatsion texnologiyalarni ta'lim tizimiga joriy etish bo'yicha ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan. Bundan tashqari, ta'lim jarayonida o'quvchining shaxsiy trayektoriyasiga yo'naltirilgan aqlli ta'lim platformasini ishlab chiqish bo'yicha model va ishlash texnologiyasi keltirilgan.

КАЛИТ СЎЗЛАР: *Ta'lim, sun'iy intellekt, shaxsiylashtirilgan ta'lim, aqlli ta'lim platformalari, raqamli kontent, virtual yordamchi.*

KIRISH

Hozirgi globallashuv jarayonida raqamli texnologiyalar sog'liqni saqlash, davlat boshqaruvi, qishloq xo'jaligi, iqtisodiyotning real sektori kabi ustuvor sohalar bilan bir qatorda ta'lim sohasida ham ko'plab imkoniyatlarni yaratib bermoqda. Shu o'rinda XXI asrning eng ustuvor texnologiyalaridan biri bo'lgan Sun'iy intellekt (*keyingi o'rinlarda SI*) nafaqat ta'lim jarayonlarini boshqarish, balki ta'lim oluvchilar uchun muhim kontentlarni yaratish va ularga taklif bera oladigan shaxsiylashtirilgan kontentni taklif etish imkonini bermoqda.

Bu kabi innovatsion texnologiyalarni O'zbekiston Respublikasining ustuvor yo'nalishlariga tatbiq etish bo'yicha bir qancha islohotlar amalga oshirilmoqda. Shulardan, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 17 fevraldagi **"Sun'iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish uchun shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to'g'risida"**gi PQ-4996-sonli Qarorining qabul qilinishi, respublikamizda sun'iy intellektni qo'llashning asosiy yo'nalishlari va tamoyillarini, shuningdek, yaqin va uzoq istiqbolda ushbu sohani kompleks shakllantirish uchun shart-sharoitlarni belgilovchi Sun'iy intellektni rivojlantirish strategiyasini ishlab chiqish uchun asos bo'ldi.

Bundan tashqari, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5 oktyabrdagi **"Raqamli O'zbekiston-2030" strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"**gi PF-6079-sonli Farmonida O'zbekistonni 5 ta ustuvor yo'nalishi bo'yicha 2030-yilga qadar barcha sohalarga raqamli texnologiyalarni keng joriy etish bo'yicha ustuvor vazifalar belgilab qo'yilgan. Shu bilan birga, ushbu strategiyada ta'lim muassasalarining tegishli sohalarida "Buyumlar interneti" (IoT¹), robototexnika, sun'iy intellekt texnologiyalarini qo'llash va o'rganish bo'yicha laboratoriyalar, shuningdek, xorijiy korxonalarni ushbu sohaga jalb qilishni tashkil qilish bilan bir qatorda o'quvchilarni bilimni baholash bo'yicha samarali avtomatlashtirilgan axborot tizimlarini ishlab chiqishda SIDan foydalanish ham nazarda tutilgan.

Sun'iy intellekt (SI) – raqamli texnologiyalar yordamida inson onining ayrim jihatlarini (masalan, muloqot qilish, muammolarni yechish, mantiqiy fikrlash, o'rganish) modellashtirish texnologiyasi.

Shu o'rinda, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 6-iyuldagi **"2022 – 2026-yillarda O'zbekiston Respublikasining innovatsion rivojlanish strategiyasini amalga oshirish bo'yicha tashkiliy chora-tadbirlar to'g'risida"**gi PF-307-sonli Farmonida ham bir qancha ustuvor vazifalar keltirilgan. Jumladan, ushbu yillarda ilmiy tashkilotlar tomonidan amalga oshiriladigan "drayver" innovatsion loyihalar ro'yxatining 7-bandi (Masofaviy ta'lim uchun sun'iy intellektga asoslangan platforma ishlab chiqish), 117-bandi (Shaxsning biometrik ma'lumotlarini (*nutq, tasvir, video*) aniqlashning sun'iy intellekt texnologiyalariga asoslangan tizimini yaratish), hamda 302-bandida (Sun'iy intellekt asosida fan va ta'limga oid axborot manbalarini foydalanuvchi ehtiyojlariga ko'ra tavsiya etish tizimini yaratish) respublikamizning ta'lim sohasiga SIni tatbiq etish bo'yicha bir qator ustuvor vazifalar keltirib o'tilgan.

Yuqoridagi me'yoriy-huquqiy hujjatlarning mazmunidan ko'rinib turibdiki, O'zbekiston Respublikasining ta'lim tizimiga ham SI texnologiyalarini keng joriy etish bugungi kundagi eng dolzarb masalalardan biri ekanligini ko'rishimiz mumkin. Bunday innovatsion texnologiyalarni ta'lim

¹ **Internet of things** (buyumlar interneti) – bu ma'lumotlarni to'plash va almashish imkonini beruvchi sensorlar, dasturiy ta'minot va tarmoq ulanishi bilan o'rnatilgan jismoniy qurilmalar, transport vositalari, jihozlar va boshqa jismoniy obyektlar tarmog'ini anglatadi.

olish jarayoniga tatbiq etish nafaqat ta'lim oluvchilar, balki ta'lim beruvchilarni ham shaxsiy trayektoriyasiga yo'naltirilgan aqlli ta'lim platformasini yaratish imkonini beradi.

MAVZUGA OID ADABIYOTLAR TAHLILI

Bugungi kunda SI ni barcha sohalarga keng tatbiq etish bo'yicha dunyoning yetakchi olimlari bir qancha ilmiy tadqiqotlar olib bormoqda. Shu jumladan ta'lim tizimiga ham SI texnologiyalarini tatbiq etish va ularning samaradorliklari bo'yicha turli xil yondashuvlar mavjud. Bularga, AQSH Prezidentining ta'lim bo'yicha maslahatchisi M.Kardona, uning o'rinbosari R. Rodrigues va ushbu davlatning ta'lim texnologiyalari ofisi direktori o'rinbosari K.Ichmaillar tomonidan 2023-yilda chop etilgan "Sun'iy intellekt, o'qish va ta'limning kelajagi" nomli taklif va tavsiyalarga asoslangan tahliliy materialida SI ni ta'lim tizimiga taqdim etish bo'yicha yaqin kelajakdagi yutuqlarni keltirib o'tishgan. Shuningdek, SI ga asoslangan intellektual repetitorlik tizimi modelini tavsiya etishgan.

Shu bilan birga, 2020-yilda Buyuk Britaniyalik tadqiqotchi J.Gardner, Irlandiyalik olim M.Oleariy va Xitoylik olim L.Yuanlar tomonidan chop etilgan "Ta'limni baholashda sun'iy intellekt: yutuqmi?" nomli hammualliflikda chop etishgan ilmiy maqolasida formativ va summativ ta'limni baholash usullarida SI ning o'рни bo'yicha taklif hamda tavsiyalar berishgan. Ular SI yordamida ta'lim oluvchilarning insholarini va onlayn test orqali baholash bo'yicha o'zlarini modellarini ishlab chiqishgan.

Bundan tashqari Xitoylik tadqiqotchilar Y.Li, S.Meng va J.Vanglar tomonidan 2021-yilda "Ta'lim, axborot boshqaruvi va xizmat ko'rsatish fani" nomli xalqaro konferensiyasida chop etgan ilmiy maqola (Sun'iy intellekt negizida shaxsiylashtirilgan ta'limni tadqiq qilish va qo'llash) sida SI yordamida shaxsiylashtirilgan ta'limning "Onlayn + oflayn" shakli kichik sinflar talqinida muhokama qiladi va "o'qituvchi markazlashtirilgan" dan "o'quvchiga yo'naltirilgan" o'qitish islohotini ilgari suradi.

Maykrosoft korporatsiyasining ta'lim strategiyasi bo'yicha direktori Stiven Daggenning "Ta'limda sun'iy intellekt: o'quv jarayonini o'zgartirish" nomli tahliliy materialida SI dan ta'lim jarayonida foydalanish o'quvchilarni yoshi, mavqeyi, boyligi va joylashgan joyidan qat'iy nazar sifatli ta'lim olishlari hamda ta'lim darajasini oshirishini ta'kidlab o'tgan. Shuningdek, Hindiston texnologiyalar instituti olimlari Sh. Chatterjee va K. Bhattacharjee o'zlarining "Oliy o'quv yurtlariga sun'iy intellektni tatbiq etish: tarkibiy tenglamani modellashtirish yordamida miqdoriy tahlil" nomli ilmiy maqolasida SI ni Hindiston oliy ta'lim muassasalariga qo'llash imkoniyatlarini o'rganib chiqib, uni ta'lim tizimiga tatbiq etishga yordam beradigan va tezlashtiruvchi determinantlarni aniqlovchi modelni taqdim etgan.

Yuqoridagi ilmiy asarlar va maqolalar tahlilidan ko'rinib turibdiki, ta'lim tizimiga SI texnologiyalarini tatbiq etish nafaqat ta'lim sifatini oshirish uchun, balki ta'lim oluvchilar uchun o'quv kontentlarini taklif etadigan innovatsion texnologik yechim ekanligini ko'rishimiz mumkin. Shundan kelib chiqqan holda, ushbu ilmiy maqolaning asosiy maqsadi bugungi kunga kelib eng rivojlangan SI texnologiyalarini ta'lim tizimiga joriy etish orqali, ta'lim oluvchilarga yanada sifatli ta'lim berishga qaratilgan.

TADQIQOT METODOLOGIYASI

Tadqiqot davomida SI texnologiyalarini ta'lim tizimiga joriy etish bo'yicha xalqaro tajribalarni tahlili qilish, tajribalarni o'rganish, ma'lumotlarni to'plash, guruhlashtirish, tahlilning mantiqiy va taqqoslama usullari, qiyosiy tahlil va boshqa usullardan foydalanilgan.

TAHLIL VA NATIJALAR

Tadqiqotchilar va yirik korxonalarning **sun'iy intellekt** (*artificial intelligence*) va unga bog'liq texnologiyalar, ya'ni **mashinaviy o'rganish** (*machine learning*), **chuqur o'rganish** (*deep learning*), **neyron tarmoqlari** (*neural networks*) va shuningdek, **tabiiy tilni qayta ishlash** (*natural learning processing*) va **kompyuter ko'rishi** (*computer vision*) kabi texnologiyalardan foydalanishlari ortib bormoqda. SI texnologiyalarini ta'lim tizimiga joriy etish, shaxsiylashtirilgan aqlli o'qitish kerakligini

talab qiladi. Bu esa o'z navbatida ta'lim beruvchilarga qo'shimcha vazifalarga vaqt ajratishdan ko'ra ko'proq vaqtini o'quv jarayoniga qaratishga yordam beradi.

Hozirgi kunga kelib bir qator ta'lim muassasalari va o'quv markazlari o'qitish uchun SI tizimlarini ishlab chiqmoqdalar. Ular o'zlarining o'quv kurslarini video darslar, taqdimotlar, animatsion materiallar orqali interaktiv modullardan foydalangan holda tashkil etishmoqda. Bunday tizimlar ta'lim oluvchilarning bilim darajasini baholaydi, fikr-mulohaza bildiradi, zaif tomonlarini aniqlaydi va tushunishni yaxshilash uchun SI tizimi ko'rsatmalar beradi. Shuningdek, nafaqat o'quvchi balki o'qituvchini ham bilimini baholab uni rivojlanishi uchun qo'shimcha materiallarni taqdim etib boradi. Bundan tashqari, SI har bir ta'lim oluvchi uchun muvaffaqiyatli ta'lim olish va keyingi kasbiy o'sish uchun individual ta'lim trayektoriyasini yaratishga imkon beradi.



Rivojlangan davlatlarning tajribasini o'rganish natijasida, ta'lim tizimiga asosan quyida keltirilgan SI texnologiyalariga asoslangan aqlli ta'lim platformalari tahlil va tatbiq etilayotgani aniqlandi. Ular:

Aqlli ta'lim platformalari tahlili — bu tizimlar ta'lim oluvchining bilim darajasini baholaydi, fikr-mulohazalarni bildiradi, zaif tomonlarini aniqlaydi va tushunishni yaxshilash uchun ko'rsatmalar beradi. Ushbu texnologiya tajribasi kam bo'lgan ta'lim beruvchi va oluvchilar uchun qo'shimcha materiallarni taqdim etadi. Masalan, *Pearsonning WriteToLearn*² dasturiy ta'minoti foydalanuvchilarga imlo ko'nikmalarini yaxshilash bo'yicha maslahatlar berish uchun tabiiy tilni qayta ishlash (NLP) texnologiyasidan foydalanadi.

1-jadval.

Sun'iy intellekt texnologiyalariga asoslangan o'quvchining shaxsiy trayektoriyasi aniqlash uchun ta'lim jarayoniga tatbiq etilgan aqlli ta'lim dasturlari

T/r	Nomi	Maqsadi	Xususiyat va afzalliklari
1	Knewton www.knewton.com	Ushbu aqlli platforma asosan shaxsiylashtirilgan ta'limda tushunchalarni mustahkamlash va bilimlardagi kamchiliklarni to'ldirish uchun javobning to'g'ri yoki noto'g'riligidan qat'iy nazar, har bir savolga moslashtirilgan tezkor va	Amaliyot va sharhlar bilan uzluksiz o'rganish imkonini beradi; Shaxsiy trayektoriyadan kelib chiqib tahlil natijalarini ta'minlaydi; Ta'lim oluvchilarga mos keladigan maqsadli ta'lim tajribalarini osongina yaratadi.

² *Pearson's WriteToLearn* - bu yozish ko'nikmalarini shakllantirish va o'qishni tushunishni rivojlantirish uchun vebga asoslangan dasturiy ta'minot. *WriteToLearn*-dan foydalanib, bilim oluvchilar yaxshi o'qiydiganlar tabiiy ravishda ega bo'ladigan qobiliyatni rivojlantiradilar - o'qiganlarini umumlashtirish qobiliyati. Yozish va o'qishni tushunish ko'nikmalarini shakllantirishda ular insho yozish va umumlashtirishni mashq qiladilar.


		batafsil fikr-mulohazalarni SI yordamida taqdim etadi va tavsiyalar beradi.	
2	Alef Education www.alefeducation.com	Ushbu aqlli ta'lim platformasi ta'lim samaradorligini oshirish va shu bilan barcha ta'lim oluvchilar uchun istalgan vaqtda va istalgan joyda o'z tezligida o'rganishlari uchun shaxsiylashtirilgan ta'lim tajribasini ta'minlaydigan AI texnologiyaga asoslangan o'quv tajribalarini loyihalashtirish maqsadlarini yaratilgan.	Alef platformasi barcha ta'lim oluvchilar uchun moslashtirilgan ta'lim tajribasini taqdim etadi, shuning uchun ular istalgan vaqtda va istalgan joyda o'z tezligida o'rganish imkoniyatini beradi. SI ta'lim oluvchilarga individual ta'lim olish imkoniyatlarini yaratgan holda ularga qanday o'rganishni afzal ko'rishni tanlash imkonini beradi; SI tomonidan shaxsiylashtirilgan ta'lim; Qiziqarli kontent; Darhol fikr-mulohaza taqdim etish; Haqiqiy vaqtda ma'lumotlar; Tegishli o'quv dasturi.
3	EdApp www.edapp.com	Sun'iy intellekt texnologiyalari asosida yaratilgan ushbu ta'lim platformasi, ta'lim oluvchilarning ilm-fanga qiziqtirish va shaxsiy ta'lim trayektoriyasini yaratib berish imkoniyatlarini ochib beradi. Bu, ta'limning samarali, yanada qiziqarli va qulay bo'lishiga xizmat qiladi.	Mobil ariza: Mobil qurilmalar uchun mo'ljallangan ta'lim tizimi hisoblanib, barcha platformalarda, veb brauzerlarda va boshqa dastururiy ta'minotlarda ham ishlaydi; Interfaol ta'lim: Interaktiv darsliklar, testlar, sinovlar, va qiziqarli ma'ruzalar orqali o'quvchilarni qiziqtirish uchun yaratilgan. Bu, ta'lim jarayonini qiziq va amaliy qiladi; Shaxsiylashtirilgan ta'lim: Platforma shaxsiy ta'lim tajribasini yaratishga imkon beradi. O'quvchilar uchun ma'lumotlar, testlar va darsliklar shaxsiylashtirilgan ravishda to'plab, boshqariladi va taqdim etiladi; Natijalarni monitoring va treking qilish: Ta'lim oluvchilarning faoliyatlari ustida monitoringni yaxshi olib boradi. Bu, o'quvchilarning rivojlanishini

			kuzatib borish va ma'lumotlarini baholashga imkon beradi; O'quv materiallarini boshqarish: Aqlli platforma, o'quv materiallarini boshqarish va yangilashga yordam beradi. Ta'lim oluvchilar uchun o'quv materiallarini yaratish va ularga kirishni boshqarish imkoniyatlarini beradi; Gamifikatsiya, mobil qurilmalar uchun qulay, xAPI va SCORM tizimlarini qo'llab-quvvatlaydi.
4	Adaptemy www.adaptemy.com	Adaptemy, shaxsiy ta'lim prinsiplari va aqlli texnologiyalar(SI/ML)dan foydalanib, ta'lim oluvchilarning shaxsiy ta'limini yanada barqaror va samarador qilishga intiladigan platforma hisoblanib, har bir o'quvchi uchun moslashtirilgan (adaptiv), interaktiv va dinamik ta'lim tajribasini taqdim etadi.	Dinamik ta'lim materiallari: Platforma, o'quv materiallarini dinamik tarzda taqdim etadi. Bu, ta'lim oluvchilarning yangi ma'lumotlarni o'rganish va o'zlarini o'zlashtirishiga yordam beradi; Aqlli ta'lim: Bu platforma aqlli o'qitish prinsiplari asosida ishlaydi. Ta'lim oluvchilarning o'zlashtirilgan ta'lim yo'nalishlarini aniqlab chiqish va ularni moslashtirish uchun aqlli algoritmlardan foydalaniladi; Shaxsiylashtirilgan ta'lim: Har bir ta'lim oluvchilar uchun shaxsiy ta'lim dasturlarini yaratishga imkon beradi. Bu dasturlar o'quvchining mahorati, qobiliyatlari va talablari bo'yicha moslashtiriladi; Doimiy monitoring: Ta'lim oluvchilarning o'zlashtirishlarini kuzatish va natijalarini baholashda aqlli texnologiyalardan foydalaniladi. Bu, ularning rivojlanishini kuzatib borish va ularni individual tarzda yordam beradi; Ishtirok etishlik: Ushbu aqlli platforma, ta'lim oluvchilarni qiziqtirish va ta'lim jarayonini interfaol qilishga xizmat qiladi. Shuningdek, sinovlar, testlar, ma'ruzalar va boshqa interfaol ta'lim vositalari orqali o'quvchilarni motivatsiyalarda ishlatiladi.

5	CogBooks www.cogbooks.com	CogBooks- eng qiziqarli onlayn aqli ta'lim tajribalari va ta'lim oluvchilarning qiziqish doirasidan kelib chiqqan holda moslashuvchanlik algoritmlari asosida yaratilgan platformadir. 2005-yildan beri CogBooks o'qituvchilarni o'quv jarayonining markazida ushlab turadigan moslashuvchan ta'lim hamkori hisoblanadi. CogBooks butun dunyo bo'ylab ta'lim muassasalari ma'murlari, o'qituvchilari va o'quvchilari arzon moslashuvchan bilim olish imkoniyatlarini taqdim etadi. Cambridge University Press & Assessment kompaniyasi CogBooks -ni ta'sischi hisoblanib, bu ilg'or onlayn ta'lim texnologiyalari kompaniyasi va adaptiv o'quv dasturlari bo'yicha yetakchilik qiladi. Cambridge — ni o'zining mashhur ta'lim va ta'lim mazmunini va CogBooks kompaniyasining ushbu sohadagi tajribasi, o'rnatilgan platformasi va o'quv dasturlari bilan birlashtirib, adaptiv o'rganishning birinchi qatoriga qo'yadi. CogBooks foydalanuvchi tajribasi hamma uchun tanish, xuddi darslikning onlayn versiyasida navigatsiya qilish kabi, har bir o'quvchi o'zlariga topshirilgan o'quv kurs materiallarini o'rganish davomida dinamik ravishda moslashadi va 1:1 ta'lim olishni ta'minlaydi.	Moslashuvchan ta'lim: CogBooks har bir talaba uchun o'rganish tajribasini shaxsiylashtirish uchun moslashuvchan o'rganish texnologiyasidan foydalanadi. Platforma shaxsiy rivojlanish va ishlashga kontent va murakkablikni osonlashtiradi. Tahlil va hisobot: Platforma odatda o'qituvchilarga talabalarning muvaffaqiyati va samaradorligini kuzatish imkonini beruvchi tahliliy vositalarni taklif qiladi. Shaxsiylashtirilgan fikr-mulohaza: CogBooks ta'lim oluvchilarga shaxsiy fikr-mulohazalarni taqdim etishlarini ta'minlaydi, bu ularga o'zlarining kuchli tomonlarini va yaxshilash sohaslarini tushunishga yordam beradi. Foydalanish imkoniyati: Ta'lim texnologiyalari platformalari, jumladan CogBooks, mavjudlik xususiyatlariga ustunlik beradi. Bu turli xil ta'lim ehtiyojlarini qondirish uchun matndan nutqqa, shrift o'lchamlari sozlanishi va boshqa imkoniyatlarni ta'minlaydi. Ta'limni boshqarish tizimlari (LMS) bilan integratsiya: CogBooks ta'limni boshqarish tizimlari bilan integratsiyalashishi va ta'lim muhitlariga uzluksiz integratsiyalashish imkoniyatlarini yaratadi.
---	---	--	--

6	Realizeit www.relizeit.com	Sun'iy intellekt texnologiyalariga asoslangan adaptiv ta'lim olish, shaxsiylashtirilgan va uzluksizga ta'lim provayderi "Realizeit" ta'lim oluvchilarni sezilarli darajada samaraliroq ta'lim olishlarini ta'minlaydi. Platforma ko'p sonli foydalanuvchilarni o'z ichiga oladigan qilib ishlab chiqilgan. Bu uni K-12 maktablaridan tortib oliy o'quv yurtlarigacha bo'lgan turli ta'lim muassasalari uchun mos qiladi. Ushbu aqlli platforma ta'lim oluvchilar uchun umumiy o'quv jarayonlarini soddalashtirish uchun ta'limni boshqarish tizimlari (LMS) va boshqa ta'lim texnologiyalari bilan integratsiyalash imkoniyati mavjud.	Ma'lumotlar tahlili: Platforma ta'lim oluvchilarning muvaffaqiyati va progresslarini uzluksiz kuzatish uchun ma'lumotlar tahlilini o'z ichiga oladi. Tahlillar natijalarida o'quv jarayoni haqida tushuncha hosil qilish, o'qituvchilar va muassasalarga ta'lim strategiyalari bo'yicha ongli qarorlar qabul qilishda yordam berish uchun ishlatiladi. Shaxsiylashtirilgan ta'lim: Platforma har bir ta'lim oluvchilarning kuchli, zaif tomonlari va o'rganish afzalliklariga moslashtirilgan tarkib, baholash va fikr-mulohazalarni moslashtirish orqali shaxsiylashtirilgan ta'lim tajribasini taqdim etishga qaratilgan. Kontentni yetkazib berish: Platforma ta'lim oluvchilarni jalb qilish uchun turli xil multimedia elementlari va interaktiv kontentni o'z ichiga oladi. Bu videolar, simulyatsiyalar, viktorinalar va o'rganish tajribasini yaxshilash uchun mo'ljallangan boshqa interaktiv materiallarni SI yordamida bilim oluvchining qiziqtirish algoritmlari orqali yondashadi. Baholash va fikr-mulohazalar
---	--	--	--

1-jadvalda keltirilgan SI texnologiyalariga asoslangan o'quvchining shaxsiy trayektoriyasi aniqlash uchun yaratilayotgan aqlli ta'lim platformalarining soni kundan-kunga ortib bormoqda. Bundan ko'rinib turibdiki ushbu dasturiy mahsulotlarni ta'lim jarayonini tashkil etishda foydalanish, ta'lim oluvchi va beruvchilarning shaxsiy o'quv trayektoriyasini aniqlash va bilimini uzluksiz oshirishida yanada ko'proq samaradorliklarga olib keladi.



1-Rasm. Ta'limda sun'iy intellektdan foydalanishning istiqbolli yo'nalishlari

1. Moslashuvchan va shaxsiylashtirilgan ta'lim har bir ta'lim oluvchining turli darajadagi akademik ko'rsatkichlarga ega bo'lgan ehtiyojlariga mos keladigan, o'rganishdagi muvaffaqiyatni kuzatish va natijalarga qarab uning trayektoriyasini o'zgartirish qobiliyatiga ega bo'lgan zarur ta'lim mazmunini tanlashni o'z ichiga oladi.

2. Avtomatik baholash tizimi ta'lim oluvchining bilim darajasini avtomatlashtirilgan, xolis baholashni amalga oshirish, o'quv natijalari to'g'risidagi ma'lumotlarni tahlil qilish, tavsiyalar berish va samarali individual o'quv rejalarini ishlab chiqish imkonini beradi.

3. Aqlli ta'lim – ta'lim jarayoniga raqamli texnologiyalarni tatbiq etish orqali passiv elementlarni faol, vizual va interfaol qilish imkonini beradi.

4. O'yin shaklda o'rganish (gamifikatsiya) imkoniyati o'quv jarayonida o'yin texnologiyalari va o'quv simulyatorlaridan foydalanishda ifodalanadi.


4. Proktoring tizimi imtihan topshirayotgan ta'lim oluvchining xatti-harakatlarini masofadan turib tahlil qilish imkoniyatiga ega istiqbolli tizim hisoblanadi: monitordan uzoqqa qarash chastotasi, brauzerdagi yorliqni o'zgartirishga urinish, ruxsat etilmagan shaxslar yoki ovozlarning mavjudligi va boshqalarni nazorat qilish imkonini beradi.

5. Smart kampus — loyihasi ta'lim oluvchilarning turli savollariga tezkor javob berish imkonini beradi: dars jadvali, darslar o'tkaziladigan sinfxonalarni qidirish, ta'lim muassasalari, o'qituvchining fikr-mulohazalari, video-ma'ruzalar, audio materiallar, taqdimotlar va boshqalarga kirish, nazorat topshiriqlarini qabul qilish, turli ta'lim dasturlari, kurslar uchun ro'yxatdan o'tish, kutubxonada zarur adabiyotlarning mavjudligi, yotoqxonada bo'sh joy mavjudligi, joy tanlash imkoniyati, bepul mashinalar joyini qidirish va boshqalarni o'z ichiga oladi.

Sun'iy intellekt texnologiyalarining ta'lim tizimiga ijobiy ta'siri


Ma'lumki, COVID-2019 pandemiyasi butun dunyo ta'lim sohasiga juda qattiq ta'sir qildi va deyarli barcha davlatlarda raqamli ta'limni yanada rivojlanishiga o'z hissasini qo'shdi desak mubolag'a bo'lmaydi. Natijada ta'lim oluvchilar va beruvchilarning raqamli savodxonligi ham sezilarli darajada oshdi. Bu esa SI kabi innovatsion texnologiyalarni ta'lim jarayoniga kengroq tatbiq etish imkonini beradi. Bugungi kunga kelib SIni quyidagi ta'lim jarayonlariga tatbiq etilayotganligini ko'rishimiz mumkin:

- Individual ta'lim;
- O'qituvchilarga yordam;
- Proktorlangan onlayn baholash;
- Javoblar varag'ini baholash;
- Avtomatlashtirilgan vazifalar;
- Universal foydalanish imkoniyati;
- 24X7 o'quvchilarni qo'llab-quvvatlash va repetitorlik;
- Virtual yordamchi;
- Smart kontent va boshqalar.



2-rasm. Sun'iy intellektga asoslangan shaxsiylashtirilgan ta'limning asosiy ekotizimlari.

Mashinaviy o'rganish ta'limda mavjud kamchiliklarni bartaraf etish uchun katta imkoniyatlar yaratib beradi. U ta'lim oluvchiga moslashuvchi va majburiyatlari bo'yicha resurslarni taqsimlaydigan yangi va yanada moslashuvchan o'quv jarayonini yaratadi. Bunday aqlli texnologiyalar onlayn o'qish va individual repetitorlikni qo'llab-quvvatlaydi. Qolaversa, SIga asoslangan shaxsiylashtirilgan ta'lim har bir ta'lim oluvchining shaxsiy trayektoriyasidan kelib chiqib, qaror qabul qilish va shunga mos raqamli ta'lim resurslarini taklif etish imkonini beradi.



3-rasm. Sun'iy intellektga asoslangan shaxsiylashtirilgan ta'limning asosiy konsepsiyasi

3-rasmda ko'rsatilganidek, mashinaviy o'rganish(ML)ni qo'llab-quvvatlaydigan ta'lim qarorlar qabul qilish strategiyalarining katta to'plamini o'z ichiga oladi, ular mavjud ma'lumotlarni individual xususiyatlar bilan birgalikda turli shaxsiylashtirilgan o'quv materiallari va tavsiyalari bilan taqqoslaydi.

An'anaviy topshiriqlar (muammolar to'plami, kompyuter dasturlari va laboratoriyalar), shuningdek, onlayn mashqlar va testlar bo'yicha ma'lumotlar to'planishi mumkin. U darslar ketma-ketligini optimallashtirishning muhim qismi sifatida o'rnatilgan baholash vositalarini o'z

ichiga oladi. Shunday qilib, u keng ko'lamli fanlar bo'yicha yangi o'qitish usullarini ishlab chiqishda ta'lim hamjamiyatini qo'llab-quvvatlaydi.

SI ta'lim oluvchilar va beruvchilarga quyidagi aqlli va interfaol ta'lim resurslari va dasturiy vositalaridan foydalanish imkoniyatlarini yaratib bermoqda:

Chatbotlar. Bu sun'iy intellekt va tabiiy tilni qayta ishlash tamoyillari asosida qurilgan kompyuter dasturi. Chatbotning asosiy vazifasi mijoz bilan muloqot qilishdir. Mijoz chatbotga savol berganida, chatbot mijozga darhol javob beradi. Chatbot bilan muloqotda bo'lgan mijoz o'zini aslida odam bilan gaplashayotganini his qiladi. Hozirda Hostinger³ va Dominos kabi yirik kompaniyalar o'z mijozlari bilan muloqot qilish uchun chatbotlardan foydalanmoqda.


Virtual reallik (VR). Foydalanuvchini ekran ortidagi tasavvur qilinadigan olamga sho'ng'ituvchi vizual va tovushli effektlarni ta'minlaydigan texnologiya. Bundan tashqari, u foydalanuvchiga borliqni haqiqiy bo'lishga undaydigan tarzda taqdim etiladi. Ya'ni, foydalanuvchi ko'rgan, eshitayotgan va his qilayotgan narsasini haqiqatan ham mavjud ekanligiga ishonishi uchun virtual muhit yaratib beradi. Bunday texnologiya yordamida virtual laboratoriyalar o'tkazish, virtual muhitlarda dars jarayonlarini olib borish, 3D modellarni qurish va boshqa ta'lim jarayonlarida ta'lim oluvchilarning amaliy ko'nikmalarining shakllantirishga yordam beradi.

Tavsiya qilish tizimlari(Recommender Systems). Kollaborativ filtrlash va kontentga asoslangan tavsiyalar tizimlari odatda ta'lim oluvchining afzalliklari, o'tmishdagi xatti-harakatlari va o'rganish uslubiga asoslangan shaxsiylashtirilgan o'quv resurslarini taklif qilish modeli hisoblanadi.

Mashinaviy o'rganish algoritmlari: O'quvchining shaxsiy o'quv trayektoriyasidan kelib chiqib, ma'lumotlarini tahlil qilish va shaxsiy fikr-mulohazalarni taqdim etish, o'rganish yo'llarini moslashtirish va individual talabalar qo'shimcha yordamga muhtoj bo'lgan tomonlarini aniqlash uchun turli xil mashinaviy o'rganish algoritmlarini qo'llash modeli;

Chuqur o'rganish tarmoqlari: Neyron tarmoqlar kabi chuqur o'rganish arxitekturalari tasvirni aniqlash, nutqni aniqlash va ta'lim texnologiyasidagi boshqa murakkab naqshlarni aniqlash modeli;


Moslashuvchan/adaptiv ta'lim platformalari: Bu aqlli platformalar o'quvchining taraqqiyoti, kuchli va zaif tomonlari asosida real vaqt rejimida o'rganish tajribasini moslashtirish modellari.



4-rasm. O'quv kurs tavsiyalarining batafsil doirasi.

³ Veb-xosting xizmati kompaniyasi <https://www.hostinger.com/>

4-rasmda o'quv kursi tavsiyalarini optimallashtirish uchun kontekst, bashorat, fikr-mulohaza va boshqalar kabi turli elementlar o'rtasidagi o'zaro ta'sir ko'rsatilgan. Shuni ta'kidlash kerakki, yuqorida tavsiflangan yondashuvlar umumiy bo'lib, ular turli ta'lim sohalarida, shu jumladan signallarni qayta ishlashda, ehtimol kichik domenga bog'liq moslashuvlar bilan keng qo'llanilishi mumkin. Misol tariqasida, eTutor⁴-ni ishlab chiqish uchun mualliflar bir nechta g'oyalarni qo'llaydilar, bu shaxsiylashtirilgan, veb-texnologiyaga asoslangan ta'lim tizimini talaba konteksti va ilgari ko'rsatilgan fikr-mulohazalar asosida taqdim etish uchun o'quv materiallarining optimal ketma-ketligini o'rganadi. O'quv materiallari, tajribada ular eTutor tizimini quyidagi ssenariyda qo'llashadi. Ya'ni uning roli ta'lim oluvchilarga o'quv materiallarini tavsiya etishdan iborat bo'lib, ularning fikrini eng kam vaqt ichida *Discrete Fourier transform*⁵ haqida yangilash uchun ishlatilgan. eTutor tasodifiy va qat'iy tanlov qoidalariga nisbatan yaxshiroq ishlashni ko'rsatadi.



5-rasm. Sun'iy intellekt texnologiyalariga asosidagi o'quv kurslarini ketma-ketligi bo'yicha tavsiya beruvchi model

Shaxsiylashtirilgan, bashoratli va moslashtirilgan ta'limni rejalashtirish uchun SI texnologiyalari quyida tavsiflanganidek, bir necha o'lchovlarni ifodalaydi, jumladan:

- Birinchidan, kurslar ketma-ketligi bo'yicha tavsiyalar, kurslar soni bilan kombinatsion ravishda o'sib boruvchi katta qaror maydoni bilan shug'ullanishni talab qiladi;
- Ikkinchidan, kurslar ketma-ketligini tavsiya qilishda katta moslashuvchanlik mavjud, chunki bir vaqtning o'zida bir nechta kurslarni olish mumkin bo'ladi, shu bilan birga u shartlar va mavjudlik tufayli ko'plab cheklovlarga duch keladi;
- Uchinchidan, har qanday statik kurs ketma-ketligi optimal emas, chunki ular ta'lim oluvchining bilimi, tajribasi va faoliyatini o'rganish jarayonida rivojlanadi.

Misol uchun, yuqorida qayd etilgan muammolarni hal qilish uchun avtomatlashtirilgan kurslar ketma-ketligini tavsiya qilish tizimini modelini taklif etib o'tganmiz.

XULOSA VA TAKLIFLAR

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlab o'tishimiz lozimki, ta'lim jarayoniga zamonaviy raqamli texnologiyalar, ayniqsa SIni tatbiq etish natijasida quyidagilarga erishiladi:

- o'quvchilar va talabalar bilimini baholashda shaffoflik;
- har bir o'quvchi uchun moslashtirilgan va shaxsiylashtirilgan ta'limni joriy etish;

⁴ eTutor — Shaxsiylashtirilgan, yakkama-yakka virtual repetitorlik xizmatlari

⁵ Discrete Fourier transform - Diskret Fure transformatsiyasi — ilg'or matematikada qo'llaniladigan texnika.

- vaqt va xarajatlarning tejaliishi natijasida ish samaradorligi oshiriladi;
- sun'iy intellekt va katta ma'lumotlardan (Big Data) foydalanish orqali tez va to'g'ri qarorlar qabul qilinadi;
- aqlli raqamli kontentni yaratish;
- o'qituvchi va talabalar uchun virtual yordamchilarni yaratish;
- aqlli chatbotlar;
- statistik va tahliliy ma'lumotlarni avtomatik tayyorlash;
- yuzni tanib olish orqali harakatlarni boshqarish;
- ota-onalar uchun farzandlarini kunlik o'zlashtirish darajasini onlayn tahlil qilib borish;
- ta'lim jarayonini boshqarish va boshqa ko'plab samaradorliklarga erishish imkoniyatini yaratib beradi.

Demak, SI texnologiyalarini ta'lim jarayoniga tatbiq etish o'qituvchi va o'quvchilar uchun quyidagi afzalliklarni beradi desak mubolag'a bo'lmaydi.

O'quvchilar uchun SIning afzalliklari:

O'zini-o'zi o'qitish – odatda o'quvchilar ko'p vaqtini smartfonlar va planshetlardan foydalanishga sarflashadi. Shuningdek vazifalarni ham mobil qurilmalar orqali bajarishni afzal ko'rishadi. Shu sababli SIga asoslangan ilovalar ularning bo'sh vaqtlarida vazifalarni bajarish uchun 10-15 daqiqa ajratishiga yordam beradi. Bundan tashqari o'quvchilar bunday ilovalar yordamida real vaqt rejimida o'qituvchilari bilan virtual aloqa qilish imkonini ham beradi;

Shaxsiylashtirilgan ta'lim – SIga asoslangan yechimlar o'quvchining bilim darajasiga, qiziqishlariga va uning imkoniyatlariga moslashishi mumkin. Tizim o'quvchilarning bilim olishdagi zaif tomonlarini aniqlab, ularga yordam berishga intiladi. Masalan, biron bir o'quv dasturidan foydalanishni boshlashdan oldin o'quvchi diagnostika testidan o'tadi hamda ilova javoblarni tahlil qilib, unga mos o'quv materiallarini taqdim etadi.

Professor-o'qituvchilar uchun SIning afzalliklari:

O'quvchilarning bilimlarini baholash – bunda SI o'quv mashg'uloti davomida o'quvchilarning o'zlashtirishdagi kamchiliklarini aniqlash imkonini beradi. Masalan, o'quvchilarning 50% dan ortig'i savollarga noto'g'ri javob beradigan bo'lsa, SI ilovasi o'qituvchini xabardor qilishi va unga tahliliy materiallar tayyorlab berishi mumkin;

O'quvchilarning darslarga qiziqishini oshirish – virtual haqiqat⁶ ilovalari va turli xil viktorinalar orqali o'quvchilarni dars mashg'ulotlariga qiziqishini oshiradi. Shuningdek ularning amaliy mashg'ulotlariga ko'maklashib, darslarni yanada interaktiv bo'lishini ta'minlaydi;

Shaxsiylashtirish – SIni qo'llab-quvvatlaydigan turli xil algoritmlar o'quvchilarning bilim va qiziqishlarini tahlil qilishi, ularga mos materiallarni taqdim etishi, o'quv dasturlarini moslashtirishi hamda o'qituvchining o'rniga savollarga javob berishi mumkin;

O'quv dasturlarini avtomatik ishlab chiqish – odatda o'qituvchilar SIni rivojlanishidan ko'proq samara oladilar. Chunki ular SI yordamida hisobotlarni, o'quv dasturi va boshqa turli xil materiallarni tayyorlash hamda qidirishga kamroq vaqt sarflashadi. Natijada o'qituvchilarning o'zlari ustida ishlashi uchun qo'shimcha imkoniyatlar yaratiladi.

Bundan ko'rinish turibdiki SI texnologiyalari ta'lim muassasalarining tashkiliy, o'quv, ilmiy-tadqiqot va boshqa faoliyatlariga tatbiq etiladigan bo'lsa, malakali kadrlarni tayyorlash bo'yicha ko'plab muammolarga raqamli yechimlar topish imkoniyatini yaratib beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktyabrdagi "“Raqamli O'zbekiston – 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PF-6079-son farmoni.

⁶ Virtual haqiqat — real dunyoga o'xshash yoki undan butunlay farq qilishi mumkin bo'lgan simulyatsiya qilingan tajriba hisoblanadi.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 2-fevraldagi "Sun'iy intellekt texnologiyalarini jadal joriy etish uchun shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4996-sonli qarori.
indicator on the country's macroeconomic indicators was assessed and analyzed using statistical methods.

Key words: *Classification, program, object, set, group, similarity, difference, quantity, quality, space, phenomenon, indicator, mode.*

KIRISH

Jahon iqtisodiyotida kichik biznesning mobillik darajasining yuqoriligi, innovatsion loyihalarni amaliyotga joriy qilish va bandlik muammosining hal etishdagi imkoniyatlarining kengligi kabilar ta'sirida uning ahamiyati tobora ortib bormoqda. Bugungi kunda kichik biznes korxonalari milliy iqtisodiyotlar yalpi ichki mahsuloti (YaIM)ning 40,0 foizigacha o'z hissasini qo'shmoqda. Biznes yana bir bor o'zining ishlab chiqarish va ijtimoiy-iqtisodiy jihatdan samarali subyekt ekanligini COVID-19 pandemiyasi ta'sirida vujudga kelgan global inqiroz sharoitida ham ko'rsatdi. Jahon banki ma'lumotlariga ko'ra, "2030 yilga qadar oshib borayotgan ishchi kuchi bandligini ta'minlash uchun 600 million ish o'rnini yaratish kerak" [1]. Jahonda biznesni rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilayotgan sharoitda, biznes subyektlarini yanada rivojlantirish va ular faoliyatini prognozlashtirishning statistik axborotlar ta'minotini takomillashtirish bo'yicha ilmiy izlanishlar ustuvor darajada amalga oshirilmoqda. Bu borada amalga oshirilayotgan tadqiqotlar tarkibida biznes muhitini yanada yaxshilashga qaratilgan maqsadli strategiyalarni ishlab chiqishning statistik ishonch intervali darajasini oshirish, statistik tadqiqotlarda modellashtirishning zamonaviy usullarini qo'llagan holda xulosa va takliflarning asoslanganlik darajasini oshirish, faol biznes loyihalarini ishlab chiqish va o'zaro manfaatli loyihalarni amalga oshirishda nostandart iqtisodiy sharoitlar uchun ham biznes tendensiyalari o'zgarishini aniqlashga qaratilgan ilmiy-tadqiqotlar muhim ahamiyat kasb etmoqda.

O'zbekistonda innovatsion va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish, kambag'allik darajasini pasaytirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarining samarali rivoji uchun huquqiy, moliyaviy-iqtisodiy shart-sharoit yaratish, ularni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash bo'yicha keng qamrovli chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Istiqbolda ham kichik biznesning iqtisodiy o'sishdagi va aholini ish bilan ta'minlashdagi ahamiyati yanada ortib borishini e'tiborga olgan holda, bugungi kunda biznesni ustuvor rivojlantirish, uning samarali faoliyati uchun zaruriy tashkiliy-iqtisodiy, huquqiy jihatdan shart-sharoitlar yaratishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Shuningdek, iqtisodiy jihatdan barcha makroiqtisodiy ko'rsatkichlar bilan uzviy bog'langanligi sabab biznes rivojlantirish masalasiga hukumat darajasida katta e'tibor qaratilmoqda. Ushbu masalani hal qilishda mamlakatimiz Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev tashabbusi bilan "2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasida [2] belgilab berilgan "mahallalarda yangi institut sifatida joriy qilingan tadbirkorlikni rivojlantirish, aholi bandligini ta'minlash va kambag'allikni qisqartirish, mahalla hududida davlat-xususiy sheriklik asosida sport va madaniy inshootlar, ijodiy klublar, bandlikka ko'maklashish va o'qitish markazlari, tadbirkorlik obyektlari kabi infratuzilmani yaratish bo'yicha chora-tadbirlar amalga oshirish, yoshlarni ishga joylashtirish va ularning bandligi uchun shart-sharoitlar yaratish" kabi vazifalar belgilab berilgan.

Bugungi kunda mamlakatimizning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi yangi bosqichga ko'tarilmoqda. Ushbu bosqichda O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasining vazifalaridan kelib chiqqan holda, mamlakatimizda barqaror va jadal sur'atlar bilan iqtisodiy o'sishni ta'minlash milliy rivojlanish strategiyasining bosh masalasi hisoblanadi. Shunga ko'ra, respublikamiz ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining joriy va istiqboldagi chora-tadbirlarini belgilashda biznes rivojlanish jarayonlarning ta'sirini har tomonlama hisobga olish, iqtisodiy rivojlanish dasturlarini ushbu jarayonlar ta'siri nuqtai-nazaridan shakllantirish va ularni izchil amalga oshirishni taqozo etmoqda.

O'zbekistonda iqtisodiyotni rivojlantirishning innovatsion yo'lidan borish, makroiqtisodiy barqarorlikni ta'minlash, kambag'allik darajasi pasayishi hisobiga aholining o'rtacha daromadli qatlamini ko'paytirish, aholi farovonligini oshirish va turmush tarzini yaxshilash, mahsulot ishlab chiqarish samaradorligi va raqobatbardoshligini oshirish, yangi ish o'rinlarini yaratishda biznesni yanada rivojlantirish eng dolzarb muammolardan biri hisoblanadi. Ushbu muammolarni hal etish borasida ilmiy tadqiqot ishlari ham olib borilmoqda [3,4]. Shu nuqtai nazardan, hududlarda yalpi hududiy mahsulot (YaHM) tarkibida biznes ulushi dinamikasini ilmiy asoslangan holda tadqiq qilish, tadqiqot natijalari asosida sohani boshqarish bo'yicha taklif va tavsiyalar ishlab chiqishdan iborat.

Albatta, bunday tadqiqot ishlarining natijadorligini ta'minlash uchun statistik kuzatuv ma'lumotlari va an'anaviy statistik usullarga asoslanib olib borilishi zarur[5]. Hududlarda (viloyat, tuman) YaHMda biznes ulushi dinamikasini o'rganishda Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlariga asoslanib, yillar bo'yicha hududlarda biznesning ulushi haqidagi ma'lumotlar statistik jadval ko'rinishida ifodalanadi. Jadvaldagi ma'lumotlardan foydalanib hududlarning YaHMLaridagi biznes ulushi bo'yicha respublikada tutgan o'rinlarini aniqlash uchun ular sifat ko'rsatkichlari bilan ifodalanuvchi uchta: yuqori(yaxshi), o'rta va past(yomon) darajadagi hududlar guruhlariga ajratilib, tabaqalab baho beriladi. Natijada hududlarni yillar bo'yicha qaysi tabaqadagi guruhga tushishiga qarab ularning o'zgarish holatiga baho berish imkoniyati yaratiladi.

Masalani yechishga bunday yondashuv yillar kesimida hududlarning YaHMda biznesning ulushi bo'yicha bir holatdan boshqa bir holatga: yuqori (yaxshi) darajadan o'rta yoki past (yomon) darajaga, aksincha past (yomon) darajadan o'rta yoki yuqori (yaxshi) darajaga o'tishini kuzatish imkonini beradi.

Bunday tadqiqotni amalga oshirish uchun statistikaning kuzatish, variatsion va oraliq qatorlarni tuzish, ularda o'rtacha qiymatlarni aniqlash kabi usullaridan foydalanish samarali natijalarni beradi. Tuzilgan variatsion qatorda o'rtacha qiymat qatorni faqat teng ikki guruhga ya'ni, hududlarni YaHMDagi biznes ulushi bo'yicha yuqori va past darajadagi hududlarga ajratib beradi xolos. Bunday holatda biz ijobiy xulosa chiqara olmaymiz.

Respublikada hududlarning YaHMda biznes ulushi bo'yicha holati to'g'risida aniq tasavvurga ega bo'lish uchun ma'lumotlarni oraliq qatorlariga ajratib, klassifikatsiyalab, o'rtacha qiymat tushgan oraliqni aniqlanib va shu oraliqqa tushgan hududlarni o'rtacha darajada deb hisoblab, o'rtacha oraliqqa nisbatan yuqori va past darajadagi hududlarni aniqlash ijobiy natija beradi. Bunda o'rtacha oraliqning joylashuviga qarab hududlarning holatiga to'g'ri baho berilishi mumkin.

MAVZUGA OID ADABIYOTLAR TAHLILI

Biznesning rivojlanish jarayonlarini tahlil qilish usullari va metodologik asoslarini o'rganish xorijiy hamda respublikamiz iqtisodchi olimlar tomonidan olib borilgan tadqiqotlar, ilmiy asarlar, risolalar va maqolalarda ham o'z aksini topgan. Xususan, biznes rivojlanishining nazariy jihatlarini xorijlik olimlardan R.Drogendijk, M.Oscar[6], N.Dutta, R.S.Sobel[7], Z.Greenberg, Y.Farjab, E.Gimmon[8] va boshqalarning ilmiy ishlarida yoritilgan.

Biznesni rivojlantirishda uning tashkiliy tomonlari bilan bir qatorda rivojlanishini tahlil qilish va prognozlash masalalarining nazariy-uslubiy jihatlarini ham o'ta muhim ahamiyatga ega va uni yanada takomillashtirish davr talabidir. Bu borada mamlakatimizning quyidagi iqtisodchi olimlarining ilmiy ishlarini keltirish mumkin. S.S.G'ulomov[9], T.Sh.Shodiev[10], N.M.Mahmudov[11], B.B.Berkinov[12], B.A.Begalov[13], B.K.G'oyibnazarov[14] va boshqalar tomonidan kichik biznesni rivojlantirishning ilmiy-amaliy asoslari va masalalari bilan bir qatorda kichik biznes rivojlanishini tahlil qilish hamda prognozlash masalalarining nazariy-uslubiy jihatlarini o'rganilgan. O'zbekistonlik iqtisodchi olimlardan S.K.Salayev[15] o'z ilmiy ishida Respublikamizda kichik biznes rivojlanish tendensiyalarini modellashtirish va bashoratlarning nazariy, uslubiy asoslarini taqqoslagan hamda ustuvor rivojlanishini ta'minlash yuzasidan tadqiqotlar o'tkazgan. Kichik biznes muhitining ichki resurs va imkoniyatlaridan foydalanishga ta'sirini katta sonlar qonuni va taqsimot ehtimollari funksiyalari orqali o'rgangan va biznesni rivojlantirishning ilmiy-amaliy asoslari va masalalarini keng yoritgan. Yana bir iqtisodchi olimlarimizdan biri X.A.Djalilov[16] iste'mol sarflari va YaIM o'rtasidagi bog'lanishni o'rganishda xorijda qo'llaniladigan zamonaviy ekonometrik usullar Yunit Rut testi va Yoxan Sen kointegratsion testi kabilarni O'zbekiston sharoitida qo'llash metodologiyasini ishlab chiqqan.

Biznesning rivojlanish jarayonlarini tahlil qilish usullari ustida ko'plab tadqiqotlar o'tkazgan iqtisodchi olimlardan biri B.Xodiyev[17] esa tadbirkorlikni va uning kichik va o'rta biznes shaklini rivojlantirishning tahliliy bashorat va rejalashtirish masalalarini yechish uchun iqtisodiy modellashtirishni va rekursiv dasturlashni nazariy-uslubiy asoslarini ishlab chiqilgan va ularni respublika iqtisodiyoti tarmoqlari va korxonalarida tadqiq etilgan. Yuqorida qayd etib o'tilgan iqtisodchi olimlarning ilmiy izlanishlarida respublikamizda biznesning rivojlanish jarayonlarini statistik tahlil qilish masalalari nazariy jihatdan yoritib berilgan bo'lsa-da, lekin biznes rivojlanish jarayoniga ta'sir etuvchi omillarni hisobga olgan holda statistik tahlili yetarlicha o'rganilmaganligi, shuningdek, biznes rivojining mamlakat iqtisodiyotiga ta'siri kompleks holda o'rganilmaganligi mazkur yo'nalishda tadqiqot olib borish uchun asos bo'ldi. Bu esa, o'z navbatida, istiqbolda mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi yo'nalishlarida ham o'ziga xos

o'zgarishlarning amalga oshirilishini, aholini ish bilan ta'minlash, biznes loyihalari va dasturlarini ishlab chiqishni talab etadi. Mazkur tadbirlarning amalga oshirilishi biznes rivojlanish istiqbolini belgilashga bog'liq.

TADQIQOT METODOLOGIYASI

Biznes jarayoning yuzaga kelishi va uni rivojlanishi ko'plab omillarga bog'liq bo'lib, u murakkab tizim sifatida qaraladi. Ilmiy tadqiqotlarda bu kabi tizimlar tizimli yondashuv asosida tadqiq qilinadi.

Tadqiqot jarayonida ilmiy abstraksiyalash, statistik kuzatish, tasviriy statistika, statistik ma'lumotlarni tahlil qilish, klassifikatsiyalash, statistik baholash, algoritmlashtirish, dasturlash kabi usullardan foydalanildi.

TAHLIL VA NATIJALAR.

Turli obyektlarning holatlarini taqqoslash va baholashda ko'proq klassifikatsiyalash(guruhlash) usullaridan foydalaniladi. Klassifikatsiya iborasi obyektlar (predmetlar, hodisalar, jarayonlar va boshqalar) to'plamini ma'lum bir maqsadni ko'zlagan holda ularni muhim belgilari, ko'rsatkichlari (masalan, YaIM, YaHM da biznesning, sanoatning va boshqalarning ulushi) bo'yicha bo'laklarga, guruhlariga bo'lish, ajratishni anglatadi.

Klassifikatsiyaning maqsadi: o'rganilayotgan obyektlarni tizimlashtirish, obyektlarni o'xshashliklar va ular orasidagi farqlarni, hodisa va jarayonlarda yuzaga keladigan qonuniyatlarni aniqlash, dinamik jarayonlarni bir holatdan ikkinchi holatga o'tishini tadqiq qilish va boshqalardan iborat.

Bir jinsli obyektlar to'plamini klassifikatsiyalash obyektlarning ma'lum bir tomonini ifodalovchi miqdoriy va sifat ko'rsatkichlarni makon va zamonda o'zgarishi bo'yicha bajarilishi mumkin. Obyektlarni ma'lum bir ko'rsatkichini makonda o'zgarishini klassifikatsiyalashda ularning aniq bir vaqtdagi holatlari ifodalanadi. Zamonda o'zgarishini klassifikatsiyalash esa bir obyektning o'sha ko'rsatkichini vaqt bo'yicha o'zgarishini tavsiflaydi.

Obyektlarning holatini makonda o'zgarishini tadqiq qilish natijasida ko'rsatkichning qiymatlaridan iborat diskret stasionar variatsion qator hosil bo'lib, ushbu qator obyektlarni o'rganilayotgan ko'rsatkich bo'yicha o'zaro taqqoslash imkonini beradi. Obyektlar holatini zamonda tadqiq qilish natijasida esa ko'rsatkichning har bir vaqtga mos qiymatlaridan tashkil topgan vaqtli qator yuzaga keladi va bu qator aniq bir ob'ektning o'rganilayotgan ko'rsatkich bo'yicha turli vaqtdagi holatlarini taqqoslashda qo'llanishi mumkin. Makonda joylashgan obyektlar to'plamining o'rganilayotgan ko'rsatkichlarini turli zamondagi holatini tadqiq qilish natijasida "panel ma'lumotlari" deb nomlangan ma'lumotlar to'plami hosil bo'ladi[18,19]. Bu turdagi ma'lumotlar obyektlar holatini ham makon ham zamonda bir paytning o'zida tasavvur qilish va taqqoslash imkonini beradi.

Masalani mazmun-mohiyati, klassifikatsiyalashdan maqsadga qarab ko'rsatkichlar bo'yicha to'plangan ma'lumotlar asosida obyektlar to'plami turli usullarda klassifikatsiya qilinadi[20-23].

Klassifikatsiyalash (guruhlash) obyektini biror – bir tomonini ifodalovchi ko'rsatkichning qiymatlari asosida guruhlariga ajratish va ularga nom berishdan iborat. Bunday usulda miqdoriy ko'rsatkichlardan sifat ko'rsatkichlariga o'tiladi, ya'ni obyektini holati masalan, yomon, o'rtacha, yaxshi klasslarga ajratiladi.

Buning uchun obyektini ifodalovchi ko'rsatkichning qiymatlaridan tuzilgan variatsion qator diskret statsionar qator bo'ladimi yoki vaqtli qator bo'ladimi ma'lumotlar uch oraliq: obyektini yomon, o'rtacha, yaxshi holatlarini ifodalovchi oraliqlarga taqsimlanadi va ko'rsatkichning o'rtacha qiymati hisoblanadi.

So'ngra hisoblangan o'rtacha qiymat qaysi oraliqda ekanligi aniqlanib, o'rtacha qiymat tushgan oraliq o'rtacha oraliq deb olinadi. Ko'rsatkichning qiymati o'rtacha oraliq(iII guruh)ga tushgan obyektlarning holati "o'rtacha" (rangi sariq, shartli belgisi BB) deb olinadi. O'rtacha oraliqdan keyingi oraliq(iII guruh)ga tushgan obyektlarning holati "yaxshi" (rangi yashil, shartli belgisi AA), o'rtacha oraliqdan oldingi oraliq(i guruh)ga tushgan obyektlarning holati "yomon" (rangi pushti, belgisi CC) deb olinadi (ranglarga shartli belgilarni kiritilishining sababi, natija qog'ozga chiqarilganda ranglarni ajratib olish uchun).

Yana shunday holatlar ham bo'lishi mumkin, ko'rsatkichning o'rtacha qiymati I yoki III guruhga tushishi mumkin. Bunday holatlarda, ya'ni o'rtacha I guruhga tushganda ko'rsatkichining qiymati o'rtachadan kichik bo'lgan obyektlar holati "juda yomon"(rangi qizil, shartli belgisi DD), shu guruhning o'zida ko'rsatkichining qiymati o'rtachaga teng va undan katta

bo'lgan obyektlar holati "yomon", II guruhga tushgan obyektlar holati "o'rtacha" va III guruhga tushgan obyektlar holati "yaxshi" deb baholanadi. Ko'rsatkichning o'rtacha qiymati III guruhga tushganda ko'rsatkichining qiymati o'rtachadan katta bo'lgan obyektlar holati "juda yaxshi" (rangi ko'k, shartli belgisi EE) shu guruhning o'zida ko'rsatkichning qiymati o'rtachaga teng va undan kichik bo'lgan obyektlar holati "yaxshi", II guruhga tushgan obyektlar holati "o'rtacha" va I guruhga tushgan obyektlar holati "yomon" deb baholanadi.

Shu tariqa obyektlar o'rganilayotgan ko'rsatkichning sifat tomoni bo'yicha klassifikatsiya qilinadi. Klassifikatsiyalash natijalari birinchidan obyektning, o'rganilayotgan ko'rsatkich bo'yicha holatini vaqt bo'yicha o'zgarishini ko'rsatsa, ikkinchi tomondan boshqa obyektlar holati bilan taqqoslash imkonini beradi.

O'zbekiston respublikasi YaIMda va viloyatlar YaHMda biznesning ulushi ko'rsatkichi ma'lumotlari bo'yicha klassifikatsiyalashni amalga oshirish uchun dasturlashning "Python" tilida "KLASSIFIKATOR BIZNES" deb nomlangan paket dasturi yaratildi [24-27]. Paket dastur ikkita qismdan iborat: birinchisi KLASSIFIKATOR BIZNES dasturi, ikkinchisi EXCEL fayldagi ma'lumotlar – hududlar YaHMda biznesni ulushining yillar bo'yicha qiymatlari (foizlarda).

Dasturdan foydalanish uchun hududlar YaHMda biznesning ulushi ko'rsatkichini zamon (oy, chorak, yil) yoki makon (hududlar) bo'yicha qiymatlari EXCEL dasturida jadval ko'rinishida tayyorlanadi. EXCEL dasturida ma'lumotlar ikkita listga (Sheet1, Sheet2) yoziladi. "Sheet1" list (1-rasm)da obyektlar va uning ko'rsatkichlari haqidagi ma'lumotlar, "Sheet2" list (2-rasm)da yechilayotgan masalaning nomi yoziladi.


O'zbekiston Respublikasi YaIMda va viloyatlar YaHMda biznesning ulushi ko'rsatkichi bo'yicha 10 yillik (2013-2022 yillar) ma'lumotlari asosida klassifikatsiyalab ko'ramiz. O'zbekiston Respublikasi YaIMda va viloyatlar YaHMda biznesning ulushi ko'rsatkichi ma'lumotlari Sheet1 listda tayyorlanadi (1- rasm) va qo'yilayotgan masalani nomi Sheet2 listga yoziladi (2-rasm).

So'ngra "KLASSIFIKATOR BIZNES" papkasini yuklab (3-rasm) "Klassifikator Python" exe faylga – dasturga kiriladi(4-rasm) va "EXCEL FAYLNI YUKLASH" tugmachasi bosiladi, natijada obyektlarning ma'lumotlari joylashgan EXCEL faylning nomi chiqadi (5-rasm).


Ob'ektlar	2013yil	2014yil	2015yil	2016yil	2017yil	2018yil	2019yil	2020yil	2021yil	2022yil
O'zbekiston Respublikasi	55,8	56,1	62,9	64,9	63,4	60,4	55,3	54,8	54,1	51,8
Qoraqalpog'iston Respublikasi	64,0	64,5	66,6	61,1	55,7	55,2	56,6	58,3	56,3	56,6
Andijon	54,7	56,3	57,0	57,5	59,4	78,2	83,1	79,6	72,3	69,7
Buxoro	64,1	65,7	65,5	66,8	67,0	76,9	78,4	79,0	80,3	74,5
Jizzax	77,3	79,8	79,2	79,9	79,9	82,5	83,4	84,3	85,3	83,2
Qashqadaryo	55,0	56,2	51,4	51,4	51,5	61,3	64,9	64,9	63,7	70,9
Navoiy	34,4	35,9	35,7	36,1	36,9	49,0	48,8	47,8	41,0	31,0
Namangan	76,0	78,7	78,4	79,5	79,7	77,6	78,7	79,6	80,0	76,0
Samarqand	73,6	76,2	75,9	77,1	77,4	80,0	80,1	81,5	80,3	75,4
Surxondaryo	71,7	73,8	73,7	74,1	74,5	76,7	78,0	78,5	80,0	78,8
Sirdaryo	77,4	79,8	66,7	67,3	67,7	74,1	74,4	76,4	76,5	69,9
Toshkent viloyati	54,7	57,2	54,6	55,3	56,2	65,7	66,2	63,3	57,7	51,6
Farg'ona	59,5	61,2	60,3	61,1	62,1	70,8	72,6	70,3	70,7	69,4
Xorazm	71,8	74,1	73,5	73,8	73,9	76,3	78,2	78,0	77,8	76,6
Toshkent sh.	54,6	55,9	60,0	63,7	63,9	65,1	53,3	51,5	48,8	46,8

1-rasm. O'zbekiston Respublikasi YaIMda va viloyatlar YaHMda biznesning ulushi qiymatlari,%¹


¹O'zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo'mitasi ma'lumotlari asosida muallif hisob kitoblari



2-rasm. Masala nomi: Respublika (Viloyatlar) YaIM(YaHM) da biznesni ulushi bo'yicha 2013-2022yil ma'lumotlari asosida ularni klassifikatsiyalash, %




3-rasm. Klassifikator Python dasturiga murojaat qilish oynasi



4-rasm. Klassifikator Python dasturi oynasi

So'ngra tadqiq qilinayotgan obyektga mos fayl nomiga sichqonchani bosib fayl yuklanadi va "Открыть" tugmachasi bosiladi (5-rasm).



5-rasm. Obyektga mos faylni yuklash

Bu bilan "Klassifikator Python" dasturi ishga tushib, Respublika (Viloyatlar) YaIM(YaHM) da biznesni ulushi bo'yicha 2013-2022yil ma'lumotlari asosida Respublika va viloyatlarning 10 yil davomidagi holati klassifikatsiyalanadi va natijaviy jadval hosil bo'ladi (6-rasm). Natijaviy jadvalning yuqori qatorida qo'yilgan masalaning nomi, ikkinchi qatorida 5 ta klassning nomi, rangi va shartli belgisi chiqadi. Masalan, to'rtinchi klass: nomi "yaxshi", rangi "ko'k" va shartli belgisi "AA".

XULOSA VA TAKLIFLAR

Natijani tahlil qilinadigan bo'lsak, O'zbekiston respublikasi bo'yicha YaIMda biznesning ulushi (foiz hisobida) 2013 yildan 2018 yilgacha "o'rtacha" darajada bo'lib, 2019 - 2021 yillarda esa "yomon" holatga tushib qolgan, 2022 yilga kelib yana "o'rtacha" darajaga ko'tarilgan. Buxoro, Jizzax, Namangan, Samarqand, Surxondaryo, Sirdaryo va Xorazm viloyatlari o'rganilgan 2013-2022 yillar davomida "yaxshi" darajada, Navoiy viloyati esa aksincha shu yillar davomida "yomon" holatda bo'lgan, Toshkent viloyati doimo "o'rtacha" darajada, Toshkent shahri 2018 yilgacha "o'rtacha" darajada bo'lib, 2022 yilga kelib "yomon" holatga tushib qolgan va x.k.

Respublika (Viloyatlar) YaIM(YaHM) da biznesni ulshini 2013-2022yillar uchun klassifikatsiyasi, %										
	JUDA YOMON - DD	YOMON - CC	O'RTA - BB	YAXSHI - AA	JUDA YAXSHI - EE					
Ob'ektlar	2013yil	2014yil	2015yil	2016yil	2017yil	2018yil	2019yil	2020yil	2021yil	2022yil
O'zbekiston Respublikasi	55.8 - BB	56.1 - BB	62.9 - BB	64.9 - BB	63.4 - BB	60.4 - BB	55.3 - CC	54.8 - CC	54.1 - CC	51.8 - BB
Qashqadaryo Respublikasi	64.0 - AA	64.5 - BB	66.6 - AA	61.1 - BB	55.7 - BB	55.2 - CC	56.6 - CC	58.3 - CC	56.3 - BB	56.6 - BB
Andijon	54.7 - BB	56.3 - BB	57.0 - BB	57.5 - BB	59.4 - BB	78.2 - AA	83.1 - AA	79.6 - AA	72.3 - AA	69.7 - AA
Buxoro	64.1 - AA	65.7 - AA	65.5 - AA	66.8 - AA	67.0 - AA	76.9 - AA	78.4 - AA	79.0 - AA	80.3 - AA	74.5 - AA
Jizzax	77.3 - AA	79.8 - AA	79.2 - AA	79.9 - AA	79.9 - AA	82.5 - AA	83.4 - AA	84.3 - AA	85.3 - AA	83.2 - AA
Qashqadaryo	55.0 - BB	56.2 - BB	51.4 - BB	51.4 - BB	51.5 - BB	61.3 - BB	64.9 - BB	64.9 - BB	63.7 - BB	70.9 - AA
Navoiy	34.4 - CC	35.9 - CC	35.7 - CC	36.1 - CC	36.9 - CC	49.0 - CC	48.8 - CC	47.8 - CC	41.0 - CC	31.0 - CC
Namangan	76.0 - AA	78.7 - AA	78.4 - AA	79.5 - AA	79.7 - AA	77.6 - AA	79.6 - AA	79.6 - AA	80.0 - AA	76.0 - AA
Samarqand	73.6 - AA	76.2 - AA	75.9 - AA	77.1 - AA	77.4 - AA	80.0 - AA	80.1 - AA	81.5 - AA	80.3 - AA	75.4 - AA
Surxondaryo	71.7 - AA	73.8 - AA	73.7 - AA	74.1 - AA	74.5 - AA	76.7 - AA	78.0 - AA	78.5 - AA	80.0 - AA	78.8 - AA
Sirdaryo	77.4 - AA	79.8 - AA	66.7 - AA	67.3 - AA	67.7 - AA	74.1 - AA	74.4 - AA	76.4 - AA	76.5 - AA	69.9 - AA
Toshkent viloyati	54.7 - BB	57.2 - BB	54.6 - BB	55.3 - BB	56.2 - BB	65.7 - BB	66.2 - BB	63.3 - BB	57.7 - BB	51.6 - BB
Farg'ona	59.5 - BB	61.2 - BB	60.3 - BB	61.1 - BB	62.1 - BB	70.8 - BB	72.6 - AA	70.3 - BB	70.7 - AA	69.4 - AA
Xorazm	71.8 - AA	74.1 - AA	73.5 - AA	73.8 - AA	73.9 - AA	76.3 - AA	78.2 - AA	78.0 - AA	77.8 - AA	76.6 - AA
Toshkent sh.	54.6 - BB	55.9 - BB	60.0 - BB	63.7 - BB	63.9 - BB	65.1 - BB	53.3 - CC	51.5 - CC	48.8 - CC	46.8 - CC

6-rasm. Respublika (Viloyatlar) YaIM(YaHM) da biznesni ulushi bo'yicha 2013-2022yil ma'lumotlari asosida Respublika va viloyatlarning 10 yil davomidagi holatini klassifikatsiyalash natijalari

Olingan natijalar obyektlarni bunday holatlarda bo'lish sabablarini aniqlash, rivojlantirishning optimal variantlarini ishlab chiqishda asos bo'lib xizmat qiladi hamda iqtisodiy obyektlar holatining monitoringini olib borish imkonini yaratadi.

Viloyatlarda YaHMda biznesning ulushining bunday holatda bo'lishining sabablari va unga ta'sir etuvchi omillarning tahlili navbatdagi tadqiqotlarimiz natijalarini chop etish orqali yoritib beriladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. <https://www.worldbank.org/en/topic/sme/finance> ma'lumotlari asosida muallif hisob-kitoblari.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning 2022-yil 28-yanvardagi "2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60 sonli farmoni. <http://lex.uz>
3. M.X. Saidova O'zbekistonda biznes rivojlanish jarayonlarini statistik tahlil qilish usullarini takomillashtirish: Doktorlik dissertatsiyasi avtoreferati. T., 2021.
4. И.Хабибуллаев, Саидова М.Х. Янги Ўзбекистонда бизнесни ривожланиш жараёнларини моделлаштириш ва прогнозлаш. Монография. –Т.: "ИQTISODIYOT", 2021. - 140 б.
5. Statistika: darslik// Shodiyev X., Xabibullayev I. – T.: "IQTISOD-MOLIYA", 2019. 454 b.
6. R.Drogendijk, M.Oscar. Relevant dimensions and contextual weights of distance in international business decisions: Evidence from Spanish and Chinese outward FDI. 2015. International Business Review.24(1).133-147. <https://doi.org/10.1016/j.ibusrev.2014.07.003>.
7. N.Dutta, R.S.Sobel. Entrepreneurship and human capital: The role of financial development. International Review of Economics and Finance. 2018. doi: 10.1016/j.iref.2018.01.020.
8. Z.Greenberg, Y.Farjab, E.Gimmon. Embeddedness and growth of small nbusinesses in rural regions.2018.
9. Гулямов С.С. Моделирование социально-экономического развития территориально-промышленных комплексов. Т.: Фан, 1980. 194 с.;
10. Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): Дис.док.экон.наук. Т., 1988.380 с.;
11. Беркинов Б.Б. Моделирование систем ведение сельского хозяйства. Т.: Фан, 1991.;
12. Begalov B.A. Axborot kommunikasiyalar bozorining shakllanishi va rivojlanish tendensiyalarini ekonometrik modellashtirish: Iqt.fan.dok.diss. T.: TDIU,2001. 330 b.;
13. G'oyibnazarov B.K. Aholi turmush darajasini statistik baholash. – T.: FAN, 2006. 125 b.;
14. Xodiev B.Yu. O'zbekiston iqtisodiyotida tadbirkorlik rivojini ekonometrik modellashtirish: Doktorlik dissertatsiyasi avtoreferati. T., 2000.;
15. Salaev S.K. Kichik biznes rivojlanish tendensiyalarini modellashtirish va bashoratlash: Doktorlik dissertatsiyasi avtoreferati.T., 2008.;
16. Djalilov X. Iste'mol sarflari va YaIM o'rtasidagi bog'lanishning statistik tadqiqot usullarini takomillashtirish (MHTasosida): Doktorlik dissertatsiyasi avtoreferati.
17. Xodiev B.Yu. O'zbekiston iqtisodiyotida tadbirkorlik rivojini ekonometrik modellashtirish: Doktorlik dissertatsiyasi avtoreferati. T., 2000.;
18. Мангус Я.Р., Катышев П.К., Пересецкий А.А. Эконометрика. Начальнқй курс: Учеб. -6-е изд., -М.: Дело, 2004. -576с.
19. Habibullayev I.H. Ekonometrika 2: ekonometrik modellashtirish. Darslik. –Т. "Taxririyl Nashriyot". 2022.-250 b.
20. Lombacher, Jakob, et al. "Potential of radar for static object classification using deep learning methods." 2016 IEEE MTT-S International Conference on Microwaves for Intelligent Mobility (ICMIM). IEEE, 2016.

21. Kharitonov, A. A., Natalia V. Ershova, and Sergei S. Vikin. "The improvement of conceptual and categorical framework for the classification of objects of cadastral registration." IOP conference series: earth and environmental science. Vol. 272. No. 2. IOP Publishing, 2019.
22. Druzhkov Pavel Nikolaevich and Valentina Dmitrievna Kustikova. "A survey of deep learning methods and software tools for image classification and object detection." Pattern Recognition and Image Analysis 26 (2016): 9-15.
23. Безрукова, Татьяна Львовна, and Игорь Игоревич Шанин. "Классификация показателей оценки эффективности экономической деятельности промышленного предприятия." Общество: политика, экономика, право 1 (2012): 73-80.
24. Eric Matthes. Python Crash Course Paperback. England 2015. 205p.
25. Krishna Rungta. Learn Python in 1 Day: Complete Python Guide with Examples. India 2016. -182 p.
26. Сысоева М.В., Сысоев И. В. Программирование для «нормальных» с нуля на языке Python Москва. 2018. -180с.
27. Федоров Д. Ю. Основы программирования на примере языка Python. Санкт-Петербург 2018. -167 с.

DEVELOPING LEARNERS' COMMUNICATIVE COMPETENCE THROUGH CONTENT AND LANGUAGE INTEGRATED LEARNING

Tashmatova Gulnara Rafailovna
PhD student of Fergana state university
Email: gulnara.baratbaeva@mail.ru
Tel: +998916567107

ABSTRACT

This article explores Content and Language Integrated Learning (CLIL) as a pedagogical method for enhancing learners' communicative competence. It discusses CLIL's theoretical underpinnings, practical applications, and empirical evidence supporting its effectiveness in fostering language proficiency and academic achievement, emphasizing its relevance in a globalized world.

АННОТАЦИЯ

В этой статье исследуется предметно-языковое интегрированное обучение (CLIL) как педагогический метод повышения коммуникативной компетентности учащихся. В нем обсуждаются теоретические основы CLIL, практические применения и эмпирические данные, подтверждающие его эффективность в повышении уровня владения языком и академических достижений, подчеркивая его актуальность в глобализированном мире.

ANNOTATSIYA

Ushbu maqola fan va tilni integratsiyalashgan usulda o'rganish (CLIL) metodologiyasi o'quvchilarning kommunikativ kompetensiyasini oshirishning pedagogik usuli sifatida o'rganiladi. Unda CLIL ning nazariy asoslari, amaliy qo'llanilishi va uning tilni bilish va akademik yutuqlarni oshirishdagi samaradorligini tasdiqlovchi empirik dalillar muhokama qilinadi va uning globallashtirgan dunyoda dolzarbligi ta'kidlanadi.

Key words: Content and Language Integrated Learning (CLIL), Coyle's 4C framework, subject content, cognition, communication, culture, scaffolding, bilingualism, integration, integrativity, cooperation, professional competence, authentic materials, cooperative learning, interaction.

Ключевые слова: интегрированное обучение по содержанию и языку (CLIL), система 4С Койла, предметное содержание, познание, общение, культура, языковая поддержка, билингвизм, интеграция, интегративность, сотрудничество, профессиональная компетентность, аутентичные материалы, совместное обучение, взаимодействие.

Kalit so'zlar: Content and Language Integrated Learning (CLIL), Koylning 4C sistemasi, fan mazmuni, idrok, muloqot, madaniyat, ikki tillilik, integratsiya, integratsiya, hamkorlik, kasbiy kompetensiya, haqiqiy materiallar, hamkorlikda o'rganish, o'zaro ta'sir.

INTRODUCTION

The modern professional community in the context of globalization and internationalization requires the development of professional foreign language communication skills necessary for establishing professional and business communication with other cultures. Consequently, the modern education system is faced with the task of developing an

interdisciplinary methodology for the educational process, including simultaneously teaching a foreign language and professional disciplines.

The development of information and communication technologies and the spread of international relations in various fields have provided some impetus for learning a foreign language. Today, English is not only a global language of communication, but also a tool for teaching subject content in many educational institutions around the world, from secondary schools to higher education institutions. Motivated by better job prospects, students try to learn a foreign language for professional communication.

Learning English in non-English-speaking countries, where little or no knowledge of the target language is known, poses a significant number of problems and barriers for students. Having only two or three English lessons a week does not allow students to develop their language skills and become fluent speakers. In such conditions, the Content and Language Integrated Learning (CLIL) methodology can be a solution to the existing problem, providing students with additional hours of English practice and at the same time creating an authentic language learning environment. Content-Language Integrated Learning (CLIL), in which subject content is taught in a foreign language, is becoming one of the most popular teaching methods worldwide, proving to be a promising field for both teachers and students in their professional and academic lives.

LITERATURE REVIEW

Despite the fact that Content and Language Integrated Learning began to be introduced into education just a few years ago, the origins of this approach to teaching come from the 1960-70s, when various types of integrated learning began to gain popularity, especially in European countries.

Integrated learning is an approach to learning that integrates different subject areas to create a more holistic and meaningful learning experience.

One of the major benefits of integrated learning is its ability to engage students in meaningful and relevant learning experiences. By connecting different subjects and topics, students can see how the concepts they learn in one area apply to others, making learning more meaningful and memorable. Research has shown that integrated learning can also improve students' critical thinking, problem-solving, and collaboration skills, which are essential for success in the 21st century workforce (National Research Council, 2012).

Despite these benefits, implementing integrated learning can be challenging for educators. One of the main challenges is to ensure that each subject or discipline is given equal importance in the curriculum (Hart Research Associates, 2018). Another challenge is the need for collaboration and communication among teachers who may have different perspectives, pedagogical approaches, and levels of knowledge in different areas (Jacobs, H. H., 1989).

Integrated learning has a long history and has evolved over time to take different forms.

Despite the abundance of bilingual programs, the technology of Content and Language Integrated Learning remains one of the most widespread not only in Europe, but also in Asia, the CIS and the Middle East.

Content and Language Integrated Learning is an innovative approach to bilingual education, involving the simultaneous study of a foreign language and the content of a professional discipline (Coyle et al, 2010, p. 184; Marsh, 2001, p. 233). This is an approach to teaching and learning a foreign language in which the foreign language is used both as the main language of instruction and as a language for conveying the content of subjects such as history, geography, biology and others. Coined by David Marsh (1994) during his work at the European Commission in the 1990s, the term CLIL is proposed to refer to "situations where subjects or parts of subjects are taught in a foreign language for the dual purpose of learning the content and learning the foreign language at the same time" (Marenzi et al., pp. 200-209). Marsh's work

has emphasized the need to emphasize both language and content, as well as the importance of teacher preparation and curriculum development (Marsh, 2002).

The development of communicative competence is a central goal in teaching a foreign language. Many researchers have studied the effects of different approaches on developing this key skill. Content and language integrated learning (CLIL), task-based language teaching (TBLT) and communicative language teaching (CLT) are among the most widely studied approaches in this regard. All these approaches play an important role in the development of communicative competence and are distinguished by the fact that Content and language integrated learning does not focus on the development of this competence, while the main focus of communicative language teaching is the development of students' communication skills through various exercises, and language teaching is based on tasks, in turn, aims to develop language skills through completing tasks.

CLIL programs have consistently had a positive impact on students' language proficiency and communication abilities (Lasagabaster & Sierra, 2010; Mehisto, Marsh, & Frigols, 2008). Several studies have reported improvements in students' oral and written language skills, as well as their overall language proficiency (Dalton-Puffer, 2007; Coyle, Hood, & Marsh, 2010). For example, Lasagabaster and Sierra (2010) found that CLIL students outperformed their peers in traditional language programs in terms of vocabulary, grammatical accuracy, and overall oral language proficiency. Similarly, Mehisto et al. (2008) conducted a meta-analysis of CLIL studies and concluded that CLIL has a positive effect on students' communicative competence, leading to higher language proficiency. These results highlight the effectiveness of CLIL in developing students' communicative competence and support its integration into language teaching programs.

One study on this topic was also conducted by Senoz and Gorter (2011), who examined the effects of CLIL on the communicative competence of Spanish-speaking Basque language students. The results showed that CLIL had a positive impact on both oral and written communication competence, as well as vocabulary acquisition.

Similarly, another research paper (Llinares and Whittaker, 2013) examined the effects of this approach on the communicative competence of English-speaking Spanish learners. The researchers found that using an integrated approach helped improve students' ability to use language in communicative contexts, as well as their motivation to learn the language.

A more recent study by Lasagabaster and Sierra (2019) examined the effects of CLIL on the communicative competence of Basque-speaking English learners. The results showed that this type of training had a positive impact on both receptive and productive skills, and that students who participated in CLIL programs performed better than those who did not.

However, not all research studies have found a positive relationship between CLIL and communicative competence. For example, a study conducted in Holland (De Graaff et al., 2014) focused on comparing the communicative competence of Dutch speakers and English language learners in a CLIL program with those in a traditional learning environment. The study found that there was no significant difference between the two groups in terms of communication competence.

A subsequent study (Mehisto et al., 2015) found that the effects of Content and Language Integrated Learning on communicative competence varied depending on the specific context in which it was applied. They argued that factors such as the quality of instruction, the level of student preparation, and of Content and Language Integrated Learning program may influence the relationship between the approach and communicative competence.

RESEARCH METHODOLOGY

The study used a number of methods to ensure adequate research of CLIL influence on developing students' communicative competence: theoretical (comparative, synthetic and

analytical comparison, analogy), diagnostic (surveys, testing and pedagogical observation), predictive (expert assessment, final assessment) and pedagogical experiment.

For pedagogical experiment we conducted several lessons that focused on the following methods and strategies of CLIL:

Cooperative learning

Cooperative learning methods encourage students to work together in small groups to achieve common goals. In CLIL, co-curricular activities improve communication skills by providing opportunities for negotiation, collaboration and interaction with fellow students. Group discussions, problem-solving tasks, and project-based learning activities promote the use of target language in meaningful contexts, encouraging students to practice and develop their communicative competence.

The practical implementation of cooperative learning in a CLIL class at universities can be organized in the following way:

Group formation. Students may be divided into small groups of 3-5 to ensure a mix of language proficiency and content knowledge levels. This diverse group composition allows for peer interaction and support while creating a collaborative learning environment (Johnson, Johnson, & Holubec, 2013). For example, in an engineering course, groups may consist of students from different engineering backgrounds, which encourages collaboration and knowledge sharing.

Clear roles and responsibilities. Specific roles must be assigned to each team member to ensure equal participation and accountability. Roles may include facilitator, recorder, time recorder, and speaker (Slavin, 2014). It is important to clearly define the responsibilities of each role and rotate them periodically to provide students with a variety of learning opportunities and experiences.

Structured tasks. Creating structured tasks that require collaboration, problem solving, and use of the target language is an effective way to develop students' communication skills. These tasks should be related to the content being taught and promote active interaction and communication within the group (Kagan, 1994). For example, in a sociology class, students can work together to analyze case studies, discuss social issues, and propose solutions or recommendations.

Positive interdependence. Positive interdependence among group members can be promoted by structuring tasks that require cooperation and shared responsibility (Slavin, 2014). In this case, the success of each member is related to the success of the entire group and students will try to help each other to achieve success. For example, in a biology course, students might work together to conduct a group experiment in which each participant contributes to data collection, analysis, and presentation of the results.

Teachers can also include activities such as *think-pair-share*, *jigsaw activities*, *peer tutoring*, *reciprocal teaching*, and various puzzles (Kagan, 1994) that teach students specific cooperative learning strategies to improve their interaction and communication skills. These methods encourage students to actively engage with content and support each other's learning.

Additionally, to provide additional opportunities to practice communication skills, it is important for teachers to provide time for group reflection and self-assessment. At the end of the cooperative learning activity, students can discuss their experiences, share ideas, and evaluate their group's work (Johnson, Johnson, & Holubec, 2013). This reflection helps students recognize their strengths, areas for improvement, and the value of cooperative learning to improve their communicative skills.

Using authentic materials and real-life tasks.

The use of authentic materials such as newspapers, articles, videos and real-life assignments plays an important role in developing communication skills in CLIL. Authentic materials introduce students to the use of natural language, cultural references, and real-world

contexts. Activities based on these materials encourage students to communicate meaningfully, express opinions, and discuss meaning, thereby increasing their communicative competence.

Incorporating authentic materials and real-world challenges into CLIL classes enriches the learning experience by making it more relevant, engaging and meaningful for students. These examples demonstrate how language and content can be easily integrated to develop communication skills while deepening content knowledge in practical and authentic ways.

Scaffolding

Providing scaffolding (language support strategies) is essential for developing communication skills in CLIL classrooms. Very often, students studying subject content in a non-native language have more theoretical knowledge and, finding it difficult to express their opinions, are unable to demonstrate their knowledge in class. In this case, teachers can support language learning by using visual aids, graphic organizers, sentence frames, and vocabulary exercises. These strategies help students understand subject matter and express ideas effectively, even when they encounter language problems. By providing language support, teachers contribute to the development of communicative competence in CLIL settings.

ANALYSIS AND RESULTS

In our research, we analyzed several universities for the availability of subjects taught in English, the specifics of teaching, the development of educational materials and their content, as well as the preparedness of teachers to teach subject content in English. We found that due to the lack of teaching staff who could teach their subject in English, as well as the inadequate level of English proficiency of students, a significant number of universities are not able to introduce teaching of subject content in English. However, this is only part of the reasons that hinder the implementation of CLIL in teaching. Based on the results of interviews, questionnaires and observations of lessons of teachers using CLIL technology, the following main problems can be identified that serve as a certain barrier to the successful integration of this approach in teaching in higher education institutions:

Insufficient foreign language proficiency of subject teachers. Implementing CLIL requires teachers who are proficient in both the target language and the content they teach. However, there is an acute shortage of qualified teachers with the necessary language skills in our country. The teachers we had the opportunity to interview admit that they feel hesitant to start teaching their subject in English, despite having a sufficient level of proficiency (level B2). They also note that, despite incentives from the state in the form of salary bonuses for teachers with knowledge of a foreign language, they do not have enough confidence to change the language of teaching, referring to the lack of confidence in their language literacy.

Choosing a teaching strategy. A key requirement of CLIL is that teachers integrate foreign language development strategies with subject-specific teaching methods. Inexperienced CLIL teachers may lack the necessary training and experience to effectively integrate language instruction into their subject lessons. In interviews, some CLIL teachers noted that they sometimes lack a ready-made strategy for planning their lessons, because teaching subject content in English is not just about translating into English what they previously taught in Uzbek or Russian. This requires the choice of a specific integration methodology, where it is necessary to take into account the explanation of terminology at the beginning of the lesson, simplification of the content of the taught material depending on the language level of the students, the creation of various exercises, etc.

Differentiated instruction. Even in regular classrooms, teachers have to work with students at different levels of knowledge. When it comes to teaching through CLIL, teachers are faced with the problem of differentiated instruction, where they have to adapt their lesson to the students' foreign language proficiency level. This requires adapting instructional materials, providing additional language support, and implementing strategies to effectively engage all students. Without the necessary language skills and strategies, teachers may find it difficult to

explain topics and meet the diverse needs of their students. During the conversation, CLIL teachers noted that due to the different levels of English language proficiency of students, they have to explain the prepared material several times, as well as divide students into groups and give different tasks, which, in turn, takes more time and requires more effort.

Limited resources. CLIL integration requires sufficient resources, including textbooks, multimedia materials and technology tools. In some cases, access to relevant resources in the target language may be limited. Lack of resources may hinder the implementation of CLIL and limit the variety of teaching materials available to teachers. CLIL teachers report that they face difficulties in developing teaching materials, finding suitable resources and planning lessons. Also, some teachers admit that they initially taught their subject in English without having a clear template for effectively planning their lesson, which made them doubt the correctness of their teaching.

Imperfections of the curriculum and syllabus. CLIL integration requires adapting the existing curriculum to include language learning objectives and content from other disciplines. Developing appropriate materials, textbooks and resources that are consistent with the CLIL approach can take a lot of time and resources. It can be difficult to create a curriculum that effectively combines language development and content learning. Analyzing the curricula developed at some universities, we can say that the integration of CLIL into curricula is quite limited. The introduction of CLIL into curriculum on a wider scale in Uzbekistan is still in its early stages. The lack of clear requirements and guidelines for the implementation of CLIL at the national level hinders its integration into existing subject curricula.

DISCUSSION

It is worth noting that the lack of a systematic and standardized approach to incorporating CLIL into the curriculum may lead to inconsistency and fragmentation across different educational institutions, which was mentioned in Coyle's research (1999).

One of the main disadvantages of CLIL is that it assumes that students already have a certain level of language proficiency. Students who are not proficient in the target language may have difficulty understanding the content being taught, which can lead to frustration and alienation. Research shows (Nikula and Dafouz, 2018) that CLIL students with lower language proficiency had difficulty keeping up with the pace of the lesson and were less motivated to participate, which was also found through observation in our research.

Another challenge revealed in several studies is the need for highly qualified teachers who are proficient in both the target language and the subject area (Lasagabaster & Sierra, 2010). The study by Cenoz & Gorter (2011) revealed that a major challenge is potential problems with teachers' language proficiency, where teachers may not be proficient enough in the language of instruction to teach the subject effectively. This can lead to inaccurate or incomplete explanations of content, which can lead to student misunderstandings (Hüttner & Smit, 2014). Teachers who lack the necessary language or content knowledge may find it difficult to teach effectively in a CLIL context, resulting in poor teaching quality and student dissatisfaction.

Another problem faced by teachers using CLIL is the lack of teaching materials, which sometimes forces teachers to spend a large amount of time creating exercises and assignments for students. Turaev's study, "Integration of Language and Content into the Curriculum in Uzbekistan: Teachers' Perceptions" (2018), examined teachers' attitudes towards the integration of English language and content in teaching disciplines. The results were similar to our research and showed that teachers have positive attitudes toward language and content integration, but face challenges in its implementation due to lack of resources and training. Fazilat Nurmukhamedova's study "Integration of language and culture in English textbooks in Uzbekistan: content analysis" (2019) revealed the problem of the degree of integration of language and culture in English textbooks used in Uzbekistan. The results showed that language and culture were not fully integrated and pointed to the need for more culturally authentic materials.

CONCLUSION

In conclusion, although CLIL can be an effective teaching approach and has many advantages for language learning and content teaching, there are also potential disadvantages that need to be considered. Addressing these issues may require careful planning and implementation, as well as ongoing evaluation and adjustment of teaching methods. Despite the above criticisms, CLIL remains a popular approach to language and content learning in many countries around the world, and current research is exploring how best to implement and evaluate this approach in various educational contexts.

A literature review and practical analysis of the current state of CLIL at universities as well as its influence on communicative skills suggests that CLIL is a powerful pedagogical approach for developing students' communicative competence. Its interdisciplinary nature, emphasis on authentic language use, and integration of content and language instruction contribute to more effective language learning outcomes. As CLIL continues to gain acceptance and implementation in educational settings, further research is needed to examine its long-term effects and identify best practices for its successful integration into various educational contexts.

REFERENCES

1. Cenoz, J., & Gorter, D. (2011). A holistic approach to multilingual education: Introduction. In J. Cenoz & D. Gorter (Eds.), *Language and Education in Multilingual Settings* (pp. 1-10). Multilingual Matters.
2. Coyle, D., Hood, P., & Marsh, D. (2010). *CLIL: Content and language integrated learning*. Cambridge University Press.
3. Dalton-Puffer, C. (2007). *Discourse in content and language integrated learning (CLIL) classrooms*. John Benjamins Publishing.
4. Hart Research Associates. (2018). *Fulfilling the American promise: Higher education leaders prioritize diversity, equity, and inclusion*. Association of American Colleges and Universities.
5. Hüttner, J., & Smit, U. (2014). The advantages and disadvantages of CLIL: Instructional implications. In *Content-based language learning in multilingual educational environments* (pp. 7-25). Multilingual Matters.
6. Jacobs, H. H. (1989). *Interdisciplinary curriculum: Design and implementation*. Association for Supervision and Curriculum Development.
7. Johnson, D. W., Johnson, R. T., & Holubec, E. J. (2013). *Cooperation in the classroom. Interdependence and conflict*. Interaction Book Company.
8. Kagan, S. (1994). *Cooperative learning*. San Clemente, CA: Kagan Publishing.
9. Lasagabaster, D., & Sierra, J. M. (2010). Immersion and CLIL in English: More differences than similarities.
10. Lasagabaster, D., & Sierra, J. M. (2019). The effect of Content and Language Integrated Learning on receptive and productive skills: A longitudinal study. *System*, 82, 65-76.
11. Llinares, A., & Whittaker, R. (2013). The impact of Content and Language Integrated Learning on student attitudes and performance. *Language Learning Journal*, 41(4), 521-535.
12. Marsh, D. (2002). CLIL/EMILE-The European Dimension: Actions, Trends, and Foresight Potential. *The International Journal of Bilingual Education and Bilingualism*, 5(3-4), 151-166.
13. Marenzi, I., Kupetz, R., Nejd, W., & Zerr, S. (2010). Supporting active learning in CLIL through collaborative search. In *Advances in Web-Based Learning-ICWL 2010* (pp. 200-209). Springer Berlin Heidelberg.
14. Mehisto, P., Marsh, D., & Frigols, M. J. (2015). *Uncovering CLIL: Content and Language Integrated Learning in bilingual and multilingual education*. Macmillan International Higher Education.

15. Nikula, T., & Dafouz, E. (2018). Content and language integrated learning: Introduction. In T. Nikula & E. Dafouz (Eds.), *The Routledge Handbook of English for Academic Purposes* (pp. 297-302). Routledge.
16. Nurmukhamedova, F. (2019). Integrating Language and Culture in EFL Textbooks in Uzbekistan: A Content Analysis. *Central Asian Journal of Education Research*, 4, 16-25.
17. Slavin, R. E. (2014). Cooperative learning and academic achievement: Why does groupwork work? *Anales de Psicología*, 30(3), 785–791.
18. Turaev, M. (2018). The Integration of Language and Content in Uzbekistan's EFL Curriculum: Teacher Perceptions. *Uzbekistan Journal of Educational Research*, 22(2), 109-122.

**TIBBIYOT XODIMLARI FAOLIYATIDA ILMIY MATERIALLAR BILAN ISHLASHNI
RAG’BATLANTIRISH****Turayev Bobur Botir o’g’li****Toshkent Pediatriya Tibbiyot Instituti klinikasi, bolalar kardiojarrohi****Tbb1991@mail.ru, +998977038777**

Maqola annotatsiyasi. Yurtimiz shifokorlari orasida ilmiy materiallar bilan ishlash va ilmiy maqolalar yozish, rivojlangan davlatlar tibbiyot vakillari bilan solishtirganda, bir muncha orqada. Buni rivojlantirish uchun esa shifokorlarda talabalik davridan boshlab ilmiy materiallar bilan ishlash ko’nikmalarini shakllantirish, ilmiy tadqiqot o’tkazish uchun yetarli sharoit yaratib berish, shifokorlarga ilmiy faoliyat uchun vaqt va moliyaviy rag’bat berish, ilmiy assotsiatsiyalar faoliyatini tubdan isloh etish kabi usullardan foydalanish mumkin.

Kalit so’zlar: tibbiyot, ilmiy faoliyat, ilmiy tadqiqot, ilmiy assotsiatsiyalar

Kirish. Bugungi kunda yurtimiz tom ma’noda rivojlanish va reformalar o’chog’i bo’lib qoldi. Bu nafaqat mahalliy ekspertlar, balki xalqaro mutaxassislar tomonidan ham e’tirof etilmoqda. Reformalar asosini tashkil qilgan – “2017-2021-yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi bo’yicha harakatlar strategiyasi” doirasida o’tgan davr mobaynida davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan isloh etishga qaratilgan 300 ga yaqin qonun, 4 mingdan ziyod O’zbekiston Respublikasi Prezidenti qarorlari qabul qilindi. Bularning salmoqli qismi sog’liqni saqlash tizimini isloh qilish va rivojlantirishga qaratilgan bo’lib, soha o’tgan yillar davomida sezilarli taraqqiy etdi. Bugungi kunda ham, sog’liqni saqlash tizimini rivojlantirishga berilayotgan e’tibor susaygani yo’q. Buni isboti sifatida, 2022 — 2026-yillarga mo’ljallangan yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasidagi belgilab berilgan maqsadlarning 10 dan ortig’i aynan tibbiyotga tegishli ekanini ko’rsatish mumkin [1].

Tibbiyot izchil rivojlanadigan soha bo’lib, bemorlarni tashxislash va davolash usullari yildan yilga o’zgarib, optimallashtirib boradi. Tibbiyot xodimi esa aholiga malakali tibbiy yordam ko’rsata olishi uchun tibbiyot bilan bir qatorda doimo taraqqiy etishi zarur. Bu uchun ilmiy faoliyat bilan shug’ullanish, so’nggi maqola va tezislarni kuzatib borish, shu bilan birga tibbiyot xodimlarining o’zi ham ilmiy maqola va tezislarni yozish juda muhim.

Afsuski, yurtimiz tibbiyot vakillari orasida ilmiy materiallar bilan ishlash ko’nikmasi, rivojlangan davlatlar shifokorlari bilan solishtirganda sezilarli darajada sust. Misol uchun, mening Buyuk Britaniyadagi ta’limim davomida menga ilmiy rahbarlik qilgan, Londonning Royal Free klinikasi, Aorta bo’limi boshlig’i Dr Tara Mastracci, Google akademiyasidagi profiliga ko’ra, 191 ta maqola muallifi hisoblanadi va uning maqolalariga 6907 marta havola berilgan (h-indeks 39 ga teng), yoki men stajirovka o’tagan Londonning Great Ormond street hospital shifoxonasi, bolalar kardioxirurgiyasi bo’limi boshlig’i Dr Martin Kostolnyni olsak, unda shu paytgacha yozilgan maqolalar soni 118 ta bo’lib, ularga berilgan havolalar soni 1595 ta (h-indeks 25), solishtirish uchun, men faoliyat yuritayotgan ToshPTI klinikasi, kardioxirurgiya bo’limi mudiri, Dr Nodir Ibragimovda maqolalar soni 7 ta bo’lib, unga berilgan havolalar soni 9ta. Bu yurtimizdagi boshqa kardiojarrohlardan bir muncha yuqori ko’rsatkich bo’lib, boshqa ko’pchilik shifokorlar tomonidan umuman bitta ham maqola chop etilmagan.

Afsuski, kuzatishimizcha ilmiy maqolalar asosan tibbiyot oliygohlari professor-o'qituvchilari va ilmiy daraja (PhD, DSc) olish istagidagi izlanuvchilar tomonidan yoziladi va ko'p hollarda yurtimiz ilmiy adabiyotlarida chop etiladi. Asosan amaliyot bilan shug'ullanuvchi shifokorlarda esa yangi ilmiy maqolalar bilan tanishish, ilmiy tadqiqot o'tkazish, maqola yoki tezislar yozish uchun qiziqish ham, motivatsiya ham, xohish va vaqt ham yo'q. Bu esa ularni mutaxassis sifatida yuksalishlarini to'xtatib qo'yadi.

Tahlil. Shifokorlar orasida ilmiy materiallar bilan ishlashni rag'batlantirish uchun, avvalambor shuni bilishligimiz kerakki, ilmiy materiallar bilan ishlash bilim va ko'nikma talab qiladi. Hozirda shifokorlarimizning aksariyatida ilmiy materiallarni topish usullari, ulardan kerakligini ajratib olish ko'nikmasi, ularning qay darajada yozilganini baholash hissi yetarli emas. Ilmiy material yozish uchun esa, ilmiy tadqiqot usullari, ularni amalga oshirish yo'llari, ularda uchrashi mumkin bo'lgan bahslar va xatoliklarni oldini olish yo'llari, statistik tahlilni amalga oshirish va akademik yoza olish qobiliyati zarur. Shu sababdan, shifokorlarimizda materiallar bilan ishlay olish ko'nikmasini shakllantirishimiz kerak. Bu jarayonni talabalik davridan boshlagan ma'qul. Men tahsil olgan universitetimda, ilmiy ishlar metodologiyasi fani bakalavr va magistratura bosqichida o'qitilib, unda yuqoridagi bayon qilingan masalalar bilan bir qatorda, ilmiy ma'lumotlar omborlari (scopus, web of science) bilan ishlash, ilmiy adabiyotlar bilan ishlash va ularga havola berish uchun (EndNote, Zotero) va statistik tahlilni amalga oshirish (SPSS, Jamovi) uchun qo'llaniladigan kompyuter texnologiyalaridan amaliy foyladanish yo'llari o'rgatilgan. Shu kabi fanni tibbiyot oliygohlari talabalariga o'qitilsa foydadan holi bo'lmaydi. Shuningdek, yevropalik talabalar topshiradigan imtihon turlari ichida ilmiy maqolaning tanqidiy tahlili ko'rinishidagi imtihon olish usuli mavjud bo'lib, bunda talabaga bir qancha ilmiy maqola ichidan bittasini tanlab olishga imkon beriladi va uni tanqidiy tahlil qilish so'raladi. Talaba yetuk olimlar tomonidan yozilgan maqolalar bilan tanishib, ularda adabiyotlar to'g'ri tahlil qilinganmi, ilmiy tadqiqot maqsadi va gipotezasi aniq qo'yilganmi, ushbu maqsadni bajarish uchun tekshirish usullari to'g'ri tanlanganmi, maqola yozish davomida bays va xatoliklarga yo'l qo'yilmaganmi, statistik tahlil to'g'ri qilinganmi, tahlil natijalari to'g'ri berilganmi va ulardan to'g'ri xulosa chiqarilganmi kabi savollarga yozma javob berish orqali imtihon topshiradi. Bu orqali ilmiy materiallar bilan ishlash ko'nikmasi shakllanib boradi.

Ilmiy tadqiqot juda katta ikkita guruhga bo'linadi, ulardan biri klinik tadqiqotlar – ya'ni bemorlar yoki sog'lom insonlar bilan o'tkazilgan tadqiqotlar bo'lsa, ikkinchisi pre-klinik tadqiqotlardir. Pre-klinik tadqiqotlarda ilmiy tadqiqot obyekti bo'lib insonlardan ajratib olingan biror to'qima, hayvonlar yoki ularning to'qimalari xizmat qiladi. Bu guruh tadqiqotlarga e'tibor rivojlangan davlatlarda juda kuchli, chunki aynan shu guruh tadqiqotlarda yaqin-yaqinlargacha davosiz hisoblangan kasalliklarni davolash imkoniyatlari, yangi turdagi operatsiyalar kashf qilinadi va sekin astalik bilan amaliyotga tatbiq etiladi. Shuning uchun, har bir yirik tibbiyot muassasalari shunday laboratoriyalar va vivariylar bilan ta'minlangan. Yurtimizda esa bu kabi tadqiqotlarni amalga oshirish imkoniyatlari juda past. Su sababdan, bizning yirik tibbiyot muassasalarida ham yuqori texnologiyalar bilan ta'minlangan laboratoriyalar va vivariylarni tashkil etish masalasiga e'tibor berish vaqti keldi. Shuningdek, ilmiy adabiyotlar bilan ishlashni hozirda raqamli texnologiyalarsiz tasavvur qilib bo'lmaydi. Yetarli tezlikka ega internet bilan ta'minlangan kompyuterlarning barcha tibbiy muassasalarda mavjudligi masalasi birlamchi masalalardan biridir.

Amaliyot shifokorlari ilmiy maqolalar yozishini turli yo'llar bilan rag'batlantirish mumkin. Avstraliyalik olimlar o'tkazgan tadqiqotga ko'ra [2], shifokorlar uchun ilmiy maqolalar yozish asosan karyera masalasi bo'lib, bunda yangi lavozimga tayyorlash yoki ishga olish uchun tuzilgan komissiya qaroriga, o'sha nomzod tomonidan avval yozilgan maqolalar katta ta'sir o'tkazadi. Ya'ni shifokorlar karyerasi uchun ular maqola yozishi juda muhim. Demak, bizda ham ishga olish yoki mansab pog'onalaridan ko'tarilish uchun maqolalar mavjudligi va ularning darajasiga e'tibor qilishni boshlashimiz kerak.

Shifokorlar bilan suhbatda, ularda ilmiy tadqiqot uchun vaqt yetarli emasligi haqida gapirishadi. Darhaqiqat, shifokorlarga berilgan yuklama yuqori ekanligi va ish vaqti faqat bemorlarni davolash uchun ajratilgani hammamizga ma'lum. Shu sababdan, shifokorlar ish vaqtini tartibga solish, ish vaqti davomida bemorlar ko'rigi bilan bir qatorda qo'shimcha faoliyatga ham vaqt ajratib berish kerak. Misol uchun, Buyuk Britaniya milliy sog'liq xizmatlari (National Health Service - NHS) ishlab chiqqan, shifokorlar vaqtini to'g'ri tartibga solish bo'yicha gaydlaynga e'tibor bersak [3], Shifokorlar ish vaqtining $\frac{3}{4}$ qismi to'g'ri-to'g'ri amaliy tibbiy xizmatga, (ya'ni bemorlar ko'rigi, bemorlar tashxisoti bilan mashg'ul bo'lish, bemorlarni davolash, jarrohlik amaliyotlari, jarrohlikdan avvalgi bemorni tayyorlash va jarrohlikdan keyingi nazorat, bo'limdagi bemorlar xususida bo'lim xodimlari bilan yig'ilishlar o'tkazish, navbatchilikda va shoshilinch postda qolish va boshqalar) ajratilsa, ish vaqtining $\frac{1}{4}$ qismi qo'shimcha faoliyatga ajratiladi va bu faoliyat o'z ichiga konferensiya va o'quv treninglarida qatnashish, bo'limdagi yosh shifokorlarni o'qitish, ilmiy faoliyat bilan shug'ullanish, bo'lim statistikasini amalga oshirish va boshqalar uchun ajratiladi. Shu sababdan, shifokorlarga bemorlarni davolashdan tashqari ilmiy adabiyotlar o'qishi va ilmiy tadqiqot o'tkazishi uchun yetarli vaqt ajratib berilgan.

Shifokorlarni moliyaviy qo'llab quvvatlash ham yaxshi samara berishi mumkin. Misol uchun, tibbiy oliy ta'lim muassasasi kafedralariga aloqasi bo'lmagan amaliyot shifokori chop ettiradigan har bir ilmiy maqolasi uchun ma'lum miqdorda moliyaviy rag'bat ajratilsa, yil oxirida tibbiyot muassasasi rahbariyati tomonidan, yil davomida ilmiy maqolalar chop ettirgan xodimlar, kollektiv o'rtasida taqdirlansa, bu o'sha xodim uchun ham, boshqa xodimlar uchun ham katta motivatsiya bo'lgan bo'lar edi.

Ilmiy tadqiqotlarni e'lon qilishning yana bir ko'rinishi bu – konferensiyalardir. Rivojlangan davlatlarda ilmiy assotsiatsiyalar va ular o'tkazadigan ilmiy konferensiyalarga e'tibor yuqori darajada. Men o'zim Buyuk Britaniya va Irlandiya kardioxirurglari ilmiy assotsiatsiyasi a'zosi va ushbu assotsiatsiya tashkil qilgan yillik konferensiya qatnashchisi sifatida ayta olamanki, bu kabi assotsiatsiyalar faoliyatini yo'lga qo'yish, Respublikaning barcha tor mutaxassislarini bir assotsiatsiya tarkibida to'plash va ilmiy konferensiya o'tkazish nafaqat yangiliklar bilan barchani tanishtirish, balki Respublikaning turli mintaqalarida qo'llanilayotgan usullarni o'rganish, ularni nazorat qilish va Respublika bo'ylab eng optimal usulni tanlash va uni standartlashtirishda ham katta ahamiyatga ega. Shuning uchun taklif qilardimki, Sog'liqni saqlash vazirligi huzurida har bir tor mutaxassislik uchun alohida ilmiy assotsiatsiya tashkil etilsa va u o'sha sohani yetuk egallagan professorlar va istiqbolli yosh vakillardan iborat ilmiy kengash tomonidan boshqarilsa, butun Respublika bo'ylab tor mutaxassislarni shu assotsiatsiya tarkibida to'plansa, ushbu mutaxassislikka oid muhim qarorlar shu assotsiatsiya ilmiy kengashi qarori bilan hal etilsa, ushbu sohadagi shifokorlar faoliyatini o'rganish va nazorat qilish samaradorligi ortar edi. Assotsiatsiyalar tomonidan chop etiladigan davriy ilmiy jurnallar va bu jurnallarni Respublika bo'ylab tarqatish yo'lga qo'yilsa ushbu soha vakillarining yangiliklardan xabardor bo'lib borishi ortgan bo'lardi. Assotsiatsiyalar tomonidan yilda bir marotaba, butun Respublika bo'ylab a'zolari yig'ish va ilmiy konferensiya tashkil etish orqali chekka hududlardagi shifokorlar va markaz shifokorlari o'rtasida aloqalar o'rnatilar va sohani rivojiga ijobiy ta'sir ko'rsatgan bo'lar edi. Albatta bu kabi assotsiatsiyalarni moliyaviy harajatlari katta bo'lib, bu xarajatlar vazirlik tomonidan qoplansa, konferensiyalarda qatnashganlik uchun sarflangan xarajatlar esa tibbiy muassasalar tomonidan xodimning ish safari ko'rinishida qoplab berilsa, shifokorlarga hech qanday og'irlik tushmaydi, va ularning katta qiziqish bilan qatnashishiga imkon yaratadi.

Xulosa. Xulosa qilib aytganda, yurtimiz shifokorlari orasida ilmiy materiallar bilan ishlash va ilmiy maqolalar yozish, rivojlangan davlatlar tibbiyot vakillari bilan solishtirganda, bir muncha orqada. Bu masala tibbiyot xodimining kasbiy rivojlanishida juda muhim omil ekanini hisobga olsak, soha vakillari orasida ilmiy materiallar bilan ishlashni rag'batlantirish juda muhim masala ekani oydinlashadi. Buning uchun esa shifokorlarda talabalik davridan boshlab ilmiy materiallar bilan ishlash ko'nikmalarini shakllantirish, ilmiy tadqiqot o'tkazish uchun yetarli sharoit yaratib

berish, shifokorlarga ilmiy foyaliyat uchun vaqt va moliyaviy rag'bat berish, ilmiy assotsiatsiyalar faoliyatini tubdan isloh etish kabi usullardan foydalanish mumkin. Bir narsani esdan chiqarmaylikki, Sog'liqni Saqlash tizimining eng asosiy bo'g'ini, bemorlar salomatligini to'g'ridan-to'g'ri ta'minlovchi va sohamiz darajasini ko'rsatib beruvchi asosiy vakillar – bular shifokorlardir. Ularning insoniy va kasbiy rivojlanishi, yangi bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishi, optimal dam olish va ishlash rejimini ta'minlash esa tizim oldidagi birlamchi vazifalardan biri bo'lishi kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. PF-60-son, "2022 — 2026-YILLARGA MO'LJALLANGAN YANGI O'ZBEKISTONNING TARAQQIYOT STRATEGIYASI TO'G'RISIDA," Toshkent, 2022.
2. M. McGrail, B. O'Sullivan, H. Bendotti and S. Kondalsamy-Chennakesavan, "Importance of publishing research varies by doctors' career stage, specialty and location of work," Postgraduate Medical Journal, no. 95, 2019.
3. NHS, A guide to consultant job planning, London: NHS Employers, 2011.

**ПЕДАГОГИК ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ТАЪЛИМ
СИФАТИНИ ОШИРИШ ИМКОНияТЛАРИ
(ВИРТУАЛ ЛАБОРАТОРИЯЛАР ТАҲЛИЛИ МИСОЛИДА)**

Хамидов Воҳид Собирович

Ўзбекистон Республикаси Таълимни ривожлантириш республика
илмий-методик маркази директори, PhD, доцент

Мухаммаджанов Шахриёр Солижон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Таълимни ривожлантириш республика
илмий-методик маркази бўлими бошлиғи, PhD

Абдуллоев Аюбхон Хуршид ўғли

Ўзбекистон Миллий университети 2-босқич талабаси

Аннотация. Ушбу мақолада физика, кимё, биология, информатика ва электроника каби фанларни ўргатиш учун мўлжалланган виртуал лабораториялар кўриб чиқилган, шунингдек, турли виртуал платформаларнинг функциялари ва ўзига хос жиҳатлари, улардан фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган. Мақоланинг хулоса қисмида фойдаланиш имкониятлари кенг ва қулай бўлган виртуал лаборатория бўйича таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: таълим жараёни, педагогик дастурий воситалар, рақамли таълим ресурслари, ахборот технология, виртуал лаборатория, симуляция, интерфаол.

**ВОЗМОЖНОСТИ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ПРОГРАММНЫХ СРЕДСТВ
(НА ПРИМЕРЕ АНАЛИЗА ВИРТУАЛЬНЫХ ЛАБОРАТОРИЙ)**

Аннотация. В данной статье рассматриваются виртуальные лаборатории, предназначенные для преподавания таких предметов, как физика, химия, биология, информатика и электроника, также исследуются функции, особенности и возможности использования различных виртуальных платформ. В заключительной части статьи представлены предложения по виртуальной лаборатории с широкими и удобными возможностями использования.

Ключевые слова: учебный процесс, педагогические программные средства, цифровые образовательные ресурсы, информационные технологии, виртуальная лаборатория, симуляция, интерактив.

**OPPORTUNITIES FOR IMPROVING THE QUALITY OF EDUCATION USING
PEDAGOGICAL SOFTWARE TOOLS
(BASED ON THE EXAMPLE OF ANALYSIS OF VIRTUAL LABORATORIES)**

Abstract. This article discusses virtual laboratories designed for teaching subjects such as physics, chemistry, biology, computer science and electronics, and also explores the

functions, features and possibilities of using various virtual platforms. The final part of the article presents proposals for a virtual laboratory with wide and convenient possibilities of use.

Key words: *educational process, pedagogical software, digital educational resources, information technology, virtual laboratory, simulation, interactive.*

Кириш

Таълим жараёнида ўқитиладиган материалнинг сифати ва тўлиқлигини ошириш доимий равишда долзарб масала ҳисобланади. Фан-техника тез суръатлар билан ривожланмоқда, янги йўналишлар пайдо бўлмоқда ва мавжуд йўналишлар такомиллашмоқда. Шу боис, ўқув режалари ва дастурларини ҳам доимий равишда янгилаб бориш зарур. Афсуски, кўп ҳолларда таълим замон талабларидан орқада қолиб кетмоқда. Ўқитишнинг эскирган шакл ва услублари билан халқаро стандартларга жавоб берувчи мутахассислар тайёрлаш имконияти чекланмоқда. Шу боис, таълим соҳасига янги педагогик дастурий воситаларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, мультимедиа ва рақамли ресурслардан фойдаланиш таълим сифатини тубдан яхшилашга хизмат қилади.

Таълимда виртуал муҳитни яратиш, халқаро тажрибаларда қўлланилаётган педагогик дастурий воситалар, жумладан, виртуал лабораториялар каби рақамли таълим ресурсларини жорий этиш таълим самарадорлигини оширишнинг энг самарали йўллари билан биридир. Виртуал лабораториялар талабаларга ҳақиқий лаборатория муҳитини компьютер орқали моделлаштириш ва тажрибалар ўтказиш имконини беради. Бу эса ўқув жараёнини янада қизиқарли, тезкор ва иқтисодий самарали ташкил этишга ёрдам беради.

Бугунги кунда кўплаб виртуал лабораториялар таълим ташкилотлар дастурларининг кўплаб фанларида қўлланилмоқда. Виртуал лабораториялар маълум бир мавзу бўйича тўлиқ кўламли экспериментал тадқиқотларни амалга ошириш жараёнларини тақлид қилувчи онлайн ва офлайн шаклдаги компьютер дастурлари тўпламини ифодалайди. Улар лаборатория ишларини виртуал тарзда бажаришга имкон беради, яъни. компьютер муҳитида - тегишли дастурнинг иш столида. Шу билан бирга, талабалар ҳақиқий тадқиқотда қўлланиладиган ҳақиқий ўлчов асбоблари, компонентлар ва бошқа атрибутлар билан эмас, балки уларнинг компьютер экранидаги «тасвирлари» билан шуғулланадилар. Бу лаборатория ишларини анча тез ва арзонроқ иқтисодий харажатлар билан якунлаш имконини беради, талабалар учун уни янада жозибадор қилади ва анъанавий ўқитиш шаклига нисбатан уларнинг мотивацион компонентини оширади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Виртуал лабораториялардан фойдаланиш, одатда, барча амалий машғулотларни лаборатория хоналарида экспериментал фаолият орқали амалга ошириш мумкин эмаслиги сабабли юзага келади. Лаборатория хоналарида айрим асбоб-ускуналар ва жиҳозлар ёрдамида тушунтириш қийин бўлган жараёнлар, лекин уларни реал кузатишни талаб қиладиган мавҳум ва назариялар ёки тушунчалар тизим ёрдамида моделлаштирилади. Виртуал лаборатория - мунтазам амалий машғулотлар тизимини қўллаб-қувватлаш учун ишлатилиши мумкин бўлган тизим бўлиб, ушбу виртуал лабораториядан фойдаланиш таълим олувчиларга компьютер ёрдамида амалий машғулотлар ва тажрибаларни ўтказиш имконини беради. Виртуал лабораториядан фойдаланиш лаборатория жиҳозларининг етарли эмаслиги билан боғлиқ бир қатор муаммоларни бартараф этиши ва ўқув мақсадларига эришишга ижобий ҳисса қўшиши мумкин. [1].

Виртуал муҳитнинг яна бир афзаллиги И.И.Полевода томонидан берилган: виртуал симуляторлар ва симуляторлар ҳақиқий объектларда ўқитиш соғлиқ ва ҳаёт учун катта хавф билан боғлиқ бўлган соҳаларда мутахассисларни тайёрлаш имконини беради. Бир қатор ҳолларда, таълим берувчи объектив сабабларга кўра, соғлиқ ва хавфсизлик хавфи туфайли таълим олувчиларга технологик қурилмалардан фойдаланишни тўғри таъминлай олмайди, виртуал муҳит эса профессионал фаолиятда, жумладан, форс-мажор ҳолатларида юзага келадиган ҳолатларни кўришга имкон беради [2].

Маъруза машгулотларини модернизация қилиш ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўли - мультимедиа технологияларидан фойдаланиш орқали визуал ахборот ҳажмини ошириш ҳисобланади. Янги ёки мавжуд лаборатория ва амалий ишларни янгилаш, кўп ҳолларда зарур материаллар ва ускуналарни сотиб олиш, шунингдек, синовларни ташкил этиш учун қўшимча харажатларни талаб қилади. Шу билан бирга, талабалар назарий тайёргарликдан сўнг биринчи марта лаборатория ишларини ҳар доим ҳам тўғри бажара олмайдилар. Кўпинча, муваффақиятли натижага эришиш учун бир неча маротаба тажриба ўтказиш керак, бу эса харажатларни сезиларли даражада ошириши мумкин [3].

Бир қатор мақолалар муаллифларининг хулосалари таҳлили натижасига кўра, ҳозирги вақтда билим соҳаларига йўналтириш мумкин бўлган масофавий таълим тизимига ихтисослашган махсус дастурларни яратиш муаммоси мавжуд [4,5]. Лекин айнан ушбу махсус дастурлар асосида виртуал лабораторияларни ишлаб чиқиш имконини беради. Бу орқали виртуал лабораторияларни таълим жараёнига қисқа муддат ичида жорий этиш мумкин.

Таҳлил ва натижалар

Сўнгги йилларда таълим олувчиларни интерфаол ўқитишда фойдаланилаётган замонавий ўқитиш методлари ва педагогик дастурий воситалар жумладан, виртуал реаллик (VR), тўлдирилган реаллик (AR), виртуал лаборатория, геймификация, муаллифлик воситалари (Authoring tools), сўнгий интеллект каби технологиялар каби технологиялар кириб келди.

Педагогик дастурий воситалар – АКТдан фойдаланишга асосланган, таълим жараёнини бошқариш билан бир қаторда ўқитишни самарали ташкил этишга мўлжалланган дидактик воситалар ҳисобланади.

Виртуал лаборатория – ўрганилаётган объектлар, жараёнлар ва ҳодисаларнинг турли хусусиятларини ўрганишни моделлаштиришга имкон берадиган амалий топшириқлар ва машқларни ўз ичига олган дастурий таъминот (платформа, илова ва бошқалар).

Виртуал лабораториялар ва онлайн платформалар таълимга киришни таъминлаш ва ўқув тажрибасини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд, жумладан:

таълим жараёнида фойдаланадиган виртуал лабораторияга қўйиладиган минимал талабларнинг мавжуд эмаслиги;

таълим берувчилар томонидан таълим жараёнида виртуал лаборатория платформаларидан фойдаланиш ҳамда уларни қўллаш усуллари бўйича етарли даражада кўникмага эга эмаслиги;

интерфаол виртуал лабораториялардан фойдаланиш имкониятларини тақдим этувчи маҳаллий рақамли таълим ресурсларининг камлиги ва бошқалар.

Шу муносабат билан, мавжуд виртуал лабораторияларнинг ўрганиш, улардан аниқ, табиий ва техника фанларини ўқитишда самарали фойдаланиш усуллари жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Виртуал лабораториялар таълим олувчилар компьютер, планшет, мобил телефон ёки бошқа қурилма орқали амалий билим ва кўникма олиш мақсадида бажарадиган интерактив фан симуляциясилар жамланмаси ҳисобланади. Виртуал лабораториялар таълим олувчиларга исталган жойда ва вақтда платформа ёки дастурдан фойдаланиш имконини беради, шунингдек, виртуал лабораториялар анъанавий лабораторияларга қараганда анча арзон. Виртуал лаборатория платформаси асбоб-ускуналар, сақлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун катта миқдордаги ресурсларни сарфламасдан таълим ташкилотига ёрдам бериши мумкин.

Ушбу мақолада таълим ташкилотларида фойдаланиш учун мўлжалланган виртуал лабораториялар, уларнинг асосий функциялари ва фойдаланиш имкониятлари. Бундан ташқари, платформаларнинг тил имкониятлари, улардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда эътиборга молик бошқа жиҳатлари ёритилган.

1. PhET Interactive Simulations

Табиий фанлар йўналишида 2001 йилдаги Нобел мукофотининг лауреати К.Виман томонидан "Physics Education Technology" (PhET) платформаси (сайт) яратилган. PhET платформасида ҳар хил мавзуларга оид симуляциялар мавжуд бўлиб, улар HTML, Java ва Macromedia Flash дастурларида яратилган. PhET платформасида жами 168 та инглиз тилидаги намоиш тажрибаларини ўтказиш, виртуал лаборатория ишларини ташкиллаштириш ва моделлаштириш имкониятига эга симуляциялар мавжуд бўлиб, шундан, физика фанига 110 та, математика фанига 50 та, география фанига 26 та, кимё фанига 51 та ва биология фанига 19 та тўғри келади. PhET платформасида тақдим этилаётган симуляциялар 5-11 синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, хоҳлаган фойдаланувчи бепул фойдаланиши мумкин.

Бундан ташқари, PhET дарслик муаллифлари билан боғланиш ва таълим муассасаларига интеграция қилиш каби қўшимча имкониятларга эга.

2. LabXchange

Гарвард университетига тегишли бўлган ушбу бепул платформа, инглиз, немис, француз ва бошқа тилларда интерфаол саҳифалар, виртуал лабораториялар, видеодарслар, экспериментал симуляциялар, электрон дарсликлар ва кейсларни ўз ичига олган. Платформа физика, кимё, биология ва география каби фанлардан симуляциялар мавжуд бўлиб, ўрта, профессионал ва олий таълим босқичи таълим олувчилари учун мўлжалланган.

3. Interactive Physics

Interactive Physics дастури Американинг MSC.Working Knowledge компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, 6-11-синфлар учун мўлжалланган физика фани бўйича ўқув дастури ҳисобланади. Дастур орқали лаборатория машғулоти бўйича симуляцияларни яратиш мумкин. Платформа АҚШ таълим стандартларига ва рус мактабларидаги физика ўқитишнинг минимал талабларига мос келади. Дастур битта фойдаланувчи учун мақсад ва эҳтиёжларга қараб 229 АҚШ долларида бошланган турли хил лицензияларни тақдим қилади.

Interactive Physics дастурини ўрнатмасдан олдин, www.design-simulation.com/ip ҳавола орқали тажриба тариқасида бир нечта симуляциялардан фойдаланиб кўриш имконияти мавжуд.

Гравитацион, электростатик, магнит ёки бошқа соҳалардаги ҳаракатни, шунингдек, объектларнинг барча турдаги ўзаро таъсиридан келиб чиқадиган ҳаракатни ўрганишга қаратилган компьютер дизайни муҳити. Дастур осон ва тез экспериментал схемаларни, жисмоний объектларнинг моделларини ва куч майдонларини яратади. Натижаларни тақдим этиш усуллари (анимация, график, жадвал, диаграмма, вектор) фойдаланувчи томонидан қулай муҳит муҳарририда белгиланади.

4. The Physics Aviary

The Physics Aviary виртуал лаборатория платформаси АҚШлик Франк Маккаллей тадқиқотчи олим томонидан 2014 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, платформада физика ва бошқа фанлар бўйича 183 та симуляция, 317 та кейс, 63 та ўйин/челленжлар ва 15 та инструмент/визуализациялар мавжуд.

Платформа контенти умумий ўрта ва олий таълим муассасалар таълим олувчилари учун мўлжалланган ва АҚШ таълим стандартларининг минимал талабларига мос келади. Ҳозирги кунда веб-платформадан фойдаланиш бепул ҳисобланиб, 75 дан ортиқ мамлакатларда 50 ёки ундан ортиқ фойдаланувчига ва яна 17 мамлакатда 1000 дан ортиқ фойдаланувчига эга.

Шунингдек, платформа контентининг асосий қисми инглиз, испан, португал, хорват, македон, турк, албан ва поляк тилларига таржима қилинган.

5. Chemcollective (IrYdium Chemistry Lab)

Ушбу дастур виртуал лабораториялар, ўқув қўлланмалари ва кимё бўйича тестларни ўз ичига олган, 11 синфгача ва профессионал таълим ўқувчиларига кимё фанини ўқитишга мўлжалланган. Платформа инглиз тилида бўлиб, фойдаланиш пуллик, лекин материаллардан онлайн ҳамда шахсий компьютерларда лицензиясиз бепул фойдаланиш имконини беради. Айрим материаллар рус тилида ҳам mavjud.

Ушбу дастур орқали дарслар тўлиқ компьютерда якунланиши ва лаборатория машғулотларига кириш ёки иштирок этиш имкони бўлмаган ўқувчилар томонидан фойдаланишлари мумкин. Chemcollective Миллий фан жамғармасининг лойиҳаси ҳисобланади.

6. LearningAPPS

LearningAPPS фанлар ва таълим босқичлари бўйича таснифланган тайёр машқлар базасини ва интерактив топшириқлар яратиш имкониятини тақдим этувчи платформа ҳисобланади. Ушбу платформа астрономия, биология, география, хорижий тиллар, ахборот технологиялари, математика, психология, физика, кимё ва бошқа фанлар бўйича 7-11 синфлар ва профессионал таълим ўқувчиларини рус, инглиз ва бошқа 21 та тилда ўқитишга йўналтирилган. Фойдаланувчилар таълим мақсадларида платформадан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга. Аммо, таълимдан бошқа мақсадларда фойдаланиш бўлса, ундан кейинчалик чеклаш ёки тақиқланиши мумкин.

7. Sciencekids

Sciencekids бошланғич таълим тури учун турли фанларни ва материалларни ўрганишга мўлжалланган кўплаб тажрибалар тақдим этади. Платформа кимё, математика, биология ва инглиз тили каби фанларни қамраб олади ва 11 синфгача бўлган ўқувчилар учун мўлжалланган. Платформа инглиз тилида бепул фойдаланишни таклиф қилади, лекин платформадан кенгроқ фойдаланиш ҳамда нарх ёки лицензиялаш ҳақидаги тижорий маълумотларни олиш учун платформа раҳбарияти билан боғланиш талаб қилинади.

8. Yenka (Crocodile Physics, Crocodile Technology, Crocodile Chemistry ва Crocodile ICT)

Crocodile Clips компанияси тегишли бўлган виртуал лаборатория дастурлари Yenka умумий номи остида юритилади. Yenka фан ва техниканинг турли соҳаларидаги ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш учун мўлжалланган Crocodile Physics, Crocodile Technology, Crocodile Chemistry ва Crocodile ICT каби дастурлардан ташкил топган.

Crocodile Physics Windows операцион тизимига мос келадиган виртуал лабораториядир. Платформа физика соҳасидаги виртуал тажрибалар ва ўқув топшириқларини моделлаштириш ва механика, электр занжирлар, оптика ва тўлқин ҳодисалари бўлинмаларига оид тажрибалар яратиш ва кузатиш имкониятини беради.

Дастурнинг ўзига хос хусусиятлари: Физик ҳодисаларни намоиш этувчи оптимал дастур, 50 дан ортиқ қадамма - қадам ўргатувчи дарслар, 150 дан ортиқ физиканинг бўлимларига оид тайёр моделлар, физик жараёнларни компьютерда моделлаштириш имконияти, мустақил моделлаштириш имкониятини берувчи содда интерфейс, Эр шароитида ўтказиш қийин бўлган тажрибаларни амалга ошириш ва кузатиш, дастурнинг кучли инструментарияси, тажрибада қатнашаётган физик катталикларнинг қийматини жуда яхши аниқлик билан ҳисоблаш имкониятини беради, физик ҳодисада қатнашаётган физик катталик билан бошқа физик катталиклар ўртасидаги графикли боғланишни ҳосил қилиш, яратилган моделларни сақлаш ва қўғозга чоп этиш мумкин.

Crocodile Technology дастуридан ўрта, профессионал ва олий таълим муассасаларида виртуал лаборатория ишларини бажаришда, шунингдек электр, электротехника, схемотехника, электр занжирлар йўналишларини ўқитишда фойдаланиш имконини беради. Дастур орқали электр схемаларини йиғиш жараёни кузатиш, электр катталикларни мультиметрда, амперметр ва вольтметрларда ўлчаш имкониятини беради.

Дастур инглиз тилида бўлиб, ундан таълим олиш мақсадида фойдаланиш бепул. Олдинги ҳолатлардаги каби, тижорий ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун нархлар сайтда келтирилган.

Crocodile Chemistry дастури орқали Менделеев жадвалида мавжуд барча элементларнинг кимёвий ва физикавий хусусиятларини ўрганиш ҳамда кимёвий реакциялар, молекуляр динамикани моделлаштириш учун мўлжалланган.

Дастур орқали кимёвий реакция жараёнида реактивларнинг ранги, моддалар улушини, кимёвий реакция формулаларини кўриш имкониятини беради. Дастур интерфейси инглиз тилида бўлиб, ундан таълим олиш мақсадида фойдаланиш бепул. Олдинги ҳолатлардаги каби, тижорий ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш алоҳида нархлар кўрсатилган.

Crocodile ICT информатика, алгоритмлаштириш ва дастурлашни ўргатишга мўлжалланган бўлиб, оддий интерфейс ва блок схемалари ёрдамида яратилаётган дастур орқали ҳар бир топшириқни анимация кўринишда тасвирлаш мумкин.

Дастур уй шароитида бепул фойдаланиш учун мўлжалланган. Дастур инглиз тилида тақдим этилган. Тижорий фойдаланиш учун нарх таклифи олиш мақсадида ишлаб чиқарувчилар билан боғланиш тавсия этилади.

Юқорида таҳлил этилган платформа ва дастурлар билан бирга физиканинг барча соҳаларини қамраб оладиган Чехиянинг Vascak.cz виртуал лабораторияси, тажрибалар ўтказиш ва видео дарсларни кўриш имкониятларини берувчи йирик виртуал лабораториялар тўплами The Virtual Lab, физика, кимё, биология, математика, технология ва муҳандислик бўйича 8900 дан ортиқ онлайн интерактив лаборатория ва намойишлар каталогини ўз ичига олган Wolfram Demonstrations Project дастури, Массачусетс технология институти (MIT) томонидан ишлаб чиқилган, биология, биокимё, генетика, гидрология фанларини ўқитиш ва тадқиқотчилик учун лабораториялар ишлаб чиқишга мўлжалланган STAR (Software Tools for Academics and Researchers) дастури, NWEA MAP, ACT ва SAT каби баҳолаш дастурларига тайёргарлик кўришга ҳамда математика, инглиз тили, ижтимоий ва табиий фанларни ўргатишга мўлжалланган 8000 дан ортиқ симуляциялар мавжуд IXL Learning таълим платформаси, механизмлар ва тизимларни чизиш ва моделлаш имконини берувчи бепул Algodoo дастури ўрганилди.

Шу билан бирга, кимё ва кимёвий йўналишларда таълим олувчиларни ўқитишда фойдаланса бўладиган инглиз тилидаги бепул Chemagic (молекула яратиш бўйича симуляция) платформаси, 3D графика ва батафсил моделларга эга бўлган Chemists виртуал лабораторияси, кимё бўйича виртуал лабораториялар ва амалий топшириқларни тақдим этадиган, рус ва ўзбек тилида бўлган mylab.uz платформаси, кимё фанини ўрганиш учун интерактив модуллар, жумладан реакциялар симуляцияси ва тестларни тақдим этадиган Дрофа "Chemistry", астрономияни ўрганиш, юлдузлар ҳамда галактикаларни кузатиш, уларнинг тарихи билан танишиш, номлари ва манзилни кўриш, смартфон ва планшетларда ишлатиш учун мўлжалланган Star Walk 2 мобил иловалари кўриб чиқилган.

Юқорида кўриб чиқилган платформа ва дастурлар 5-11-синфлар ва профессионал таълим таълим учун мўлжалланган бўлиб, улардан фойдаланиш мақсадларга қараб нархланади.

Хулоса ва таклифлар

Ушбу мақолада кўриб чиқилган виртуал лабораториялар турли функционал имкониятлар ва таълим фанларини қамраб олади. Улар турли синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, таълимнинг турли босқичларида интерактив ўқитиш воситаси сифатида хизмат қилади. Бепул имкониятлар ва таълимий контентга киришнинг очиқлиги туфайли, бу платформалар турли хил таълим эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради. Бироқ, тижорий лицензиялаш ва фойдаланиш шартларида фойдаланиш платформа ёки яратувчилари билан боғланиш сўралади.

Виртуал лабораторияларни таҳлил қилган ҳолда, энг мақбул вариант Колорадо Боулдер университетининг Phet платформаси деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда Phet платформасидаги симуляциялар 120 дан ортиқ турли тилдаги таржималарини топиш мумкин, хусусан ўзбек тилида 111 та, рус тилида 136 та, қозоқ тилида 137 та, тожик тилида 39 та ва туркман тилида 160 та симуляция таржима қилинган.

PhET дастури Ўзбекистон давлат таълим стандартларига ва ўқув муассасаларида қўлланилаётган адабиётларига деярли мос келади. PhET дастуридаги симуляциялардан физика, математика, география, кимё ва биология фанларидан дарс машғулотида намоиш тажрибалари сифатида, виртуал лаборатория машғулотларини ташкиллаштиришда кенг фойдаланиш мумкин.

Платформада келтирилган моделларни ўзбек тилига таржима қилиш учун дастурнинг расмий сайтида "Translated Sims" банди мавжуд бўлиб, у ерга кириб махсус қайдномани тўлдирган ҳолда тегишли моделни танлаб ўзбек тилига таржима қилиш мумкин.

PhET дастурининг расмий <http://phet.colorado.edu> сайтининг "Ўқитувчилар учун" бандида ҳар бир симуляция учун методик кўрсатмалар (виртуал лаборатория ишлари, намоиш тажрибалари ва бошқалар) келтирилган. Ўқитувчи қидирув фильтри орқали мавзуга оид дарс ишланмасини ёки методик кўрсатмаларни, таълим тури кесимида pdf ёки doc форматларида кўчириб олиш мумкин.

Мамлакатда ҳар бир соҳанинг ривожини таълим тизимининг қай даражада самарали йўлга қўйилганига ҳамда ривожланганлигига боғлиқ. Ҳозирги даврда ушбу соҳага, замонавий педагогик ва ахборот технологиялар, янгича ёндашувларни жорий этиш, илғор хорижий давлатлар тажрибалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига асосан ташкил этилган Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик марказига ҳам таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларни, ўқитишнинг самарали шакл ва усуллари жорий қилиш, таълим соҳасидаги илғор амалиётни ўрганиш ва тизимли таҳлил қилиш ҳамда уни республикада жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш, таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган таҳлилий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, таълим жараёнида жаҳон илм-фани ва технологиялари ютуқларидан кенг фойдаланиш бўйича илмий ишланмалар ва тавсиялар тайёрлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган [6].

Марказ томонидан таълим жараёнига замонавий педагогик дастурий воситаларни жорий этиш мақсадида ҳозирги кунда кўплаб хорижий ташкилотлар ва таълим платформалари вакиллари билан ҳамкорлик қилиш ва мавжуд платформаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, мақбулларини Ўзбекистонда таълим жараёнига жалб қилиш бўйича бир қатор ишларни амалга ошириш бўйча истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда таълимга оид электрон ресурсларни 2017 йил 10 ноябрда тасдиқланган "Электрон таълим" миллий тизимига киритиладиган электрон методик комплекслар ва бошқа таълим ресурсларига ягона талаблар тўғрисидаги давлат стандартига мувофиқ ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Бироқ, ушбу 2017 йил тасдиқланган стандартда белгиланган бир қатор талабларнинг эскирганлиги, талаблар фақат электрон ресурс турлари билан чекланганлиги, шунингдек замонавий педагогик дастурий воситалар бўйича тарифлар ва талаблар йўқлиги, таълим ташкилотларда фойдаланилаётган электрон-рақамли ресурслар мазмунини ва сифатини бўйича аниқ талаблар мавжуд эмаслиги ушбу стандартни янги таҳрирда ишлаб чиқиш муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлмоқда.

Ҳозирги кунда Марказ томонидан рақамли таълим ресурслари ва улардан фойдаланиладиган дастурий воситаларга қўйиладиган умумий талабларни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш бўйича амалий ишлар оширилмоқда.

Мазкур стандартни янгилаш орқали таълим жараёнига янги ўқитиш методлари ва усуллари, рақамли таълим ресурсларни яратиш ва фойдаланиш бўйича умумий техник талабларни жорий қилиш, замонавий терминларга ягона илмий тариф бериш, шунингдек, инновацион таълим ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, таълимда виртуал муҳитни яратиш, халқаро тажрибаларда қўлланилаётган педагогик технологиялардан самарали фойдаланишга эришилади.

Хулоса ўрнида замонавий педагогик дастурий воситалардан фойдаланиш таълим жараёнига янги ўқитиш методлари ва усуллари жорий этиш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, таълимда виртуал муҳитни яратиш, халқаро тажрибаларда қўлланилаётган педагогик технологиялардан самарали фойдаланишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. T. Abdjul and N. Ntobuo. 2018. "Developing Device of Learning Based on Virtual Laboratory through Phet Simulation for Physics Lesson with Sound Material," vol. 4531, pp. 105–115.

2. Полевода, И. И. Технологии виртуальной и дополненной реальности в образовательном процессе / И. И. Полевода, А. Г. Иваницкий, А. С. Миканович, С. М. Пастухов, А. В. Грачулин, В. Н. Рябцев, О. Д. Навроцкий, А. О. Лихоманов, Г. В. Винярский, И. С. Гусаров // Вестник Университета гражданской защиты МЧС Беларуси. – 2022. – № 1. – С. 119–142.

3. Савкина А.В., Савкина А.В, Федосин С.А. Виртуальные лаборатории в дистанционном обучении. Образовательные технологии и общество (ISSN 1436-4522). – Том 17. – № 4, 2014. – С. 507-517.

4. Rittinghouse J., Ransome J., Cloud Computing: Implementation, Management, and Security. – CRC Press, 2010.

5. Савинов И.А., Савкина А.В. Виртуальные лаборатории как средство обучения студентов. В сборнике: Проблемы и достижения в науке и технике сборник научных трудов по итогам III международной научно-практической конференции, 2016. – С. 14-16.]

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 апрелдаги "Илмий-методик ва тадқиқот ишлари сифатини ошириш орқали таълим тизимини комплекс ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори. <https://lex.uz/docs/6438903>

Blockchain Technology: Paving the Way for a New Digital Economy**Yokubov Bakhtiyor Zoid ugli**

Associate Professor

Turin Polytechnic University in Tashkent

Email: b.yokubov@polito.uz

Abstract: The modern economic landscape is swiftly transitioning to a primarily digital paradigm. This budding digital economy stands at the forefront of economic advancement, reshaping business relations built on information-driven B2B collaborations. Newly emerging digital strategies and information networking are becoming crucial in a progressively globalised economy. These changes mark the shift from a territorially-bound real economy to an interconnected, online one. This evolution is fostering the development and introduction of innovative business approaches. With the rise of blockchain technology, the digital economic arena is set for deeper integration worldwide. This paper explores the transformative role of blockchain in the digital economy and its potential to advance the sector further.

Keywords: Blockchain Technology, Digital Economy, Decentralisation, Financial Transactions, Cryptocurrency, Smart Contracts.

Introduction

The advent of the digital era has radically reshaped the worldwide economic terrain. As technological advances have progressed, they have paved the way for novel forms of both individual and business interactions. Now, the digital economy stands not merely because of these shifts but as a primary driver, empowering enterprises to tap into the vast expanse of the internet, access wider audiences, and cultivate thriving online platforms. Those enterprises that adeptly integrate online insights into their central tactics find themselves at the cutting edge of value generation and efficiency.

The digital economy represents many business operations rooted in online infrastructures, enriched by a diverse mix of information, uninterrupted connectivity, and adaptable applications. Data is the linchpin of this framework. Advanced countries, having leveraged this shift, now observe the digital economy rising as a central industrial segment, an observation echoed in several emerging economies. This upward trajectory can be ascribed to three primary catalysts: burgeoning user populations, advances in computational capacity, and widespread internet access [1].

Crucial foundations supporting the digital economy comprise:

- **Electronic Network:** Serving as the spine of the digital economy, these networks amalgamate global computing systems, applications, and software, eradicating geographical barriers. This intricate web connects varied entities, from multinational enterprises and governments to individual consumers.

- **Online Transactions:** Within the digital realm, businesses predominantly transact online. This sphere includes online retailers, manufacturers, and logistical centres. Pioneering platforms, such as Uber and Airbnb, underscore the profound changes in global trade, fulfilling a wide range of market demands.

- **Intermediaries:** The vastness of the internet has carved out direct routes between purchasers and vendors, simplifying operations and sidestepping traditional intermediaries.

Platforms like Facebook, Instagram, and Twitter exemplify this, facilitating unmediated business-consumer interactions [2].

However, the digital economy's progress is full of hurdles. The surge in data and the internet's rapid expansion have highlighted security gaps. Regulatory frameworks often must catch up to swift technological evolutions, resulting in policy inconsistencies across countries that hinder the digital economy's smooth operation. Establishing trust and clarity, especially within supply chains, becomes paramount [3].

Acknowledging these impediments, organisations are gravitating towards blockchain technology. This nascent solution aims to embed trust within the digital framework. Current trends reveal a growing appetite to integrate blockchain into the digital economy. As this amalgamation progresses, the Internet of Things (IoT) becomes an essential counterpart, broadening the boundaries of network interconnectivity.

Blockchain Technology

Unravelling the intricate mechanics of blockchain can be likened to peeling back the layers of a digital onion—each layer unearthing further complexities. While an exhaustive breakdown exceeds the scope of this discussion, it is crucial to grasp a basic understanding of its principal concepts and operations, particularly within the digital economy context [4].

At its core, blockchain functions as a digital ledger, distributed openly across multiple computers. It chronologically records transactions, each grouped into 'blocks'. Picture these blocks as chapters in a book, recording events in real-time. This decentralised system ensures that all participants can access the 'book', yet no single user or group can modify its earlier pages without a consensus.

Critical facets of blockchain in the digital context include [5]:

- **Decentralisation:** Like how the internet permits free-flowing information without a main broadcasting point, the digital economy functions without a central authority. Blockchain, inherently decentralised, reflects this design. It creates an arena where participants, wherever they might be, can access and confirm transactions without centralised oversight.

- **Robust Data Security:** Visualise each blockchain record as a journal entry, sealed with a distinct stamp, and safeguarded in a secure box (the block). Each box is secured with a cryptographic key, ensuring the access stays intact and protected. When a fresh entry is made, it is placed in a new box linked to the prior one, establishing an exceedingly difficult sequence to alter.

- **Transparency and Trust:** Envision if every online transaction were crystal clear, permitting all stakeholders to inspect and affirm its legitimacy. This is the level of transparency blockchain offers. Such openness fosters trust, which is paramount for enterprises and governments functioning digitally.

- **Smart Contracts:** View smart contracts as digital dispensers. Input the conditions (akin to inserting a coin), and the dispenser autonomously delivers the specified item, negating the need for a middleman. These self-executing agreements operate precisely as programmed, automating trust and ensuring involved parties adhere to their commitments [6].

- **Reflection:** As we traverse the digital economy landscape, tools like blockchain emerge as not merely components but as pivotal links. Their significance and influence, which we will delve deeper into, indicate a future digital environment that is more cohesive, transparent, and reliable.

How blockchain technology is transforming the digital economy

While the rise of blockchain is often linked with Bitcoin and its digital counterparts, its reach goes beyond just cryptocurrencies. Initially developed as a safeguard for Bitcoin, the capabilities of blockchain have vastly expanded, revolutionising multiple sectors due to the persistent endeavours of developers and researchers. Several global giants today exemplify blockchain's adaptability, incorporating it into various economic sectors [7].

Supply Chain Management:

Historically, supply chains followed a straightforward trajectory shaped by local trade. However, with the advent of globalisation and the growth of the digital economy, these chains have become increasingly complex. The ascendancy of manufacturing powerhouses like China

has further complicated matters. In this tangled environment, determining a product's provenance and worth becomes challenging for consumers and businesses [8].

Blockchain, employing its decentralised ledger, offers a sophisticated resolution. For example, SkyCell [9] has adeptly integrated blockchain with IoT sensors to craft advanced refrigerated containers designated for medicinal transportation. These sensors diligently monitor the medicine's global location, temperature, and humidity in real-time. Blockchain safeguards these parameters, and all corresponding logistical documents are meticulously archived in a digital ledger, ensuring the data remains immutable and resistant to tampering, serving as credible evidence. In a related vein, since 2018, Walmart has harnessed blockchain to oversee their leafy green suppliers. Their primary objective is to enhance product safety and expedite evidence provision during disputes [10]. These modern implementations highlight the evolving supply chain's emphasis on transparency, authenticity, and consumer-centricity.

Financial Transactions and Services:

The days when financial institutions viewed technology with suspicion and clung to archaic systems are long gone. In today's dynamic environment, they are not just adapting to technological advances but spearheading them, with blockchain emerging as a pivotal enabler [11].

Leading financial entities and government bodies are wholeheartedly adopting blockchain. For instance, the Bank of Canada and the Monetary Authority of Singapore have introduced blockchain-supported cross-border and cross-currency transfers. Similarly, JPMorgan Chase's 'JPM Coin' capitalises on blockchain to facilitate smooth institutional transactions.

Alternative Financing:

For many in developing countries, accessing capital can appear daunting, primarily attributed to the rigid collateral demands of traditional banks. While the digital economy has paved certain avenues, substantial barriers remain [11].

Blockchain, championing a decentralised approach, offers innovative solutions. Presently, startups, SMEs, and individuals find gateways to reliable funding sources, with cutting-edge platforms paving the way. For instance, Chainlink has gained attention for its decentralised Oracle network that bridges smart contracts with real-world data, enabling versatile financial tools. Similarly, Circle's USDC, a stablecoin pegged to the US dollar, offers a transparent, secure, and efficient medium of exchange and store of value, bypassing the complexities of traditional finance.

Emerging businesses, particularly in rapidly developing economies, are turning to these blockchain-fuelled avenues. Through their efforts, they are not only accessing vital capital but also contributing to a financial system that is more interconnected, defies geographical boundaries, and truly represents a globalised digital economy.

Challenges in Implementing Blockchain Technology

While the prospects of blockchain technology in revolutionising the digital economy are up and coming, it is also essential to acknowledge the challenges that may impede its full-scale implementation.

1. *Limited Expertise:* Blockchain is a relatively new frontier in the tech world. The demand for specialists adept in blockchain development and integration far outstrips supply. Educational institutions and training programmes are still catching up, leading to a skills gap in the market.

2. *Cultural Reluctance:* Change is often met with resistance. Transitioning to blockchain requires technological adjustments and a fundamental shift in business approaches and philosophies. Organisations ingrained in traditional methodologies might need help to embrace this decentralised model, stemming from unfamiliarity and a sense of losing control.

3. *Data Security Concerns:* Though blockchain is hailed for security benefits, no technology is impervious to threats. As the blockchain ecosystem grows, it becomes a target for cyber-attacks, requiring ever-evolving security measures to avoid potential breaches.

4. *Technological Adoption:* Integrating blockchain with IT infrastructure can be intricate. Compatibility issues, lack of standardisation, and the need for robust systems to handle blockchain's demands can pose significant challenges.

5. *Regulatory Hurdles*: Given blockchain's disruptive nature, many countries and industries have yet to establish a clear regulatory framework. The evolving nature of these regulations can pose uncertainties for businesses looking to invest heavily in blockchain solutions.

6. *Scalability Issues*: Blockchain networks, especially public ones, face transaction speed and volume challenges. As the adoption rate increases, ensuring these networks can handle larger volumes without compromising speed and efficiency becomes paramount. Addressing these challenges requires a collaborative effort from industry leaders, policymakers, educational institutions, and innovators. Only through a united approach can the true potential of blockchain be realised in transforming the digital economy.

Conclusion and Recommendations

The dawn of the digital economy has unequivocally reshaped how countries and businesses function, signifying a marked shift from traditional economic paradigms. However, as this digital metamorphosis approaches its pinnacle, there emerges an imperative for avant-garde technologies to amplify its momentum. Blockchain is a lighthouse, allowing nations to mould a seamlessly interconnected digital economy that links governments, enterprises, and individuals globally. With blockchain steering the ship, the digital economy is set to navigate beyond established horizons.

A forward-thinking approach is essential to unlocking blockchain's potential, which promises enhanced cross-border dealings, unparalleled transparency, and fortified trust amongst parties. Corporations and governmental entities need to rally behind blockchain's promise. They must lead endeavours that envision and implement cutting-edge, user-focused blockchain strategies, fuelling the enduring advancement and transformation of the digital economy.

References

1. W. Viriyasitavat, T. Anuphaptrirong, and D. Hoonsopon, "When blockchain meets the Internet of Things: Characteristics, challenges, and business opportunities," *J. Ind. Inf. Integr.*, vol. 15, no. February, pp. 21–28, 2019, doi: 10.1016/j.jii.2019.05.002.
2. A. Sundararajan, "Commentary: The Twilight of Brand and Consumerism?: Digital Trust, Cultural Meaning, and the Quest for Connection in the Sharing Economy," *J. Mark.*, vol. 83, pp. 32–35, 2019, doi: 10.1177/0022242919868965.
3. M. CAMPBELL-VERDUYN and M. GOGUEN, "Blockchains, trust and action nets: extending the pathologies of financial globalisation," *Glob. Networks*, vol. 19, pp. 308–328, 2019, doi: <https://doi.org/10.1111/glob.12214>.
4. W. W. RODIMA-TAYLOR, DAIVI, GRIMES, "Virtualizing diaspora: new digital technologies in the emerging transnational space," *Glob. Networks*, vol. 19, pp. 349–370, 2019, doi: <https://doi.org/10.1111/glob.12221>.
5. Z. Zheng, S. Xie, H. N. Dai, X. Chen, and H. Wang, "Blockchain challenges and opportunities: A survey," *Int. J. Web Grid Serv.*, vol. 14, no. 4, pp. 352–375, 2018, doi: 10.1504/IJWGS.2018.095647.
6. J. Li, D. Greenwood, and M. Kassem, "Blockchain in the built environment and construction industry: A systematic review, conceptual models and practical use cases," *Autom. Constr.*, vol. 102, no. March, pp. 288–307, 2019, doi: 10.1016/j.autcon.2019.02.005.
7. D. Kundu, "Blockchain and Trust in a Smart City," *Environ. Urban. ASIA*, vol. 10, no. 1, pp. 31–43, 2019, doi: 10.1177/0975425319832392.
8. T. Bordel, B., Lebigot, P., Alcarria, R., Robles, "Digital Food Product Traceability: Using Blockchain in the International Commerce," *Digit. Sci.*, 2018, doi: https://doi.org/10.1007/978-3-030-02351-5_27.
9. SkyCell, "SkyCell: Cold Supply Chain Company," 2013. <https://www.skycell.ch/>.
10. M. Sharma and P. Kumar, "Adoption of blockchain technology: A case study of Walmart," *Blockchain Technol. Appl. Digit. Mark.*, no. May, pp. 210–225, 2021, doi 10.4018/978-1-7998-8081-3.ch013.
11. S. Lawrenz, P. Sharma, and A. Rausch, "Blockchain technology as an approach for data marketplaces," *ACM Int. Conf. Proceeding Ser.*, vol. Part F1481, no. March, pp. 55–59, 2019, doi: 10.1145/3320154.3320165.

Тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолаш механизми**Карабев Нодир Абдуҳамидович**Тошкент давлат иқтисодий университет
мустақил изланувчиси

иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: qoraboev-nodir@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашнинг турли механизмлари ва уларни энг муҳим хусусиятларини очиб беришга қаратилган. Бунда тижорат банкларини рейтинг тизими асосида баҳолаш механизмларида фойдаланиладиган барча кўрсаткичлар ҳамда баҳолаш мезонлари кенг таҳлил қилинган.

Аннотация: Целью данной статьи является раскрытие различных механизмов и их важнейших особенностей оценки деятельности коммерческих банков на основе рейтинговой системы. Все показатели и критерии оценки, используемые в механизмах оценки коммерческих банков на основе рейтинговой системы, были подвергнуты тщательному анализу.

Abstract: This article aims to reveal various mechanisms and their most important features of evaluating the activity of commercial banks based on the rating system. All indicators and evaluation criteria used in the evaluation mechanisms of commercial banks based on the rating system were extensively analyzed.

Таянч сўзлар: Баҳолаш механизмлари, JCR ER рейтинги, CRISIL Ratings ёндашуви, G-CAMELS рейтинг тизими, DBRS Morningstar ёндашуви, "Ahbor-Reyting" рейтинг агентлиги.

Ключевые слова: Рейтинговые механизмы, рейтинг JCR ER, подход CRISIL Ratings, рейтинговая система G-CAMELS, подход DBRS Morningstar, рейтинговое агентство «Ахбор-Рейтинг».

Key words: Rating mechanisms, JCR ER rating, CRISIL Ratings approach, G-CAMELS rating system, DBRS Morningstar approach, "Ahbor-Reyting" rating agency.

Кириш: Тижорат банкларини рейтинг тизими асосида баҳолаш механизмлари ривожланган давлатлар каби ривожланаётган давлатларда ҳам доимий равишда назорат қилиб борилади. Бунинг учун банк тизимида олиб борилаётган ишлар барчаси халқаро талаблар асосида амалга оширилиши лозим бўлади.

Республикамизда молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш давомида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Хусусан, халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибador ҳуқуқий муҳитни яратадиган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги янгиланган қонунлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодийда молиявий воситачиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгиланишлар ва

жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши лозим.

Банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш талаб этилмоқда.

Охирги беш йил давомида, Жаҳон банки таъкидлаганидек, "Ўзбекистон иқтисодийни либераллаштиришга эришиш ва макроиқтисодий бошқарувни такомиллаштириш мақсадида "ўтиш даври сиёсати"ни олиб бормоқда. Ушбу сиёсат доирасида мамлакат ҳукумати 2025 йилга қадар олтига банкни хусусийлаштиришни режалаштирмоқда (шундай қилиб, давлат банкларининг сектор активларидаги улуши икки бараварга қисқариши керак) ва банклар ўз бизнес моделларини сезиларли даражада қайта қуришлари керак. Рентабелликни ошириш ва инвестиция жозибадорлигини ҳамда корпоратив бошқарув амалиётини яхшилаш мақсадида халқаро молия ташкилотларининг ёрдами зарур бўлади. Шу билан бирга, бирорта ҳам мамлакат банки халқаро рейтинг агентликлари томонидан инвестиция даражасида баҳоланмаган — барча рейтинглар спекулятив тоифага киради"¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон "2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги Фармонида "молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, фақатгина бозор талаблари асосида кредитлаш, банкларнинг давлат ресурсларига бўлган қарамлигини камайтириш, банк хизматларини модернизация қилиш, самарали инфратузилма яратиш ва банклар фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банкларнинг асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган функцияларини босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш" вазифаси юклатилган². Молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратишда банкларнинг рейтингини шаффоф ва адолатли ташкил этиш механизмни яратиш ва шу орқали банкларнинг фаолиятига ҳолисона баҳо бериш асосий масалалардан бири сифатида қараш мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (literature review): Тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда асосий эътибор банкларнинг умумий иқтисодий кўрсаткичлари асосида банклар бозоридаги ҳолатига баҳо берилади. Ушбу ҳолатда баҳолашни кўплаб тадқиқотларда ички баҳолаш рейтинги деб юритганлар. Банкларни ички рейтинг бу фақат уларни ички муҳитдаги ҳолатига баҳо бериш орқали мижозларини ишончини оширишга қаратилган механизм ҳисобланади. Айрим тадқиқотчилар фикрича "Рейтинглар банклар фаолиятини ҳар томонлама баҳолаш учун жаҳон миқёсида тан олинган воситадир. Банклар фаолиятини қиёсий баҳолаш усули сифатида рейтинглар уларнинг бозордаги мавқеини ва ишончлилигини баҳолаш имконини беради"³.

Ушбу тадқиқотда банклар фаолиятини баҳолашнинг назарий ва услубий асослари очиб берилган, шунингдек, Беларус банклари мисолида асосий рейтинг усулларида фойдаланиш амалиёти таҳлил қилинган. Рейтинг усуллари ишлаб чиқишда эътиборга олиниши керак бўлган асосий муаммолар ва талаблар муҳокама қилинган. Рейтинг усуллари банк тизимидаги вазият, бозор конъюнктурасининг ўзгариши ва банк фаолияти самарадорлигини ҳисобга олувчи интеграл индексни ҳисоблаш асосида таклиф этилган.

Рейтинглар банклар фаолиятини ҳар томонлама баҳолаш учун жаҳон миқёсида тан олинган воситадир. Банклар фаолиятини қиёсий баҳолаш усули сифатида рейтинглар уларнинг бозордаги мавқеини ва ишончлилигини баҳолаш имконини беради.

Ички рейтинглар банк назорати ва тартибга солишда ҳам қўлланилиши мумкин. Банк назоратчиси сифатида Федерал резерв банкларда кучли рискларни бошқариш амалиётининг муҳимлигини узоқ вақтдан бери таъкидлаб келади ва ўз фаолиятини

¹ <https://www.forbes.ru/finansy/477479-10-nadezhnyh-bankov-uzbekistana-rejting-forbes>

² <https://lex.uz/docs/4811025>

³ Татьяна Родионова (Автор), Максим Гогонов (Автор). Рейтинг банков: состояние и развитие методологий. Our Knowledge (21 июня 2021 г.) Язык : Английский. 116 с.

рисklarни бошқариш ва назорат қилиш жараёнларини синаб кўришга кўпроқ йўналтириш истагини билдирди ва индивидуал операцияларни синовдан ўтказишдан биров узоқроқ бўлишини таъкидлайди. Ушбу афзаллик банк фаолиятига камроқ аралаштириш имконини беради ва назоратнинг банк инновацияларига чекловчи таъсирини минималлаштиради.

Ҳар қандай ички рейтинг тизими барча банклар учун ижобий ҳолат эмас. Банклар тизимлари бизнес таркибидаги фарқлар ва рейтинглар қўлланиладиган мақсадларда жуда катта фарқ қилади. Бизнес таркибидаги ўзгаришлар орасида банк портфелидаги йирик корпоратив кредитларнинг улуши унинг ички рейтинг тизимига энг катта таъсир кўрсатади.

Олиб борилган тадқиқотда "Катта корпоратив бозорга эга бўлган банклар нисбатан паст рискли кредитлар орасида яхши фарқларга эришадиган рейтинг тизимидан фойда кўришлари мумкин, бошқа банклар эса бундай фарқларда сезиларли даражада камроқ қиймат топишлари мумкин"⁴ деб хулосага келганлар.

Бундан ташқари, мустақил кредит ходимлари кўпинча йирик кредитларни баҳолаш учун жавобгардир. Бундай келишув потенциал рағбатлантирувчи можароларни сезиларли даражада камайтириши мумкин, лекин кўпинча муносабатлар менежерлари томонидан баҳоланадиган кичикроқ кредитлар учун иқтисодий бўлиш учун жуда катта бўлган ҳар бир кредит харажатларини ўз ичига олиши мумкин. Кичикроқ кредитлар, шунингдек, банк даромадлари ва капитали учун камроқ хавф туғдиради ва шунинг учун баҳолаш хатолари ва нотўғри қарашларга тоқат қилиш мумкин.

"Рейтинг агентликлари капитал бозорларида муҳим рол ўйнайди, бу эса институционал инвесторларнинг активларини тақсимлашда раҳбарлик қилади, чунки хусусий капитал бутун дунё бўйлаб эркин ҳаракатланади, хавф ва даромад ўртасидаги энг яхши келишувни излайди"⁵.

Almaskati, N. ўзининг олиб борган тадқиқотларида банкларни рейтинг тизими орқали баҳолаш механизмлари сифатида учта муҳим хусусиятларга таяниш зарур деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрича, буларга "тижорат банкларига таъсир қилувчи рисklarни бошқариш механизми, рақамли бошқарув ҳамда банклар ўртасидаги рақобат"⁶.

Туркиялик олимлар фикрича, "банклар фаолиятини баҳолаш рейтинги механизмлари яратишда уларнинг 5 та муҳим кўрсаткичларини олиш зарур деб ҳисоблайди. Банкларнинг иқтисодий кўрсаткичлари, рақобат бозоридаги ўрни, қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти, халқаро бозордаги ўрни ҳамда халқаро рейтинглар томонидан берилган баҳо"⁷.

Иқтисодчи олим J. Koley Ҳиндистон банклари таҳлилини ўтказиш жараёнида "рейтинг тизими асосида банкларни баҳолаш механизмлари фақат таққослама таҳлил асосида амалга ошириш" мақсадга мувофиқлигини келтириб ўтади⁸. Бундан ташқари кўплаб тадқиқотчилар фикрича "тижорат банкларини рейтинг тизими асосида баҳолаш механизмлари сифатида белгиланган халқаро стандартлар асосида амалга ошириш" таклиф этилган⁹.

Patra, B., Padhan, P. C., & Padhi, P. лар ўз тадқиқотларида "тижорат банкларини рейтинг тизими асосида баҳолаш механизмлари фақат банклар бозорида иштирок

⁴ <https://www.federalreserve.gov/pubs/bulletin/1998/1198leadw.pdf>

⁵ Langor, Herwig M.; Langor, Patricia T. *Rating Agencies and Their Credit Ratings: What They Are, How They Work, and Why They Are Relevant*. Chichester, West Sussex, England; Hoboken, NJ: John Wiley. Date of creation. 2008. Internet resource (526 pages) ISBN identifier: 1-119-20878-5.

⁶ Almaskati, N. (2022). The determinants of bank profitability and risk: A random forest approach. *Cogent Economics & Finance*, 10(1), 2021479. DOI: 10.1080/23322039.2021.2021479.

⁷ Büyükkşalvarcı, A., & Abdioğlu, H. (2011). Determinants of capital adequacy ratio in Turkish Banks: A panel data analysis. <https://doi.org/10.5897/ajbm11.1957>.

⁸ J. Koley (2019). Analysis of financial position and performance of public and private sector banks in India: A comparative study on SBI and HDFC Bank. *A Multidisciplinary Online Journal of Netaji Subhas Open University, India*, 2(1), 1-14.

⁹ Dadhich, M., Pahwa, M. S., Goswami, S., & Rao, S. S. (2021, May). Analytical study of financial wellbeing of selected public and private sector banks: a CAMEL approach. In *2021 Emerging Trends in Industry 4.0 (ETI 4.0)* (pp. 1-6). IEEE. DOI: 10.1109/ETI4.051663.2021.9619424.

этайётган барча молиявий институтларни ҳам биргаликда рейтингини эълон қилиш зарурлигини келтириб ўтишган. Олимларнинг фикрича бозор иштирокчиларининг барчасига бериладиган рейтинг бу бозордаги ҳолатни мижозлар учун тўғри акс эттириш имкониятини яратади” деб ҳисоблайдилар¹⁰. Shaddady, A., & Moore, T. лар фикрича “банклар рейтингини баҳолашнинг энг яхши механизми сифатида CAMELS-DEA тизими” деб ҳисоблайдилар¹¹.

Юқорида кўриб чиқилган тижорат банкларини рейтинг тизими асосида баҳолаш механизмлар турлича талқин этилганини кўриш мумкин. Аммо олиб борилган тадқиқотларнинг барчасида тижорат банкларини рейтинг тизими асосида баҳолаш зарурлигини ҳамда бу баҳо мижозларнинг банкларга ишончини янада мустаҳкамлашини кўрсатиб берган.

Тадқиқот методологияси: Банклар бозорида тенг рақобат шароитларни яратиш орқали банкларнинг рейтингини шаффоф ва адолатли ташкил этиш механизминини яратиш ва шу орқали банкларнинг фаолиятига ҳолисона баҳо бериш имкониятини бериши мумкин.

Таҳлил ва натижалар: Кейинги йилларда олиб борилаётган банк тизимидаги ислохотлар “Ўзбекистонда банк тизими ҳали ҳам фаол ривожланиш босқичида ва давлат банкларини хусусийлаштиришга тайёрланмоқда. Банк секторидаги давлат улушини 2025 йилда жорий 82 фоиздан 40 фоизгача камайтириш режалаштирилган. Банк тизимидаги ўзгаришлар ва рақобат муҳитининг ўсиши хусусий банкларни, хусусан, инновацион молиявий маҳсулотлар ва хизматларни излаш орқали янада ривожлантириш зарурлигини кўрсатади”¹².


Жаҳон амалиётида банкларни рейтинг тизими асосида баҳолашда турли механизмлардан фойдаланилади. Ушбу механизмларни амалга ошириш тамойиллари ҳар хил кўринишда бўлиб, асосий мақсад банк тўғрисидаги маълумотлар инвесторлар ҳамда мижозлари учун ишончли бўлиши зарур ҳисобланади. Жумладан, JCR ER томонидан қўлланиладиган банк рейтинг тизимлари етарлича кўп қиррали бўлиб, улар рейтинг натижалари ва процедураларини аниқ механизмлар асосида кўрсатиб беради. Рейтинг методологиясининг муҳим жиҳати банклар фаолият соҳаларини, ушбу йўналишлар билан боғлиқ рискларни, банк раҳбарияти ва ҳамкорларининг умидлари ва мақсадларини, мумкин бўлган ўзгаришлар ва умумий ижтимоий-иқтисодий муҳитдаги барча ҳодисаларни тушунишга уринишдир.

Шунингдек, макродаражада ва банкнинг жорий ҳолатида халқаро миқёсда тўғри келадиган нуқтаи назарга келиш ва ноёб, тармоқ, минтақавий ва миллий вазиятларни ҳеч қандай зарар етказмасдан ҳолисона баҳолаш. JCR ER банкларни турли сифат ва миқдорий мезонлар асосида баҳолайди. Улардан энг муҳимлари:

¹⁰ Patra, B., Padhan, P. C., & Padhi, P. (2023). Efficiency of Indian Banks—private versus public sector banks: A two-stage analysis. *Cogent Economics & Finance*, 11(1), 2163081. DOI: 10.1080/23322039.2022.2163081.

¹¹ Shaddady, A., & Moore, T. (2019). Investigation of the effects of financial regulation and supervision on bank stability: The application of CAMELS-DEA to quantile regressions. *Journal of International Financial Markets, Institutions and Money*, 58, 96-116.

¹² https://uza.uz/uz/posts/ozbekistondagi-eng-faol-banklar-reytingi-yangilandi_411538



1-расм. JCR ER агентлиги томонидан банкларни рейтинг асосида баҳолаш механизми¹³.

Ушбу механизмда асосий эътибор ички ва ташқи рискларнинг кўрсаткичларига қаратилишини кўриш мумкин. Бу ерда яна эътибор берадиган жиҳат муҳитни ҳам ҳисобга олиниши келтириб ўтиш мумкин. Банк мижозлари бўлган корхона ва ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш ҳамда операцион муҳитларни ҳам рейтинг баҳолаш механизмига киритилиши ҳозирги кунда жуда муҳим деб қраш мумкин. Кейинги ҳолат бу банкларнинг бошқариш (менежмент) фаолиятини ҳам ҳисобга олиниши бўлса, кейингиси бу уларнинг стратегияси яъни кейинги йиллар учун ишлаб чиқилган стратегиядаги ривожланиш концепцияси эканлигидир.

Айрим давлатларда умумий жаҳон рейтинг тизимидан фарқли ўлароқ ўзларини миллий рейтинг баҳолаш механизмини таклиф этадилар. Жумладан, Ҳиндистондаги банклар юқори даражада тартибга солинади ва Ҳиндистон захира банки (RBI) ваколатига киради. Кредитнинг ўсиши ва сиёсат ставкаларининг ўтказилиши банк тизимининг фаолиятига жуда боғлиқ. CRISIL Ratings банклар ва молия институтларини (FI) таҳлил қилиш учун CAMEL асосига амал қилади, бу эса капиталнинг етарлилиги, ресурс профили, активлар сифати, бошқарув, даромад ва ликвидликни баҳолашни назарда тутди. Бундан ташқари, бозордаги мавқеи ҳам омил ҳисобланади. Ушбу мезон ҳужжатида тушунтирилган тушунчалар FI га ҳам кенг тааллуқлидир. Қўллаш доирасига эътибор қартадиган бўлсак, ушбу мезон ҳужжати банкларнинг (шу жумладан кичик молия банклари) ва бутун Ҳиндистон молия институтларининг (AIFI) кредит сифатини баҳолаш учун CRISIL Ratings ёндашувини таъкидлайди. CRISIL Ratings банклар ва FI ларни, шунингдек, бошқа молиявий компанияларни баҳолаш учун CAMEL тизимидан фойдаланади¹⁴.

Кейинги механизм бу IIRA нинг тижорат банклари учун рейтинг тизими таҳлилнинг учта кенг йўналишини ўз ичига олади. Баҳолаш тижорат банкларининг таваккалчилик профилига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган тизим миқёсидаги ташқи омиллардан бошланади, сўнгра тижорат банкларининг мустақил операцион профили, шунингдек, муассаса учун мавжуд бўлиши мумкин бўлган ташқи ёрдамни баҳолашдан бошланади¹⁵.

Жаҳон амалиётида янги кириб келган рейтинг баҳолаш механизми бу CAMEL рейтинг тизимига асосланган, бўлиб, уни баҳолаш механизмига яшил кўрсаткични қўшди ва G-CAMELS рейтинг тизимини шакллантирди. Молия институтларининг бизнес фаолиятини тўлиқроқ баҳолаш учун CAMELS рейтинг тизимига асосланган такомиллаштирилган рейтинг тизими таклиф этилган. Аниқланишича, G-CAMELS тизимида энтропия вазни усулидан фойдаланганда яшил индекснинг оғирлиги анча

¹³<https://www.jcrer.com.tr/en/methodology/bank-and-financial-institutions-credit-rating-methodology/bank-credit-rating-methodology> сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

¹⁴https://www.crisil.com/content/dam/crisil/criteria_methodology/financials/Rating-criteria-for-banks-and-financial-institution.pdf

¹⁵ <https://docs.iirating.com/Docs/Meth-CommercialBank.pdf>


катта, шунинг учун у молия саноатининг атроф-муҳитга таъсирини оширади. Банкларнинг атроф-муҳитга мумкин бўлган таъсирини ҳисобга олган ҳолда, G-CAMELS баҳолаш тизими молия институтлари ҳолатини ҳар томонлама баҳолаши мумкин. Шундай қилиб, G-CAMELS нинг назарий асосларига асосланиб, атроф-муҳит омилларини тизимнинг алоҳида қисми сифатида ажратиб кўрсатиш молия саноатининг атроф-муҳитга таъсирини кучайтиради ва шу орқали банкларни ижтимоий масъулиятни ўз зиммасига олишга ва барқарор ривожланишга эришишга рағбатлантиради.

Хитойда яшил кредитлаш сиёсати аллақачон таклиф қилинган бўлса-да, тижорат банклари барқарор ривожланишга эришиш учун тегишли сиёсатларнинг аҳамиятини чуқур англамайдилар. Рағбатлантириш механизмининг номукамаллиги банкларнинг экологик сиёсатни амалга оширишдаги фаоллигини сусайтирди¹⁶.

Хорижий тажрибаларда қўлланилиб келаётган DBRS Morningstar ёндашуви механизми. Ушбу методология глобал миқёсда рейтинг банклари ва банк ташкилотлари учун жорий DBRS Morningstar ёндашувини ифодалайди. У тарихий ва кутилаётган бизнес ҳамда молиявий риск омилларини, шунингдек, соҳага оид муаммоларни, минтақавий истиқболларни ва бошқа субъектив омилларни ҳисобга олишни ўз ичига олган кредит таҳлилига DBRS Morningstar ёндашувини тавсифлайди. Ушбу механизм миқдорий ва сифат омилларининг комбинациясини ўз ичига олади. Ушбу методология банклар ва банк ташкилотларининг рейтингини белгилайди. Услуг, шунингдек, банк фаолиятининг катта қисмига эга бўлган, лекин расмий равишда банк сифатида тартибга солинмаган молия институтларига, шунингдек, банк сифатида ташкил этилган, аммо банкдан ташқари фаолиятнинг сезиларли улушига эга бўлган юридик шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Методология қуйидаги соҳаларни қамраб олади¹⁷:

- банклар ва банк ташкилотларининг рейтингига ёндашув;
- банкларда ички баҳолашни аниқлаш;
- банкларни қўллаб-қувватлаш баҳолари;
- банк мажбуриятлари ва банк холдинг компаниялари рейтингини.

Айрим банклар фаолиятига қўлланиладиган баҳолаш механизми Weiss Bank ва Credit Union рейтинглари ҳисобланади. Ушбу механизм бешта индексда синтез қилинган юзлаб омилларни ҳар томонлама таҳлил қилишга асосланган хавфсизлик рейтинглари: капиталлашув, активлар сифати, рентабеллик, ликвидлик ва барқарорликни ўз ичига олади. Ҳар қандай индекс бўйича заиф балл паст рейтингга олиб келиши мумкин, чунки молиявий муаммолар капиталнинг етарли эмаслиги, ишламайдиган кредитлар ва сифатсиз активлар, операцион йўқотишлар, ёмон ликвидлик ёки шўъба корхона банкротлиги каби бир қатор омилларнинг ҳар қандай ҳолатдан келиб чиқиши мумкин. Банклар ва кредит уюшмалари рейтингларининг таърифлари қуйидаги расмда ифодаланган¹⁸.



3-расм. Банкларни рейтингини аниқлаш механизми¹⁹.

Кейинги баҳолаш механизмини амалга ошираётган Wunder Digital агентлиги ҳисобланади. Wunder Digital мутахассислари томонидан рейтинг баҳолаш механизмини асосан банкларни асосий кўрсаткичлари асосида баҳолашга қаратилган.


¹⁶ Гуан, Ф.; Лю, К.; Се, Ф.; Чен, Х. Оценка конкурентоспособности коммерческих банков Китая на основе системы оценки G-CAMELS. Устойчивое развитие 2019 , 11 , 1791. <https://doi.org/10.3390/su11061791>. <https://www.mdpi.com/2071-1050/11/6/1791>

¹⁷ <https://www.dbrsmorningstar.com/>

¹⁸ <https://weissratings.com/en/products/credit-union-ratings>

¹⁹ <https://weissratings.com/en/products/credit-union-ratings> сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Индексни ҳисоблашда банк кўрсаткичлари молиявий воситачилик, молиявий оммабоплик, капиталнинг етарлилиги, активлар сифати, бошқарув самарадорлиги, даромадлилик ҳамда ликвидлик йўналишларда қўлланилган.



1-расм. Wunder Digital компанияси томонидан банкларни баҳолаш механизми²⁰.

Агентлик мамлакат банклари веб-сайтларининг янгиланган тадқиқоти билан ўртоқлашади. Wunder Digital мутахассислари анъанавий равишда Google ва Yandex-да қидирув сўровларини ўрганишди, шунингдек, иккала тизимда ҳам умумий кўриниш рейтингини тузадилар.

"Wunder Digital SEO жамоаси Ўзбекистондаги ҳар бир сўров бўйича энг яхши қидирув натижаларидан 29 та сайтни таҳлил қилди. Google ва Yandex-да сайтнинг кўринишини ҳисоблаш учун қидирув тизимининг "оғирлиги" ни ҳисобга олган ҳолда умумий кўриниш формуласи ишлатилган. Бунинг натижасида умумий қидирувчилар улуши Yandex - 11,9%, Google - 88,1% ташкил этган".

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази томонидан Ўзбекистон банк тизимидаги ислохотлар ва трансформация жараёнлари самарадорлиги, рақобат муҳити ўзгариши ҳамда барқарорлик даражасини баҳолаб бориш мақсадида "Банклар фаоллик индекси" ишлаб чиқилган. Марказ мазкур индексга асосан ҳар чоракда 31 тижорат банклари рейтингини янгиллаб бормоқда. 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегиясига асосан, "Ипотека банк", "Ўзсаноатқурилишбанк", "Асака банк", "Алоқа банк", "Қишлоқ қурилиш банк" ва "Турон банк"даги давлат улушини босқичма-босқич хусусийлаштириш режалаштирилган. Биринчи босқичда, банклар фаолиятини трансформация қилиш, иккинчи босқичда давлат акциялар пакетини сотиш кўзда тутилган.

Йирик давлат банклари хусусийлаштирилгандан сўнг, молиявий хизматлар бозорида жиддий ўзгаришлар юз бериши, натижада янги хизматлар ва рақобатнинг янада кучайиши кутилмоқда²¹.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази (СЕРР) 2023-йилнинг биринчи чораги учун "Банк фаолияти индекси"ни ҳисоблаб чиқди, унинг асосида банклар рейтингини янгиланди. Индекс республикадаги 29 та тижорат банклари учун уларнинг икки гуруҳга: йирик (17) ва кичик (12) банкларга бўлинишини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилган. Индексни ҳисоблашда 7 та йўналиш бўйича 21 та кўрсаткич баҳоланади.

²⁰ Wunder Digital компанияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

²¹ <https://aniq.uz/yangiliklar/2021-yil-4-chorak-uchun-uzbekistonning-eng-faol-banklari-aniqlandi>



1-расм. Рейтингни ҳисоблаш йўналишлари²²

Ўрганиш ҳар чоракда банк активларида хусусий сектор улушининг ўзгаришини мониторинг қилиш, шунингдек, мамлакат банк секторидаги ислохотлар ва трансформация жараёнлари самарадорлигини баҳолаш мақсадида ўтказилади²³.

Ушбу марказ маълумотларидан фойдаланган ҳолда тижорат банкларини молиявий воситачилик бўйича беш йиллик маълумотларидан уларнинг рейтингини таҳлил қиламиз. Тижорат банкларини молиявий воситачилик тушунчаси кенг маънода талқин этилишини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг энг муҳим хусусияти тижорат банклари иқтисодиётнинг "қон томир тизими" бўлиб, аҳоли ва бизнеснинг тўпланиб қолган жамғармаларини тақсимлаш орқали иқтисодиётни зарур молиявий ресурслар билан таъминлайди.

Бу воситачилик "иқтисодиётни янада ривожлантириш учун зарур бўлган "ёқилғи" билан таъминлайдиган омилидир. Воситачи сифатида тижорат банклари пул маблағларидан фойдаланганлиги учун фоиз тўлаш шarti билан омонатларни жалб қиладилар ва уларни аҳоли ва тадбиркорларга кредитлар ва инвестициялар шаклида фоиз эвазига тақдим этадилар²⁴.

Банклар тўлов тизими деб аталадиган муҳим воситачилар бўлиб, бу иқтисодиётга товар ва хизматларни пул ёки бошқа молиявий активларга алмаштиришда ёрдам беради. Бундан ташқари, қўшимча пулга эга бўлган одамлар жамғармоқчи бўлган пулларини улардан қарз олишга тайёр бўлган одамни қидириб, кейинроқ тўлашдан кўра, банкда сақлашлари мумкин. Қарз олоқчи бўлганлар нақд пул бериш учун одам топишга уринмасдан, тўғридан-тўғри банкка мурожаат қилишлари мумкин. Шундай қилиб, банклар молиявий воситачи сифатида ишлайди - улар омонатчилар ва қарз олувчиларни бирлаштиради²⁵.

1-жадвал

"Банклар фаоллик индекси"да молиявий воситачилик кўрсаткичи бўйича банкларнинг рейтинги²⁶

№	Банклар	2020 йил 3-чорак*	2021 йил 4- чорак	2022 йил 3- чорак	2022 йил 4- чорак	2023 йил 1- чорак
---	---------	----------------------	-------------------------	-------------------------	-------------------------	-------------------------

²² <https://yuz.uz/ru/news/opredelen-naibolee-aktivne-banki-uzbekistana-za-i-kvartal-2023-goda-chto-izmenilos>

²³ <https://yuz.uz/ru/news/opredelen-naibolee-aktivne-banki-uzbekistana-za-i-kvartal-2023-goda-chto-izmenilos>

²⁴ <https://finlit.uz/oz/articles/financial-market/commercial-banks/>

²⁵ <https://courses.lumenlearning.com/wm-introductiontobusiness/chapter/banks-as-financial-intermediaries/>

²⁶ Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

1.	Капитал	3	1	1	1	1
2.	Азия Альянс банк	10	9	7	10	3
3.	Ҳамкор банк	18	5	6	2	9
4.	Ипак йўли банк	28	7	2	6	14
5.	Траст банк	15	3	3	14	8
6.	Ориент Финанс банк	13	2	15	3	7
7.	Ипотека банк	21	15	8	7	15
8.	Алоқа банк	11	4	14	4	4
9.	Инвест Финанс банк	8	12	5	15	2
10.	Микрокредит банк	22	8	11	8	6
11.	Халқ банки	17	11	10	13	5
12.	Ўзмилий банк	29	14	4	5	17
13.	Қишлоқ қурилиш банк	23	16	13	12	10
14.	Агробанк	20	10	17	17	13
15.	Ўзсаноатқурилиш банк	27	6	16	16	16
16.	Асака банк	24	17	12	11	11
17.	Турон банк	19	13	9	9	12

*31 та банк орасида берилган баҳо, кейинги йилларда давлат улуши мавжуд бўлган банклар олинган.

Юқоридаги жадвал асосида банкларнинг молиявий воситачилик бўйича ўрнига баҳо берадиган бўлсак, таҳлил қилинаётган давр оралиғида энг яхши кўрсаткич Капитал банкда сақланиб қолганини кўриш мумкин. Бундан кейинги ўринда албатта икки йил давомида 4 ўринда келаётган Алоқа банкни айтиб ўтиш мумкин. Инвест Финанс банк эса 2022 йилга нисбатан 2023 йил биринчи чорагида 13 поғанига кўтарилганини таҳлил қилиш мумкин.

Молиявий воситачилик деярли уч йилдан бери ўзгармай келаётган Ўзсаноатқурилиш банки банклар орасида 16 ўринни эгаллаб келмоқда. 2023 йил биринчи чорагида энг ёмон натижа кўрсатган банклар қаторига Ўзмилийбанкни келтириб ўтиш мумкин. Банк 2022 йил 4-чорагида 5 ўринни эгаллаган бўлса, 2023 йил биринчи чорагида 17 ўринни эгаллаган. Ушбу банк 2023 йил биринчи чорагида молиявий воситачиликнинг пасайишини кўрсатмоқда, бу эса муддатли депозитларнинг кредитларга нисбатини янада ошириш, бошқа банклар ва молия институтларидан олинган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

2-жадвал

“Банклар фаоллик индекси”да даромад олиш кўрсаткичи бўйича банкларнинг рейтинги²⁷

№	Банклар	2020 йил 3-чорак*	2021 йил 4-чорак	2022 йил 3-чорак	2022 йил 4-чорак	2023 йил 1-чорак
1.	Капитал	5	12	12	13	9
2.	Азия Альянс банк	9	4	2	2	7
3.	Ҳамкор банк	1	3	1	8	1
4.	Ипак йўли банк	10	1	5	1	2
5.	Траст банк	7	8	11	3	3
6.	Ориент Финанс банк	13	5	3	10	4
7.	Ипотека банк	17	2	4	4	6
8.	Алоқа банк	8	11	6	14	13
9.	Инвест Финанс банк	19	6	13	5	11

²⁷ Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

10.	Микрокредит банк	16	15	15	9	12
11.	Халқ банки	12	16	9	16	8
12.	Ўзмилий банк	23	10	10	12	5
13.	Қишлоққурилиш банк	27	7	16	15	14
14.	Агробанк	18	14	7	6	16
15.	Ўзсаноатқурилиш банк	21	13	8	7	10
16.	Асака банк	25	9	14	11	17
17.	Турон банк	26	17	17	17	15


*31 та банк орасида берилган баҳо, кейинги йилларда давлат улуши мавжуд бўлган банклар олинган.

“Банклар фаоллик индекси”да даромад олиш кўрсаткичи бўйича таҳлил қилинганда, 2023 йил 1-чорак якуни бўйича Ҳамкор банк биринчи ўринни эгаллаган бўлса, 2022 йилда биринчи ўринни эгаллаган Ипак йўли банки 2023 йил 1-чорагида бир пағонага пастлаб 2 ўринни эгаллаган.

Йирик банклар рейтингда “Ҳамкорбанк” етакчиликти сақлаб қолган бўлса, “Ипак йўли банк” банк 1 пағонага пастлаган, рейтингнинг 3-пағонасига кетма-кет икки йил “Трастбанк” эгаллаган.

“Ипотека банк” ўтган йилга нисбатан 2 пағона пастлаб рейтингда ўз мавқеини йўқотмоқда. Ушбу банк 6-ўринни эгаллаб, “Ориент Финанс банк”ка ўз ўрнини бўшатиб берди.

Шу билан бирга, “Миллий банк” 7 пағонага, “Халқ банк” 8 пағонага ва “Капитал Банк” 4 пағонага кўтарилган бўлса, “Азия Альянс банк” 5 пағонага, “Агробанк” бир йўла 10 пағонага ва “Микрокредитбанк” 3 пағонага пастлаган.




2-расм. Ҳамкор банк соф фойдаси (2022 йил 4-чорак, 2023 йил 1-чорак маълумотлари асосида тайёрланган)²⁸

Ҳамкор банкни йиллар бўйича олган соф фойда кўрсаткичини таҳлил қилганимизда, банкнинг даромад олиш салоҳияти кўрсаткичи 2022 йил 4-чорагида сезиларли пасайганини, 2023 йил 1-чорагида ҳам пасайганини кўриш мумкин. Шунинг учун банкнинг даромад олиш рейтинги 2022 йил 4-чорагида 8-ўринни эгаллаган.

Кейинги таҳлил қилаётган ташкилотимиз “Ahbor-Reyting” МЧЖ рейтинг агентлиги бўлиб, уларнинг ҳисоблаш методикаси бошқа рейтинг агентликларидан фарқли равишда кўплаб омилларни қамраб олади. Ушбу механизм Агентлик томонидан махсус ишлаб чиқилган методологияга асосланади ва банк активлари ҳажмига кўра гуруҳларга бўлинган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг банк секторларининг умумий ва бевосита банклар томонидан ҳар томонлама таҳлилини ўз ичига олади.

Бундан ташқари “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги ўз миждозларига кенг қўламли хизматларни тақдим этади, жумладан:

²⁸ <https://www.hamkorbank.uz/upload/iblock/87c/87c340760e962f70e3b1496bcf00349b.pdf> (сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди)



1-расм. "Ahbor-Reyting" рейтинг агентлигининг хизматлари²⁹.

Келгуси ёки икки йил ичида рейтинг қайси йўналишда силжиши мумкинлигини кўрсатиш учун "Ahbor-Reyting" РА агентлиги мутахассислари рейтингнинг ривожланиш динамикасини прогноз қилади; у "ижобий", "барқарор" ёки "салбий" бўлиши мумкин. Рейтингнинг ижобий ёки салбий прогнозга эга бўлиши рейтингнинг ўзгариши кутилатганлигини англатмайди.

Шунга ўхшаб, агар шароит талаб қилса, барқарор прогнозга эга рейтинг прогноз ижобий ёки салбий бўлишидан олдин ҳам юқорига ёки пастга қараб қайта кўриб чиқиши мумкин. Баъзи истисно ҳолларда, "Ahbor-Reyting" агентлиги мутахассислари рейтинг ривожланиш динамикасининг асосий йўналишини аниқлай olmayдилар. Ушбу рейтингга "ривожланаётган" прогноз берилган.

Белгиланган рейтинглар рейтингни кузатиш рўйхатига жойлаштирилади, бу эса инвесторларни рейтингнинг ўзгариши эҳтимоли жуда юқори эканлиги ҳақида огоҳлантиради. Бундай ўзгаришларнинг эҳтимолий йўналиши ҳам кўрсатилган. Ижобий (юқорига қараб қайта кўриб чиқиш мумкин), Салбий (пастга қараб қайта кўриб чиқиш мумкин) ёки Ривожланаётган (рейтинг кўтарилиши, пасайтирилиши ёки ўзгаришсиз қолдирилиши мумкин). Қоида тариқасида, рейтингнинг ўзгариши жуда тез содир бўлади, шундан сўнг рейтинг Рейтингни кузатиш рўйхатидан чиқарилади³⁰.

Хулоса ва таклифлар:

Юқорида келтирилган тадқиқотлар асосида тижорат банкларини рейтинг тизими асосида баҳолаш механизмлари бўйича қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

- тижорат банкларини рейтинг тизими асосида баҳолаш механизмларини амалга ошириш тамойиллари ҳар хил кўринишда бўлиб, асосий мақсад банк тўғрисидаги маълумотлар инвесторлар ҳамда миқозлари учун ишончли бўлиши зарурлиги асослани;
- тижорат банкларини рейтинг тизими асосида баҳолаш механизмларида деярли барча кўрсаткичлари сифатида молиявий воситачилик, молиявий оммабонлик, капиталнинг етарлилиги, активлар сифати, бошқарув самарадорлиги, даромадлилик ҳамда ликвидлик йўналишлари асосида тузилиши таҳлил қилинди;
- банкларнинг атроф-муҳитга мумкин бўлган таъсирини ҳисобга олган ҳолда, G-CAMELS баҳолаш тизими молия институтлари ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш имконияти юқори бўлган механизмдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги таклиф этилди;

²⁹ <https://uba.uz/ru/about/organizations/rejtingovoe-agentstvo-ahbor-reyting/>

³⁰ <https://ahbor-reyting.uz/ru/%d0%bf%d1%80%d0%be%d0%b3%d0%bd%d0%be%d0%b7-%d0%bf%d0%be-%d1%80%d0%b5%d0%b9%d1%82%d0%b8%d0%bd%d0%b3%d1%83/>

- Weiss Bank va Credit Union рейтинглари бешта индекса синтез қилинган юзлаб омилларни ҳар томонлама таҳлил қилишга асосланган хавфсизлик рейтингларини ўзида қамраб олиши асосланди. Ушбу рейтинг механизмларини ҳисоблашдаги молиявий муаммолар капиталнинг етарли эмаслиги, ишламайдиган кредитлар ва сифатсиз активлар, операцион йўқотишлар, ёмон ликвидлик ёки шўъба корхона банкротлиги каби бир қатор омилларнинг ҳар қандай ҳолатидан келиб чиқиши мумкинлиги асосланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон "2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги Фармони. Lex.uz
2. Almaskati, N. (2022). The determinants of bank profitability and risk: A random forest approach. *Cogent Economics & Finance*, 10(1), 2021479. DOI: 10.1080/23322039.2021.2021479.
3. Büyükkşalvarcı, A., & Abdioğlu, H. (2011). Determinants of capital adequacy ratio in Turkish Banks: A panel data analysis. <https://doi.org/10.5897/ajbm11.1957>.
4. Dadhich, M., Pahwa, M. S., Goswami, S., & Rao, S. S. (2021, May). Analytical study of financial wellbeing of selected public and private sector banks: a CAMEL approach. In *2021 Emerging Trends in Industry 4.0 (ETI 4.0)* (pp. 1-6). IEEE. DOI: 10.1109/ETI4.051663.2021.9619424.
5. Koley J. (2019). Analysis of financial position and performance of public and private sector banks in India: A comparative study on SBI and HDFC Bank. *A Multidisciplinary Online Journal of Netaji Subhas Open University, India*, 2(1), 1-14.
6. Langor, Herwig M.; Langor, Patricia T. *Rating Agencies and Their Credit Ratings: What They Are, How They Work, and Why They Are Relevant*. Chichester, West Sussex, England; Hoboken, NJ: John Wiley. Date of creation. 2008. Internet resource (526 pages) ISBN identifier: 1-119-20878-5.
7. Patra, B., Padhan, P. C., & Padhi, P. (2023). Efficiency of Indian Banks—private versus public sector banks: A two-stage analysis. *Cogent Economics & Finance*, 11(1), 2163081. DOI: 10.1080/23322039.2022.2163081.
8. Shaddady, A., & Moore, T. (2019). Investigation of the effects of financial regulation and supervision on bank stability: The application of CAMELS-DEA to quantile regressions. *Journal of International Financial Markets, Institutions and Money*, 58, 96-116.
9. Wunder Digital компанияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.
10. Гуан, Ф.; Лю, К.; Се, Ф.; Чен, Х. Оценка конкурентоспособности коммерческих банков Китая на основе системы оценки G-CAMELS. *Устойчивое развитие 2019*, 11, 1791. <https://doi.org/10.3390/su11061791>. <https://www.mdpi.com/2071-1050/11/6/1791>
11. Татьяна Родионова (Автор), Максим Гогонов (Автор). Рейтинг банков: состояние и развитие методологий. *Our Knowledge* (21 июня 2021 г.) Язык : Английский. 116 с.
12. <https://ahbor-reyting.uz/ru/%d0%bf%d1%80%d0%be%d0%b3%d0%bd>
13. <https://aniq.uz/yangiliklar/2021-yil-4-chorak-uchun-uzbekistonning-eng-faol-banklari-aniqlandi>
14. <https://courses.lumenlearning.com/wm-introductiontobusiness/chapter/banks-as-financial-intermediaries/>
15. <https://docs.iirating.com/Docs/Meth-CommercialBank.pdf>
16. <https://finlit.uz/oz/articles/financial-market/commercial-banks/>
17. <https://lex.uz/docs/4811025>
18. <https://uba.uz/ru/about/organizations/rejtingovoe-agentstvo-ahbor-reyting/>
19. https://uza.uz/uz/posts/ozbekistondagi-eng-faol-banklar-rejtingi-yangilandi_411538
20. <https://weissratings.com/en/products/credit-union-ratings>
21. https://www.crisil.com/content/dam/crisil/criteria_methodology/financials/Rating-criteria-for-banks-and-financial-institution.pdf
22. <https://www.dbrsmorningstar.com/>
23. <https://www.federalreserve.gov/pubs/bulletin/1998/1198leadw.pdf>
24. <https://www.forbes.ru/finansy/477479-10-nadezhnyh-bankov-uzbekistana-rejting-forbes>
25. <https://www.hamkorbank.uz/upload/iblock/87c/87c340760e962f70e3b1496bcf00349b.pdf> (сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди)

26. <https://www.jcrer.com.tr/en/methodology/bank-and-financial-institutions-credit-rating-methodology/bank-credit-rating-methodology> сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.
27. <https://yuz.uz/ru/news/opredelen-naibolee-aktivne-banki-uzbekistana-za-i-kvartal-2023-goda-chto-izmenilos>
28. <https://yuz.uz/ru/news/opredelen-naibolee-aktivne-banki-uzbekistana-za-i-kvartal-2023-goda-chto-izmenilos>

Тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашнинг хориж тажрибаси**Карабев Нодир Абдуҳамидович**Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: qoraboev-nodir@mail.ru

Аннотация: Иқтисодий инқироз банкларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Банк муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва зарур бошқарув чораларини кўриш учун унинг ишончилигини баҳолашнинг рейтинг усуллари жуда муҳимдир. Мақолада банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг маҳаллий ва хорижий усуллари кўриб чиқилади, уларнинг камчиликлари ва афзалликлари аниқланади ҳамда янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилади.

Аннотация: Экономический кризис негативно влияет на финансовую устойчивость банков. Рейтинговые методы оценки надежности банка очень важны для того, чтобы вовремя выявить проблемы банка и принять необходимые управленческие меры. В статье рассматриваются отечественные и зарубежные методы оценки финансовой устойчивости банков, выявляются их недостатки и преимущества, а также даются рекомендации по дальнейшему совершенствованию.

Abstract: The economic crisis has a negative impact on the financial stability of banks. Rating methods for assessing the bank's reliability are very important in order to identify bank problems in time and take necessary management measures. The article examines domestic and foreign methods of assessing the financial stability of banks, identifies their shortcomings and advantages, and gives recommendations for further improvement.

Таянч сўзлар: рейтинг, банк рейтинги, CLSA-stress тест, CAMELS рейтинг тизими, комплекс рейтинг, банкометр усули, Крамонов усули, мезон.

Ключевые слова: рейтинг, рейтинг банка, CLSA-стресс-тест, рейтинговая система CAMELS, комплексный рейтинг, метод банкометра, метод Крамонова, критерий.

key words: rating, bank rating, CLSA-stress test, CAMELS rating system, complex rating, bankometer method, Kramonov method, criterion.

Кириш: 2024 йилда глобал иқтисодиётнинг секинлашуви ва турли хил иқтисодий ўзгаришлар банк фаолиятини қийинлаштиришини кўплаб иқтисодчилар томонидан башорат қилинмоқда. Натижада бу банкларнинг даромад олиш ва харажатларни бошқариш қобилияти янги усулларда синовдан ўтказилишига олиб келади. Жаҳондаги турли хил ўзгаришлар банк ва капитал бозорларининг асосий архитектурасини ўзгартирмоқда. Юқори фоиз ставкалари, пул таклифининг қисқариши, қаттиқроқ тартибга солиш, иқлим ўзгариши ва геосиёсий кескинликлар бу ўзгаришларнинг асосий омиллари ҳисобланади.

Барча соҳаларга кириб келаётган янги технологияларнинг юқори суръати ва кўплаб тенденцияларнинг уйғунлиги банкларнинг қандай ишлаши ва мижозлар эҳтиёжларини қондиришига кескин таъсир кўрсатади. Бунда, саноат конвергенцияси, тизимли молия, очиқ маълумотлар, пулни рақамлаштириш, декарбонизация, рақамли идентификация ва фирибгарликнинг таъсири 2024 йилда янада кучайиши барча прогнозларни амалга ошириш имкониятини чеклаб қўяди. Бизга маълумки бундай кескин ўзгаришлар таъсирида банклар одатда янги даромад моделларини синовдан ўтказиши. Инвестицион банк ва савдо корхоналари янги рақобат динамикасига мослашиши зарур

бўлади. Хусусий капиталнинг ўсиши корпоратив мижозларга ҳам, харидорларга ҳам кўпроқ қиймат таклиф қилиб, ушбу секторга қарши чиқади.

2023 йил бошида глобал банк фаолияти бошдан кечирган нотинчлик саноатни ўз стратегияларини қайта кўриб чиқишга ундади. Банк раҳбарлари АҚШ банклари учун капитал, ликвидлик ва рискларни бошқариш қоидаларига таклиф қилинаётган ўзгаришларга эътибор қаратган бўлсада, бизнес моделларини ривожлантириш учун ҳали кўп ишлар қилиниши зарурлигини белгилаб бермоқда.

“2024 йилда глобал иқтисодийнинг секинлашиши ва турли хил иқтисодий ўзгаришлар банк фаолияти учун янги муаммоларни келтириб чиқаради. Давом этаётган геосиёсий кескинликлар бутун дунё бўйлаб иқтисодий ўсишни мураккаблаштиради. Сув тошқинлари, иссиқлик тўлқинлари ва бўронлар каби экстремал об-ҳаво ҳодисалари ҳам жиддий иқтисодий таназзулга олиб келиши мумкин. Шу фонда Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) 2024 йилда жаҳон иқтисодиёти 3,0 фоиздан кўп бўлмаган ўсишни кутмоқда. 2024 йилда мўътадил ўсиш 1,4% даражасида прогноз қилинмоқда”¹.

Нафақат рақобат динамикаси, балки рақобатчиларнинг банкларни қийинлаштираётган мисли кўрилмаган суръати ва интенсивлиги ҳам ўзгариб бормоқда. Ҳозирги вақтда банклар анъанавий ва янги рақобатчиларга кескинроқ тўқнаш келишмоқда, чунки кўпроқ мижозлар ўз эҳтиёжларини молиявий бўлмаган институтлар томонидан хизмат кўрсатишига талаби ортиб бормоқда.

Мижозларнинг банклар ҳолатини таҳлил қила олмаслиги ва уларни баҳолаш ва таққослашнинг аниқ моделининг йўқлиги, шунингдек, мустақил аккредитация институтларининг йўқлиги банк тизимининг бузилишига ва таваккалчиликка олиб келди ва белгиланган чегарадан ташқарига чиқди.

Амалдаги рейтинг тизимига эга бўлиш мижозларга тўғри қарор қабул қилиш учун қимматли маълумотларни тақдим этади. Тегишли ва жамоатчилик учун очиқ бўлган рейтинг тизимининг йўқлиги банклар ўртасидаги тафовутлар эътиборга олинмаслигини англатади, бу жуда кўп зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боис, бугунги кунда миллий ва халқаро рейтинг тизимларини баҳолаш банклар учун зарурат ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётининг мавжуд шароитлари ва молия институтлари томонидан мамлакат иқтисодиётига олиб келган кўплаб муаммолар туфайли банк рейтингларининг аҳамияти сезиларли даражада ошди. Бошқа томондан, хорижий инвесторларни мамлакатга жалб қилиш банк хавфсизлигини таъминлаш учун зарур шаффофлик ва қонунчилик базасини талаб қилади. Бу сабаблар мамлакат шароитларини ҳар томонлама ва оқилона баҳолаш имконини берадиган, шунингдек, банкларнинг миллий ва халқаро талабларига жавоб берадиган мақбул аккредитация тизими зарурлигини тақозо этди. Бироқ, республикамиздаги банкларнинг ҳақиқий ва расмий рейтинг маълумотлари ҳали ошкор этилмаган ва фақат Марказий банк томонидан даврий мониторинг таҳлил этилмоқда. Бу ҳам рейтинг маълумотларига эга эмас ва фойдаланувчиларнинг талабларини қондира олмайди. Бундан ташқари, таклиф этилаётган рейтинг тизимининг самарадорлиги ва барқарорлигини ҳамда унинг асослилигини баҳолаш учун аниқ рейтинг модели ўртасидаги боғлиқлик етишмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябридаги ПҚ-300-сон “«Ўзбекистон – 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида “Банкларга халқаро тан олинган минимал стандарт ва талабларни жорий қилиш орқали меъёрлар ва назорат базаларини такомиллаштириш” вазифаси белгиланган².

Демак, ушбу қарор ижросини таъминлашда халқаро тан олинган меъёрлар ва назорат базаларини киритиш орқали банкларимиз фаолиятига аниқ баҳо бериш муҳим масала сифатида киритилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (literature review):

Ушбу йўналиш бўйича олиб борилган кўплаб тадқиқотларда рейтингни талқин этиш методикаси турлича ёндашувлар асосида амалга оширилганини кўришимиз мумкин. Жумладан, “рейтинг - бу корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш. Қоида тариқасида, корхона даражасига таъсир қилувчи омиллар сифат ва миқдорга бўлинади.

¹ <https://www2.deloitte.com/us/en/insights/industry/financial-services/financial-services-industry-outlooks/banking-industry-outlook.html>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-300-сон “«Ўзбекистон – 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.Lex.uz

Самарали омилларни аниқлаш тегишли банк рейтинг моделини аниқлаш учун муҳимдир”³.

Бошқа бир ёндашувларда, банкларни фаолиятини текшириб уларга балл белгиланиб, шу балларни йиғиндисини умумий рейтинг баҳоси деб юритилади. Алифбо кетма-кетлигида белгиланувчи усулда кўп давлатларнинг ички рейтинг марказларида фойдаланилади. Жумладан, Россия федерацияси «Коммерсант» рейтинг экспертлари банкларни уч гуруҳга бўлган - А, В, С. Бу рейтингдаги банклар барқарорлиги энг юқори бўлган банклар ҳисобланган. АС - барқарор банклар рейтинг рамзи сифатида ифодаланган. Шу билан бирга «Рейтинг» ахборот маркази банкларнинг рейтинг кўрсаткичларини қўйидагича ифодалаган:

А - энг юқори барқарорлик категорияси	В — ўрта барқарорлик категорияси	С — ноаниқ барқарорлик категорияси
•А1 — баланд барқарорлик категорияси •А2 - анча баланд барқарор категорияси •А3 - энг юқори барқарорлик категорияси	•В1 - етарли бўлмаган баланд барқарорлик категорияси •В2 - ўрта •В3 - етарли баланд барқарорлик категорияси	•С1 — жуда ноаниқ •С2 - ноаниқ •С3 - қисман ноаниқ

Расм. «Рейтинг» ахборот маркази банкларнинг рейтинг кўрсаткичлари категориялари⁴.

Бундай рейтингни аниқлашда тижорат банкларининг манбаи бўлиб банк активлари, активларнинг берилган кредитдаги қисми, устав фонди ва даромад кўрсаткичлари ҳисобланади. Албатта, халқаро миқёсда ҳам рейтингни аниқлаш учун банк капитали, активлар, даромад кўрсаткичлари асос қилиб олинади.

Айрим олимларнинг фикрича, “комплекс иқтисодий таҳлил тизимида бир неча мезонларни ҳисобга олувчи комплекс иқтисодий кўрсаткичлар сифатида рейтинг асосида иқтисодий фаолиятни баҳолаш муҳим аҳамият касб этади” деб ҳисоблайдилар⁵.

Рейтингни аниқлаш орқали бу молиявий институтлар фаолиятига баҳо бериш эмас, балки у орқали бошқарув қарорларини ҳам амалга ошириш имкони яратилишини асослайдилар. Жумладан, “рейтингни қўллаш тез ва самарали танлаш, мос бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини беради, бунинг оқибатида жаҳон амалиётида корхона, банк, инвестиция жамғармалари, суғурта компаниялари рейтинглари амалиётда кенг тарқалган” деб баҳо берадилар⁶.

Рейтингнинг дастлабки компонентини ишлаб чиқишда зарур мезонларни танлаш таҳлил мақсадлари асосида амалга оширилиши лозим, улардан белгиланган қиёслаш мезони асосида босқичларга ажратишда фойдаланиш мумкин (ишончлилик, ишбилармонлик фаоллиги, матбуотдаги обрўси, фойдалилик, молиявий ҳолати). Зарур мезонларни танлашнинг навбатдаги босқичида бирор-бир умумлаштирилган мезонлар таҳлилида юзага келувчи фарқни ўхшаш баҳоловчи ахборотли кўрсаткичларни танлаш зарур. Навбатдаги босқичда шкалаларни ишлаб чиқиш зарур, улар асосида бирор-бир мезон баҳоланади. Бунда шкала (устун) мослик хусусиятига эга бўлиши, яъни ўлчаш шкаласига нисбатан фикрларнинг инвариантлигини таъминлаши лозим.


Кейинги ўринларда танлаш тамойилини ишлаб чиқиш зарур, унинг асосида якуний рейтинг шакллантирилади. Услубий кўринишда фойдаланилган ҳисоб-китоб технологиясига боғлиқ ҳолда комплекс рейтинг баҳоларини тузишга иккита асосий ёндашувни ажратиш лозим деб ҳисоблайдилар:

³ https://www.ijfifsa.ir/article_139649.html

⁴ Коммерсант. 1993 №4 13-бет, №10, №12 10-6; Финансовой ведомост. //Россия Федерацияси журналлари. - М.:. 1993 12 апрел 5-12 б.

⁵ Antoun, R., Coskun, A., & Georgievski, B. (2018). Determinants of financial performance of banks in Central and Eastern Europe. Business and Economic Horizons, 14(3), 513-529. DOI: 10.15208/beh.2018.

⁶ Ezike, J. E., & Oke, M. O. (2013). Capital adequacy standards, Basle Accord and bank performance: The Nigerian Experience (A case study of selected banks in Nigeria). Asian Economic and Financial Review, 3(2), 146-159.



Расм. Комплекс рейтинг баҳоларини тузиш алгоритми⁷.

Бухгалтерияга оид баҳолаш фақат миқдорий кўрсаткичлар таҳлилидан фойдаланиб, банкнинг расмий молиявий ҳисоботи асосида амалга оширилади. Бу каби баҳолашни тузишда оммавий молиявий ҳисобот асосида ҳисоблаб чиқилган миқдорий шкалалар, кўрсаткичлар ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш ва қайта ишлашнинг оралиқ-статистик усуллари кенг фойдаланилади; кредит ташкилот фаолият юртишининг тузилган математик ва математик-статистик моделлари асосида баҳолаш ҳам мумкин⁸.

Эксперт баҳолаш мутахассислар томонидан уларнинг ҳар қандай фойдаланилган ахборот бўйича тажриба ва малакалари асосида ҳамда ахборотларни миқдорий ва сифатли таҳлили асосида берилади. Табиийки, рейтингларни тузишга эксперт ёндашувдан фойдаланиш маълум шароитларда барча сезиларсиз фарқларни аниқлаш ва номиқдорий ахборотларни ҳисобга олиш имконини беради, бу эса пировардида юзага келган вазиятга ўхшаш баҳони яратишга кўмаклашади, бироқ мазкур усулдан фойдаланиш ахборотлар етишмаслиги, экспертларнинг омилкорлиги ва келишолмаслик муаммоси, мутахассиснинг баҳосига субъектив омилларнинг таъсири, экспертлар гуруҳлари ишларини ташкил этиш мураккаблиги, баъзан ўхшаш баҳолаш тизимларини камчиликлари, экспертиза ўтказиш технологияси ҳамда ахборотни қайта ишлаш усуллари такомиллашмаганлиги, шунингдек бу каби тадқиқотлар нисбатан қимматлиги каби қатор қийинчиликлар билан боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, баҳолаш тизимини яратишда иккала усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Зеро банкларни табақаларга ажратиш амалиётида икки ёндашувни биргаликда олиб боришга оид етарлича мисоллар мавжуд, бунда баҳолаш тизимининг дастлабки яратилиши экспертлар томонидан намунавий гуруҳларни таҳлил қилиш асосида олиб борилган ҳамда шу тарзда олинган тизим қатъий миқдорий кўрсаткичлардан фойдаланади, узоқ вақт давомида бир марта фақат якуний формулани яратган экспертларнинг иштирокисиз якуний босқичларга ажратиш амалга оширилди.

Таҳлил ва натижалар:

Жаҳон банк амалиётида уларнинг рейтинг тизими асосида баҳолаш концепцияси турлича кўринишда амалга оширилади. Жумладан, рейтинглар тузишнинг икки асосий усули мавжуд:

- комплекс қиёслаш кўрсаткичи бўйича барча объектларни босқичларга ажратувчи ягона рейтингни тузиш (хусусий мезон, умумий балл ёки яширин кўрсаткичларга);
- бир ёки бир неча белгилар бўйича босқичларга фойдаланилиши мумкин бўлган тоифаларни тузиш (синфлар, гуруҳлар, сегментлар).

Биринчи ёндашув, баҳолаш тизими бир неча миқдорий кўрсаткичлар асосида шаклланган миқдорий таҳлилда устувор равишда фойдаланилади, бунинг натижасида берилган ўлчам воситасида объектлар бир хилда рейтинг сони ортиб бориши тартибда босқичларга ажратилади. Ушбу усулдан фойдаланишда қиёсланаётган объектларнинг энг муҳимини кўрсатиш мумкин. Ўлчов сифатида хусусий кўрсаткичлардан бири, ёки бир нечта хусусий мезонлардан ташкил топган функция сифатида шаклланивчи бирлаштирилган комплекс кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Иккинчи ёндашув бошқа тамойилга асосланган. Дастлаб бирор-бир сабаб билан транзитивлик хусусиятини сақлаб қолган ҳолда барчасига нисбатан ҳар бир объектга

⁷ Муаллиф томонидан тузилган

⁸ https://www.cfin.ru/finanalysis/banks/bank_ratings.shtml#1_1


нисбатан афзалликларни аниқлашнинг имкони йўқлиги кўзда тутилади. Бунда тадқиқ этилган йиғиндини гуруҳларга эксперт гуруҳи ишлари асосида ҳамда таснифлаш тартиботининг миқдорий маълумотларига татбиқ этиш воситаси билан тақсимлаш амалга оширилади. Бу ҳолатда ушбу ёндашув нисбатан қайишқоқ, чунки турли объектларни таҳлил қилиш имконини беради. Шундай қилиб, ҳажмига кўра сезиларли фарқланувчи банклар таҳлилини ушбу усулга мос равишда олиб бориш мақсадга мувофиқ, чунки йирик ва кичик банклар кўрсаткичларининг тузилиши бир гуруҳдан бошқасига ўтишда кучли ўзгаририлади. Якуний баҳолаш мезонини аниқлаш ва асосий қиёслаш кўрсаткичларини танлаш муҳим услубий масала ҳисобланади. Бунда нафақат рейтингни шакллантириш бўйича оралиқ иш, бевосита босқичларга ажратишнинг якуний натижаси ҳам ушбу масалага боғлиқлиги шубҳасиз.

Ҳолбуки, банкларни таснифлашнинг белгиси банк фаолиятининг алоҳида томонларини сингари (фойдалилик, ликвидлик, тўловга лаёқатлилик) бутун банк фаолиятини ҳам акс эттириши мумкин. Бунда, моҳиятига кўра, шакллантирилган баҳолаш моделининг параметрларини танлаш натижаларига унинг якуний натижаси боғлиқ бўлиб, янада ахборотли кўрсаткичларни тўғри танланиши келгусида тузатиш ва ўзгариришлар киритилмайдиган тарзда аниқ ишлайдиган моделни яратиш имконини беради. Комплекс рейтинг баҳолашни тузиш учун баҳолаш тизимига банк фаолиятининг барча томонларини тавсифловчи кўрсаткичлар киритилиши лозим. Фақат мазкур ҳолатдагина якуний рейтингни ҳақиқатда комплекс баҳолаш сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Эксперт баҳолаш ҳозирги кунда амалиётда кредит муассасалари фаолият юритишига нисбатан сифатли ахборотни олиш ва таҳлил қилишнинг нисбатан кенг тарқалган усули ҳисобланади. Бироқ мазкур усулнинг муваффақиятли татбиқ этилиши кўп томонлама кўплаб омилларга, шу жумладан эксперт ахборотларини таҳлил ва қайта ишланишини амалга оширилувчи математик аппаратнинг такомиллашувига боғлиқ. Шунга мувофиқ, рейтингни шакллантиришнинг дастлабки босқичида фойдаланилаётган технологияга мос равишда зарур ахборотни олиш имконини берувчи шкала киритилувчи баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш зарур. Агар таҳлилда мезонларнинг афзалликларини устувор равишда сифатли баҳолаш усули ўзини оқламаса, ёки таҳлилнинг мақсади йиғиндини бирор бир белгилари бўйича синфларга тақсимлаш ҳисобланса, у ҳолда жуфт ва кўплик қиёслаш, табақаларга ажратиш ёки таснифлаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Агар таҳлил қилинаётган ахборотнинг характери мезонларнинг қиёсий афзаллигини миқдорий баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлса, объектлар баҳоланувчи шкалани аниқлаш зарур.

Қиёслаш кўрсаткичлари аниқлангандан сўнг ва уларнинг ҳар бири учун ўзгарувчини баҳолашга фойдаланилган тур шартланган, тадқиқот олиб борилувчи ва экспертиза ўтказиш усули белгиланувчи шкалани аниқлаб олиш зарур. Олиб борилган кўплаб тадқиқотларда мутахассислар фойдаланилган ўзгарувчилар турига мос равишда усулларни бир қанча турларга бўлганлар⁹.

⁹ <https://migcredit.ru/manual/rejtingova-ya-otsenka-bankov>



1-расм. Тижорат банклари рейтингини баҳолаш усуллари¹⁰

Сифат баҳолашни олиш усуллари.

Эксперт ахборотини олишнинг кенг тарқалган усулларида бири жуфт қиёслаш усули ҳисобланади, у муқобиллар жуфтларини изчил қиёслашдан иборат, уларнинг ҳар бири учун экспертга муқобиллардан қайси бири нисбатан афзалроқ ёки муқобилларнинг ушбу жуфти бир синфга тааллуқли бўлиши мумкин.

Миқдорий баҳолашни олиш усуллари.

Миқдорий баҳоли олишнинг асосий усулларида бири муқобилларни баллик баҳолаш усули ҳисобланади. Мазкур усул доирасида объектни ёки экспертнинг афзалликларига мос равишда n -баллик тизим бўйича қиёслаш мезонларидан ҳар бирини баҳолаш кўзда тутилади.

Яширин-таркибий таҳлил усули.

П. Лазорсфег таклиф этган ушбу усул, тартибли ўзгарувчиларни қайта ишлаш учун ҳам татбиқ этилади (яъни эксперт афзалликлари матричасини қайта ишлаш). Механизм экспертларнинг нотранзитив баҳолаш имкониятини ва эксперт гуруҳларининг баъзи келишмовчиликларини назарда тутаяди, чиқиш ҳолатида тартибли ўзгарувчилардан миқдорий ўзгарувчиларга ўтиш имконини беради.

Устунликлар йиғиндиси усули.

Мазкур усул ординал ўзгарувчиларни чегаравийга ўтказган, моҳиятан якуний рейтингни шакллантирган ҳолда қайта ишлаш имконини беради. Усул механизми жуда оддий. Ҳар бир экспертнинг шахсий афзалликлари матричаси асосида $A_k = \{a_{ij}\}_k$ якуний матрица $A = A_k$ шаклланади, ҳар бир қаторда A_i чегаралар йиғиндиси ҳисоблаб чиқилади, унинг асосида якуний тартиблаштириш амалга оширилади. Янада аниқроқ баҳолашни олиш учун усулни модификациялаш мумкин.

Чегаравий баҳолаш бўйича афзалликларни танлаш.

Чегаравий ўзгарувчилардан фойдаланишда эксперт таҳлили маълумотларини қайта ишлашнинг бир неча усуллари кўзда тутилади. Дастлабки босқичда матрицани шакллантириш кўзда тутилади $\{R_{ij}\}$, бунда R_{ij} - j - тартиблаштирилган i -объект чегараси. Якуний рейтингни аниқлашга бир неча ёндашувлар мавжуд. Биринчидан, объектнинг якуний рейтингни қатордаги барча элементларнинг якуний қиймати бўйича қўйиб чиқилганда аддитив усулни татбиқ этиш имконияти тўғилади. Бунда ушбу белги бўйича табақалаштириш мавжудлигини тавсифловчи ёки экспертнинг малакасини ҳисобга олувчи ҳар бир устун учун салмоқли коэффициентларни татбиқ этиш мумкин.

Идеал усул.

¹⁰ <https://migcredit.ru/manual/rejtingovaya-otsenka-bankov>

Мазкур усул молиявий коэффицентлардан фойдаланишга асосланган. Тадқиқотнинг бошланғич босқичида банкнинг ишончилигини белгилаб берувчи молиявий коэффицентлар тўплами танланади. Ҳар бир коэффицент учун идеал банкка мос келувчи нормативлар тайинланади.

Регрессион қолдиқлар усули.

Мазкур усул асосий регрессион таҳлилнинг асосий таҳлил воситаси сифатида фойдаланилади. Барча банклар бир хил хўжалик юритишнинг шароитига қўйилиши, банк фаолиятининг натижаси бир нечта таниқли ўлчамларга ҳамда банк фаолиятининг самарадорлигига боғлиқ, яъни бозор шароитлари барча банкларга унинг параметрларига боғлиқ ҳолда маълум натижага эришиш имконини бериши кўзда тутилмоқда (активлар ва ўз капитали ҳажми, активлар сифати, узоқ ва қисқа муддатли пасивлар нисбати ва ҳ.к.). Бироқ баъзи банклар самарали бошқарувга эга бўлганликлари сабабли меъёрдан юқорироқ натижага эришадилар, бошқалари, яъни бироз самарасизроқ фаолият юритувчи банкларнинг фаолиятлари ҳам камроқ натижа беради.

«Бир хил синфлар» усули.

Ушбу усул ялпи шаклда кўриб чиқиладиган объект ва ҳодисаларни маълум маънода бир гуруҳларни тақсимлашни кўзда тутди. Ҳар бир гуруҳ маълум таснифлаш тартиботига мувофиқ ўхшашлик асосида танлаб олинади. Синфларнинг ҳар бирига мазкур синф вакилларида устувор равишда намоён бўлувчи хусусият тақдим этилади. Бунда ҳар бир ўхшаш йиғинди ичида бир ёки бир неча хусусиятига кўра келгуси табақалаштириш амалга оширилиши мумкин.

“Жамланган гуруҳ” усули.

Ушбу усулни амалга ошириш баланс ва эксперт усуллари симбиозини намоён этади. Табақалаштириш услубини тузиш дастлаб эксперт маълумотлари асосида амалга оширилади. Банкларнинг жамланган гуруҳи бўйича экспертиза амалга оширилади, унинг асосида миқдорий ва рейтинг ўзгарувчилари асосида якуний рейтинг аниқланади.

Тижорат банклари қайси муассасалар томонидан назорат қилинишидан қатъий назар уларнинг асосини давлат ташкил қилиб ҳар бир давлатнинг ўз сиёсий қарашидан келиб чиқиб, ўз мавқеини белгилайди. Уларнинг миллий барқарорлигини сақлаш мақсадига хизмат қилади. Назорат ҳар бир давлатнинг ўз ижтимоий-сиёсий бозор йўналишларига қараб таҳлил этилади. Банк амалиётида тижорат банклар фаолиятини баҳолашда икки ёндашиш бор: банк фаолияти кўрсаткичларини иккинчи синф банкларини, биринчи синф тоифасидаги банкларга нисбатан таҳлил этиш асосида; назорат ташкилотлари томонидан белгиланган рейтинг кўрсаткичлари асосида. Агар бу мазмунни таҳлил этсак дунёда кўп давлатларда бу икки ёндашув бир-бирини тўлдирувчи ҳамдир. АҚШда, Японияда назорат ташкилотлари тижорат банкларнинг рейтингини белгилаш билан бирга уларни 1-синф тоифасидаги банкларга солиштиради. Албатта, бу икки давлат ҳам тижорат банкларини CAMELS рейтинг тизими асосида назорат қилади. Уларнинг амалиётида олдин тижорат банклар рейтингини белгилаб, кейин уларнинг энг йирик ўрта ва кичик банкларга ажратиб, улар ўртасида нисбатларни ҳам тўлиқ таҳлил этади.

Демак тижорат банкларнинг фаолиятини баҳолашда бу икки ёндашув бир-бирини тўлдирар экан, баҳолардан кутилган якуний натижа рейтинг ҳисобланади. Рейтингни ифодалашда икки хил усул қўлланилади: рақам кўринишдаги усул; алифбо кетма-кетлигида белгиланувчи усул.

Динамик кўрсаткичларни қўллаш орқали ташқи фойдаланувчилар томонидан тижорат банки фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича кўплаб тадқиқотлар ўтказилган. Кўриб чиқилган методологиялар кўрсаткичларини таққослаш 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигини аниқлаш методологияси сифатида баҳоланадиган кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили¹¹

Кўрсаткичлар	CAMELS	Кромонов методологияси
--------------	--------	------------------------

¹¹ <https://www.revistaespacios.com/a18v39n12/a18v39n12p19.pdf>

Ўз капиталининг этарлилиги	- асосий капиталнинг етарлилик коэффициенти - умумий капиталнинг етарлилик коэффициенти	K1 - ишончилиликнинг умумий коэффициенти K5 - капитални ҳимоя қилиш коэффициенти
Активлар сифатини баҳолаш	- активларнинг умумий таваккал- чилигининг банк капиталига нисбати	
Банк фаолиятини баҳолаш	- рентабеллик коэффициенти	K6 - акцияларни капиталлаштириш коэффициенти
Рентабеллик		даромад
Ликвидликни баҳолаш	- фоиз ставкасининг ўзгаришига сезгир бўлган маблағларнинг ишончилилик даражаси - активларни нақд пулга алмаштириш имконияти - пул бозорларидан фойдаланиш имконияти - активлар ва пасивларни бошқариш стратегиясининг самарадорлиги; ушбу соҳада бошқарув - эришилган кўрсаткичларнинг ликвидликни кузатиш бўйича ички сиёсатга мувофиқлиги - келгуси сана учун йирик шартномаларнинг мазмуни, ҳажми ва кутилаётган фойдаланиш	K2 - жорий ликвидлик коэффициенти K4 - ликвидликнинг умумий коэффициенти
Бошқарув сифатини баҳолаш	- банк ишончилигининг барча бошқа таркибий қисмларининг ўртача баҳоси	
Рискларга нисбатан сезгирликни баҳолаш	- бозор рисклари даражасини баҳолаш - рискларни бошқариш тизимини баҳолаш	K3 - ўзаро коэффициент, жами мажбуриятларнинг ишлаётган активларга нисбатига тенг
Интеграл коэффициент	Олтига позиция бўйича жамланган рейтинг	$H=45K1+20K2+10K3+15K4+5K5+5K6$

Банклар фаолияти самарадорлигини яхлит баҳолаш методологиясини ўрганиш натижасида бир қатор камчиликлар аниқланди. Биринчидан, самарадорликни баҳолаш нуқтаи назаридан, банкнинг рискларни бошқариш тизими даражасини ва риск даражасини баҳолашни тавсифловчи нисбий кўрсаткичлар мавжуд эмас.

Иккинчидан, CAMELS ва Марказий банк методологияларида бошқарув сифати кўрсаткичларини баҳолаш эксперт бўлиб, катта тажриба ва холисликни талаб қилади, шунинг учун ташқи фойдаланувчи учун бу қийин.

Учинчидан, Кромонов методологиясида фаолиятнинг рентабеллигига етарлича эътибор берилмаяпти, аммо бу банк фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун жуда муҳимдир.

Тўртинчидан, активлар сифатини таҳлил қилишнинг мураккаблиги. Бу зарур, аммо ўрганилаётган методологияларда бу ҳисоб-китоб катта таҳлилий ишлар билан боғлиқ

бўлиб, унинг жараёнида банкнинг асосий инвестициялари уларнинг реал таваккалчилигини баҳолаш нуқтаи назаридан алоҳида кўриб чиқилади.

Ўрганилаётган методологиянинг катта камчиликлари динамик кўрсаткичларнинг йўқлиги бўлиб, бу банкнинг ривожланиш тенденцияларини баҳолашга имкон бермайди.

Банк фаолияти самарадорлигини ташқи фойдаланувчилар томонидан баҳолаш кўрсаткичлари тизimini ишлаб чиқиш. Юқоридаги камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, Марказий банк фаолиятини баҳолаш методологиялари асос ҳисобланади; “капиталнинг етарлилиги”, “активлар сифати”, «рентабеллик» ва «ликвидлилик»ни қуйидаги гуруҳлар билан тавсифловчи мавжуд смета кўрсаткичлари: “кредит риси даражаси” ва «динамика». 18 та иқтисодий кўрсаткичдан иборат олти гуруҳни ўз ичига олган банк фаолияти самарадорлигини таклиф этувчи кўрсаткичларнинг ҳар бир гуруҳини кўриб чиқамиз.

«Динамикалар» гуруҳи учун жамланган кўрсаткични ҳисоблаш тўғридан-тўғри ўртача оғирлик формуласи билан амалга оширилади.

Оғирликларнинг тақсимланиши 2-жадвалда келтирилган. Динамик кўрсаткичларнинг вазни ҳар бир кўрсаткичлар гуруҳининг умумий бўлган аҳамиятига қараб ҳисобланади, шунинг учун капиталнинг етарлилигини ва рискларни тавсифловчи кўрсаткичларга энг юқори оғирликлар берилди.

2-жадвал

«Динамикалар» гуруҳи учун жамланган кўрсаткични ҳисоблаш учун кўрсаткичлар гуруҳлари бўйича оғирликларни тақсимлаш¹²

Кўрсаткичлар	Белгиси	Оғирлиги (вазни)
Капиталнинг етарлилик динамикаси	Д1	0,23
Активлар сифатининг динамикаси	Д2	0,18
Даромадлилик динамикаси	Д3	0,18
Ликвидлик динамикаси	Д4	0,18
Кредит хавфи даражасини динамикаси	Д5	0,23

Кўрсаткичларни гуруҳлаш ва уларни ҳисоблаш тартиби 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Банк фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг таклиф этилаётган методологияси кўрсаткичлари тизими

Кўрсаткичлар гуруҳи учун гуруҳ ва мультипликатор (вазн)	Кўрсаткич	Кўрсаткични ҳисоблаш
Капиталнинг етарлилиги (С) (оғирлиги = 0,2)	C1	Капитал/активлар хавф даражасига қараб тортилади
	C2	Капитал/ Жами активлар
	C3	Капитал/мажбуриятлар
Активларнинг сифати (А) (оғирлиги = 0,15)	A1	Кредит операциялари учун захиралар/Кредит портфелининг умумий ҳажми
	A2	(Активлар – салбий таснифланган активлар)/ активлар
Рентабеллик (Р) (вазн=0,15)	ROA	Фойда/Активлар
	ROS	Фойда/харажатлар
	ROE	Фойда/Капитал
Ликвидлик (L) (вазн=0,15)	L1	Мавжуд активлар/Жорий мажбуриятлар
	L2	Мавжуд активлар / Жами активлар
Кредит риси даражаси (R) (вазн=0,2)	R1	Кредитлар бўйича зарарлар / Кредитлар бўйича қарзнинг ўртача ҳажми

¹² <https://www.revistaespacios.com/a18v39n12/a18v39n12p19.pdf>

	R2	(Кредит бўйича қарз - Кредитлар бўйича мумкин бўлган йўқотишлар учун тахминий захира) / Кредит қарзи
	R3	Муддати ўтган ва узайтирилган кредитлар / Банкнинг ўз активлари (капитали)
Динамик (D) (ўсиш суръати) (вазн = 0,15)	D1	Ccur/Cpr-1
	D2	Acur/1-aprel
	D3	Pcur/Ppr-1
	D4	Lcur/Lpr-1
	D5	(1-Rcur)/(1-Rpr)-1

Кўрсаткичларнинг ҳар бир гуруҳига мос келадиган оғирлик (кўпайтирувчи) берилади. 0,2 га тенг бўлган энг катта вазн капиталнинг етарлилиги ва кредит rischi даражаси кўрсаткичлари гуруҳларига берилади;

бошқа гуруҳлар 0,15 оғирлик билан белгиланади. Банкнинг молиявий ҳолатининг интеграл коэффиценти гуруҳлар ва вазнлар бўйича жамланган кўрсаткичлар қийматининг маҳсулоти йиғиндиси сифатида ҳисобланади:

$$W = C \cdot 0.2 + A \cdot 0.15 + P \cdot 0.15 + L \cdot 0.15 + (1 - R) \cdot 0.15 + D \cdot 0.2$$

Бу ерда,

W – банк молиявий ҳолатининг интеграл коэффиценти;

C – «капиталнинг етарлилиги» гуруҳининг жамланган кўрсаткичи қиймати;

A – «рентабеллик» гуруҳининг жамланган кўрсаткичининг қиймати;

P – «рентабеллик» гуруҳининг жамланган кўрсаткичининг қиймати;

L – «ликвидлик» гуруҳининг жамланган кўрсаткичи қиймати;

R – «кредит rischi даражаси» гуруҳининг жамланган кўрсаткичи қиймати;

D – «динамик (ўсиш суръати)» гуруҳининг жамланган кўрсаткичининг қиймати

Қоида тариқасида, интеграл коэффицент нолдан юқори. Баъзи ҳолларда, катта йўқотишлар ва кўрсаткичларнинг сезиларли даражада ёмонлашиши билан у салбий қийматга эга бўлиши мумкин. Интеграл коэффицент қанчалик катта бўлса, банк фаолиятининг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Интеграл коэффицентнинг қийматига қараб, банк самарадорлигининг тегишли таснифлаш гуруҳига ўтади. Уларнинг тавсифи 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Интеграл коэффицент қийматига қараб фаолият самарадорлиги гуруҳлари бўйича банкларнинг хусусиятлари¹³

Интеграл коэффицентнинг қиймати	Фаолият самарадорлиги учун банклар гуруҳининг хусусиятлари
0,7 дан юқори	Юқори: активлар ва пассивлар таркиби оптималга яқин, юқори рентабеллик (банк тизимининг ўртача даражасидан юқори), молиявий ҳисоб кўрсаткичлари динамикаси ижобий, кредит riskининг мақбул даражаси
0,4-0,7	Ўрта: кўрсаткичларнинг ижобий динамикаси, ликвидли баланс (активлар ва пассивлар таркиби оптималга яқин), рентабеллик ҳажми банк тизимининг ўртача рентабеллик даражасидан ошмайди (ёки аҳамиятсиз даражада), ликвидлик кўрсаткичларининг етарли даражаси ва кредит хавфи даражаси учун мақбул бўлган капиталлашув
0-0,4	Паст: ривожланишнинг салбий динамикаси: ликвид бўлмаган баланс (активлар ва пассивларнинг қониқарсиз тузилиши:

¹³ Yulia R. RUDNEVA 1; Lyubov I. VANCHUKHINA 2; Nelly N. GALEEVA 3; Zemfira A. GAREEVA 4; Anastasia M. ROGACHEVA 5. Evaluation of effectiveness of Commercial Bank's Activities by External Users with Application of Dynamic Indicators. Received: 23/12/2017 Approved: 22/01/2018 (<https://www.revistaespacios.com/a18v39n12/a18v39n12p19.pdf>).

	салбий таснифланган активларнинг катта улуши), салбий молиявий натижа, ликвидлик ва капиталлашувнинг паст кўрсаткичлари, кредит рискиннинг юқори даражаси
0 дан паст	Банкнинг самарасиз фаолияти: юқори рентабеллик ва фаолият кўрсаткичларининг салбий динамикаси

Таклиф этилаётган методология банк фаолияти самарадорлигини тушуниш ва баҳолаш, унинг фаолиятига таъсир этувчи муҳим омилларни таҳлил қилиш имконини беради. Бундан ташқари, методологиянинг афзаллиги шундаки, баҳолаш тизимига киритилган барча кўрсаткичлар эълон қилинган бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида баҳоланиши мумкин, бу эса уни ташқи фойдаланувчилар учун очиқ бўлади.

Тижорат банкларининг иқтисодий фаолиятини CAMELS рейтинг тизими асосида баҳолаш методикаси Карабаев N.A. томонидан ўрганилган бўлиб, у таҳлил қилинаётган банк фаолиятининг таркибий қисмларини биринчи ҳарфдан иборат бўлган омиллар асосида баҳолашни назарда тутди¹⁴.

Банкнинг барқарорлигини таҳлил қилиш учун кўплаб моделлар мавжуд, улар орасида Банкометр яқинда ишлаб чиқилган ва банк барқарорлигини синтез қилиш учун CAMELS тизими ва CLSA-stress тест параметрларидан олинган молиявий коэффицентларни фоизларда озгина ўзгартирилган ҳолда ишлатадиган оддий ёндашув. Ушбу моделда банкнинг мустаҳкамлиги тўлов қобилияти балли (S-Score) деб аталадиган балл билан ўлчанади. Тўловга лаёқатсизлик билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва Банкометр ёндашувида кўрсатилган камчиликларни бартараф этишда ушбу ҳолат банкнинг ички бошқаруви учун фойдали бўлиши мумкин. Ундан нафақат жисмоний шахслар, балки назорат қилувчи органлар ҳам исталган банкнинг барқарорлиги ёки тўлов қобилияти ҳолатини бир зумда кўриб чиқиш учун фойдаланишлари мумкин. ХВФ тавсияларидан сўнг тадқиқотчи ташаббусни ўз зиммасига олди ва минимал параметрлар сони билан максимал аниқ натижаларни таъминлаш сифатига эга Банкометр деб номланган кенг қамровли усулдан фойдаланди. Унинг умумий кўриниши, «Банкометр» моделининг ифодаси қуйидагича¹⁵:

$$S = 1,5X_1 + 1,2X_2 + 3,5X_3 + 0,6X_4 + 0,3X_5 + 0,4X_6$$

Бу ерда, «S» тўлов қобилиятини англатади, бу қарам ўзгарувчидир. Ушбу модель остидаги мустақил ўзгарувчилар:

X₁= капиталнинг активларга нисбати (CA): $\geq 04\%$

X₂= соф капиталнинг активларга нисбати (EA): $\geq 02\%$

X₃= капитал етарлилик даражаси (CAR): $40\% \leq CAR \leq 08\%$

X₄= ишламайдиган кредитларни умумий кредитларга нисбати (NPL): $\leq 15\%$

X₅= харажатнинг даромадга нисбати (CI) : $\leq 40\%$

X₆= кредитларнинг активларга нисбати (LA) : $\leq 65\%$

Бироқ юқорида кўрсатилган фоизлар мавжуд бўлган банкни тушунтиради

- CAR нисбати 8% дан 40% гача;
- CA нисбати 4% дан юқори;
- EA нисбати 2% дан ортиқ;
- назорат остидаги NPL даражаси 15% дан паст;
- CI коэффиценти 40% дан кам сақланиб қолган;
- 65% дан паст бўлган LA нисбатини назорат қилиш орқали ликвидликни сақлаб қолиш.

Банкометр таснифи бўйича "Super Sound Bank" деб таснифланиши мумкин. Банкнинг молиявий инқирозга қарши заифлигини башорат қилиш банклар, кредиторлар ва инвесторлар учун жуда муҳим масаладир. Банк тўловга лаёқатсиз бўлганида, кредиторлар асосий қарз ва фоиз тўловларининг бир қисмини йўқотиш туфайли маҳрум бўлишади, акциядорлар эса барча инвестицияларини йўқотиши мумкин. Агар банк молиявий тангликдан кейин фаолиятини тикласа ҳам, банкнинг омон қолиш учун катта

¹⁴ Karabaev NA Evaluate the activities of commercial banks based on the rating system of camels operations and improve it. Scientific electronic journal "International Finance and Accounting". № October 5, 2017. www.interfinance.uz

¹⁵ <https://www.scooperatings.com/ScopeRatingsApi/api/downloadmethodology?id=8656bc65-34d6-4f18-8f31-6ad929cbccdf>

харажатлари туфайли банкнинг келажакдаги ўсиши сезиларли даражада тўсқинлик қилади.

Мезон: «S» қиймати 70 дан юқори бўлган банклар тўловга лаёқатли бўлиб, " Super Sound Bank " (қулай молиявий аҳволга эга), «S» қиймати 50 дан кам бўлган банклар эса "Тўловга лаёқатсиз" (юқори хавф остида бўлган) деб номланади. молиявий танглик 50 дан 70 гача бўлган «S» қийматига эга бўлган банклар ўртача ҳолатда ва хатолар таснифига мойиллиги сабабли "Кулранг зона" га ($50 < S < 70$ оралиғидаги майдон) таснифланиши мумкин.

Ушбу рейтинг методологияси глобал миқёсдаги молия институтларига, шу жумладан банкларга ва банкдан ташқари молия институтларининг кенг доирасига кредит рейтингларини белгилашга ёндашувимизни тушунтиради.

Хулоса ва таклифлар:


Юқорида олинган таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

- тижорат банкларини рейтинг асосида тузишнинг икки асосий усули мавжудлиги асосланди: а)комплекс қиёслаш кўрсаткичи бўйича барча объектларни босқичларга ажратувчи ягона рейтингни тузиш (хусусий мезон, умумий балл ёки яширин кўрсаткичлар асосида); б)бир ёки бир неча белгилар бўйича босқичларга фойдаланилиши мумкин бўлган тоифаларни тузиш (синфлар, гуруҳлар, сегментлар);
- банклар фаолияти самарадорлигини яхлит баҳолаш методологиясини ўрганиш натижасида бир қатор камчиликлар аниқланди. Биринчидан, самарадорликни баҳолаш нуқтаи назаридан, банкнинг рискларни бошқариш тизими даражасини ва риск даражасини баҳолашни тавсифловчи нисбий кўрсаткичлар мавжуд эмаслиги. Иккинчидан, баҳоланадиган кўрсаткичлар ўртасида доимий мутаносибликни йўқлиги;
- банкнинг барқарорлигини таҳлил қилишни Банкометр CAMELS тизими ва CLSA-stress тест параметрларидан олинган молиявий коэффицентларни фоизларда озгина ўзгартирилган ҳолда ишлатадиган моделдан фойдаланиш тавсия этилди. Ушбу моделда банкнинг мустаҳкамлиги тўлов қобилияти балли (S-Score) деб аталадиган балл билан ўлчаниб, банкларнинг фаолиятини рейтингини аниқ баҳолаш имкониятини бериши асосланди;
- банкометр модели асосида баҳолаш мезонлари сифатида «S» қиймати 70 дан юқори бўлган банклар тўловга лаёқатли бўлиб, " Super Sound Bank " (қулай молиявий аҳволга эга), «S» қиймати 50 дан кам бўлган банклар эса "Тўловга лаёқатсиз" (юқори хавф остида бўлган), молиявий танглик 50 дан 70 гача бўлган «S» қийматига эга бўлган банклар ўртача ҳолатда ва хатолар таснифига мойиллиги сабабли "Кулранг зона" га ($50 < S < 70$ оралиғидаги майдон) таснифланиши тавсия этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-300-сон "«Ўзбекистон – 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори.Lex.uz
2. Antoun, R., Coskun, A., & Georgievski, B. (2018). Determinants of financial performance of banks in Central and Eastern Europe. Business and Economic Horizons, 14(3), 513-529. DOI: 10.15208/beh.2018.
3. Ezike, J. E., & Oke, M. O. (2013). Capital adequacy standards, Basle Accord and bank performance: The Nigerian Experience (A case study of selected banks in Nigeria). Asian Economic and Financial Review, 3(2), 146-159.
4. Karabaev NA Evaluate the activities of commercial banks based on the rating system of camels operations and improve it. Scientific electronic journal "International Finance and Accounting". № October 5, 2017. www.interfinance.uz
5. Yulia R. RUDNEVA 1; Lyubov I. VANCHUKHINA 2; Nelly N. GALEEVA 3; Zemfira A. GAREEVA 4; Anastasia M. ROGACHEVA 5. Evaluation of effectiveness of Commercial Bank's Activities by External Users with Application of Dynamic Indicators.Received: 23/12/2017 Approved:22/01/2018 (<https://www.revistaespacios.com/a18v39n12/a18v39n12p19.pdf>).
6. Коммерсант. 1993 №4 13-бет, №10 , №12 10-6; Финансовой ведомост. //Россия Федерацияси журналлари. -М.:. 1993 12 апрел 5-12 б.
7. <https://migcredit.ru/manual/rejtingovaya-otsenka-bankov>

8. https://www.cfin.ru/finanalysis/banks/bank_ratings.shtml#1_1
9. https://www.ijfifsa.ir/article_139649.html
10. <https://www.revistaespacios.com/a18v39n12/a18v39n12p19.pdf>
11. <https://www.scooperatings.com/ScopeRatingsApi/api/downloadmethodology?id=8656bc65-34d6-4f18-8f31-6ad929cbccdf>
12. <https://www2.deloitte.com/us/en/insights/industry/financial-services/financial-services-industry-outlooks/banking-industry-outlook.html>



Ўзбекистон, Тошкент ш.,
Амир Темур - 13 уй



uzbridge@eyuf.uz



www.uzbridge.eyuf.uz